


566

# ТАФАККУР




ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ,  
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ  
ЖУРНАЛ

ТАФАККУР 2/2020



Ўзбекистон Қаҳрамони



100

Саид Аҳмад





## SO'NMAS YULDUZLAR YOG'DUSI

✿ Истиқлолга ўқ отилмай, қон тўкилмай эришилган, деган кимса адашади. Мустақиллик бир юз қирқ йиллик курашда тўкилган тоза қонлар эвазига қўлга киритилди.

✿ Мен шиор ёзган алвонларни бир-бирига улаб, кўрпа қавилса, Оролга ёпқич бўлади.

✿ Нимагаки эришган бўлсам, фақат меҳнатим орқали эришганман. Машҳурлик масаласида бир нима дейишим қийин. Ким билади, у балки масъулият деганидир.

✿ Ёзмоқ керак. Вақти келиб, мен ҳам кетарман. Эсдаликлар ўзим билан кетмасин.

✿ Буюк одамлар ҳақида гапириш балки осондир, қоғозга тушириш эса ниҳоятда қийин. Чунки айтилган гап ўша жойида қолиб кетар, ёзилгани эса тарихга айланиши мумкин.

✿ Ҳозир осмонда чақнаётган сонсиз юлдузларнинг кўпи минг йиллар олдин сўнган, аммо уларнинг нури ҳали-ҳамон Ерга келиб турибди.

✿ Бутун илҳомини, талантини, билиму билагонлигини халқига, халқининг орзу-умидларига бағишламаган ёзувчи чинакам халқ ёзувчиси эмас.

✿ Метин иродали ижодкор замона зўрларига эгилмай, курашиб яшаб, оламдан ўтади. Кейин унинг асарлари ана шу ҳақиқат учун курашади.

 Энг  
 № 1

САИД АҲМАДнинг  
 “Йўқотганларим ва топганларим”  
 китобидан олинди.



# ТАФАККУР



## Тафаккур

ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

Журнал 1994 йилдан чиқа бошлаган. Бир йилда тўрт марта нашр этилади.

Бош муҳаррир  
Эркин АЪЗАМ

Таҳририят

Собиржон ЁҚУБОВ  
(бош муҳаррир ўринбосари)

Султонмурод ОЛИМ  
(бўлим мудир)

Нодира ОФОҚ  
(бўлим мудир)

Ольга ЖОЛДАСОВА  
(бўлим мудир)

Насрулло ЭРГАШ  
(мухбир-муҳаррир)

Наргиза УСМОНОВА  
(техник муҳаррир)

Жамоат кенгаши

Ўрзобой АБДУРАҲМОНОВ

Абдулла АЪЗАМ

Хуршид ДАВРОН

Минҳожиддин МИРЗО

Шухрат РИЗО

Сирожиддин САЙИДИ

Хайриддин СУЛТОН

Абдурахим ЭРКАЕВ

Муртазо ҚАРШИБӨЙ


Дилмурод КУРОНОВ

Муассис – Республика Маънавият ва маърифат кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0219-рақам билан рўйхатга олинган. Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.

Журналдан кўчириб босилганда манба қайд этилиши шарт.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 36-бино.

 tafakkurtahririyati@mail.ru

Журнал андазаси таҳририятнинг компьютер бўлимида тайёрланди.

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. 100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-бино.

2020 йил 8 июнь куни босмахонага топширилди. Қоғоз бичими 70x100 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>, 6 босма табоқ. 993-буюртма. Нашр аяди 1027 нусха.

### НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

Илоҳий мувозанат бузилганда. Адабиётшунос олим Раҳмон ҚҶЧҚОР билан суҳбат.....4

### ЖАМИЯТНИНГ МАҚСАДИ

Султонмурод ОЛИМ. Толиби илм керак.....16

### АҚЛ МУНОЗАРАСИ

Абдурахим ЭРКАЕВ, Хуршид ФОЗИЛОВ. Евроосиё эҳтирослари.....20



### ЯНГИ АСР МУАММОЛАРИ

Виктор АЛИМАСОВ. Бегоналашув.....26

### ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ

Элдор АСАНОВ. Бизни қандай келажақ кутмоқда?.....32

### РОСТЛИК – ХАЛОСЛИК

Шароф БОШБЕКОВ. Умуртқасиз одам.....42

# SAHI FALARIDA

## саҳифаларида

### ТАРИХ САБОҚЛАРИ

Алижон САФАРОВ. Жосулик кутқуси.....47

### ИНСОН ЎЗИНГ, ИНСОН ЎЗИНГ

Муртазо ҚАРШИБОЙ. Нью-йорклик  
хофиз. Ҳикоя.....52

### РУҲИЯТ САБОҚЛАРИ

Нодира ОФОҚ. Заминга пайвандланган  
Арш.....64



“Илҳом” фильмидан лавҳа

### ТАҚДИРДАГИ ТАДБИРЛАР

Раҳимжон СУЛТОНОВ. Рўйхатларда йўқ  
эди номи.....70




### ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

Дилфуза КОМИЛ. Қуёш аксланган  
деразалар.....78

### ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Аброр ТЎРАЕВ. Жаҳоний ҳукмронлик  
мафкураси.....84  
Баҳриддин САЛИМОВ. Қандай яшамоқ  
керак?.....85  
Машрабжон ЭРМАТОВ. Мақом алломаси...86  
Дилмурод ИСЛОМОВ. Ҳам олим, ҳам қа-  
ландар.....88  
Сайёра ҲАЛИМОВА. Ҳуқуқ шуни тақозо  
қилур.....88  
Абдуманнон ИСМАТУЛЛАЕВ. Ислом қадр-  
шунослари.....90  
Ёшин ҲАКИМОВ. Боболардан улги олиб...91  
Илҳомжон ҒУЛОМОВ. Демографик сиёсат:  
коса тагида нимкоса.....93  
*Журналнинг инглизча мухтасар  
мазмуну.....95*



## ILOHIY MUVOZANAT BUZILGANDA

***Адабиётшунос олим Раҳмон ҚЎЧҚОР  
билан суҳбат***

– Фозил жамиятда давраларнинг тўри боёнларга эмас, зиёлиларга берилади. Аммо бугун замон тарозисида маърифатдан кўра манфаат оғирроқ тош босаётир. Бозор талотумлари таъсиридамикан, жамиятимизда зиёли аҳли хийла камписанд бўлиб қолди. Юрту миллат тақдирига дахлдор масалаларда сўнгги сўз айтмоқ ҳуқуқи ҳам сармоядорларга пешкаш қилингандек. Зиёлиларнинг бу ҳолга тушиш сабаби не? Интеллектуал қатлам нега ўз сўзини айта олмаяпти? Ё, замона йўриғи шу экан дея, аҳли тўжжорнинг ошиғи олчи бўлганини табиий ҳол тарзида билмоқ керакми?

– Ўзбек тилида ихлос деган сўз бор. Бирон бир жиддий натижа, муваффақиятга унингсиз эришиб бўлмайди. Қарангки, ихлос-ла иш тутмоқ қуввати ҳам кишининг истеъдодига боғлиқ. Бошқача айтганда, истеъдодсиз одамларда ихлос туйғуси ўзига яраша – ҳаминқадар бўлади.

Ўтган асрнинг 80-йиллари миёналаридан 90-йиллар ўрталарига қадар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси йиғинларига республика бош

рахбарлари, мафкура бўйича котибу котибаларининг “ўз оёқлари билан” келиши, ижодкорларнинг дарду ҳасратига қулоқ тутиши одатга айланган эди. Ўша йиғинларда нафақат ёзувчи-шоир, балки мамлакатнинг кўзга кўринган фан дарғалари – экологлардан тортиб кимёгарларгача жон куйдириб нутқ ирод қиларди. Машваратлар миллатнинг энг оғриқли дардлари хусусида бўлар, ёзувчи-шоирлар шахсий ташвиши – далаҳовли ололмаётганию автомашинага муҳтожлиги масаласини ўртага тиқиштиришни хаёлига ҳам келтирмас, агар бирон бир қаламкаш қурсоқ масаласида оғиз жуфтласа, ўша заҳоти кўпчиликнинг ачиниш ва нафрат қоришиқ нигоҳига дуч келар, дарҳол узр сўрай-сўрай “жойини топиб” ўтирар эди.



Нега?

Чунки у йиғинларда Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Озод Шарафиддинов, Бегали Қосимов, Норбой Худойберганов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Шукур Холмирзаев, Ҳалима Худойбердиева, Аҳмад Аъзам, Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Юсуф сингари раҳматли устозларимиз, Умарали Норматов, Омон Матжон, Гулчеҳра Нуриллаева, Усмон Азим, Хуршид Дўстмуҳаммад, Хуршид Даврон, Мирзо Кенжабек каби ёниқ ва ёрқин истеъдод соҳиблари ота мамлакат, она миллат дарди атрофида ихлос-ла жипслашар, раҳбарларни ўз сўзини эшитишга мажбур қиларди...

Энди ўша нуқтадан туриб, айна кўламга солиштириб, бугунги интеллектуал қатлам ҳолига назар ташлайлик. Кимларни ва нималарни кўрамиз?

Афсуски, кўражак ҳолимиз Абдулла Қаҳҳор ўз авлоди устидан ўқиган ушбу беаёв ҳукми ёдга солади: “Буларнинг бир қисми ёзиш-чиқишга бўлган ҳавасини талант деб ўйлаган, шунинг учун адабиётга янглиш кирган одамлар. Яна бир қисми адабиёт қалбнинг бир чеккасини эмас, ҳаммасини талаб қилишини билмаган кишилар. Учинчи бир қисмини ғурур-манманлик кемириб-еб, сафдан чиқариб ташлади. Булар беш-ўнта ўқувчи орттирар-орттирмас кеккайиб, ўқимай кўйди, ўсишдан тўхтади. Тўртинчи бир қисмини ўз ҳаётини тартибга солмаслик, яшай билмаслик хароб қилди”.

Кейинги йилларда бу каби воқеликлар сони ортса ортдики, асло камайгани йўқ. Мансаб-мартаба, мукофот-унвон, юмшоқ ўриндиқли хизмат машиналари ҳамда бирдан димоғни шишириб юборадиган

салқин кабинетлар бир гуруҳ истеъдодларни қомига тортди. Билимли инсонларнинг каттагина қисмини эса бозор аталмиш юҳо, тирикчилик ташвиши ўз чанғалида эзиб-янчиб ташлади. Ярим литрлик шиша банкада ишхонага қўтариб келинадиган – кечқурунги овқатдан қолган насиба зиёлининг тушлик ризқи бўлиб қолди. Истеъдодли, аммо “пропискасиз” ёшларнинг қанча-қанчаси йиллаб ватани пойтахтида миршаб қўлига тушишдан қочиб, ишлаб топган арзимас қалам ҳақини ҳам ижарадор қўлига тутқазиб кун ўтказди. Уларда хотирни жамлаб ўқиб-ўрганишга, бафуржа мушоҳада юритишга, олам ва одам хусусида инсоният келаётган хулосалар билан танишишга на-да вақт, на-да тузукроқ имкон бўлди. Бундай шароитда киши тийнатида ойдин дардлар, ёруғ мушоҳадалар, умидли интилишлар эмас, балки аламзадалик, ҳафсаласизлик, дунё ишларидан бешишдек емирувчи кайфият ҳукмронлик қилиб, унинг ортидан замона зиёлилари орасида бир-бирига ғайирлик, ўзаро ётлашув муҳити юзага келади.

Хўш, шундай вазиятда умумзиёлиларнинг элу юрт дард-ташвиши теграсида бирлашиши, илмий ва эстетик тафаккурнинг ҳали ишга солинмаган чексиз имкониятларини кашф этиши хусусида ўйлаб, орзу қилиб бўладими?

Эслатганингиз – бозордаги тужжорлар муҳитида эса бунинг буткул тескариси. Бирида йўқ молнинг ўша заҳоти иккинчисидан топиб берилиши, бир харидорнинг қўнглини биттаси олса, бошқа харидор истагини унинг ҳамкори бажо келтириши, бизнес шерикларнинг биргаликда ва оилавий дам олиши, саёҳату сафар уюштириши ўзаро ҳамжиҳатлик кўринишларидир.

Мана шу аҳволда жамият, омма кўзига кўпроқ ким ташланади? Айниқса, ёшлар кимга кўпроқ эргашади, кимни идеал деб биладию кимга ихлос-ла таассуб қилади?

Ўз мақсад-муддаоси, мўлжал-манзиллари сари интилишда интеллектуал қатлам вакиллари тужжорлар соясида қолаётган бўлса, бунинг илдизларини аввало ўзимиздан қидирмоғимиз керак. Чунки биз боя бир қисми санаб ўтилган кутқуларга дош беролмадик; биримиз унисининг, бошқамиз бунисининг домига тушдик. Қолаверса, бу ҳолга тек қараб туришдан бошқага ярамаётган жамиятнинг умумий маданий-маърифий савияси ҳам, тан олайликки, ўзига яраша.

*– Адабиёт ила давлат муносабати борасида икки ёндашув кенг тарқалган. Бир тоифа давлат қалам аҳлига мудом ғамхўрлик кўрсатмоғи лозим деган фикрда. Бошқаси эса, давлат адабиётга ҳомийлик қилмагани маъқул, негаки, ҳатто истеъдод эгалари ҳам*

*“еган оғиз уялар” тутумида қасидагўйликни касбга айлантиради деб ҳисоблайди. Сизнингча, адабиёт ва давлат робитаси қандай бўлмоғи лозим?*

– Аввало, давлатнинг давлатдан фарқи бор. Дунёнинг илғор демократик мамлакатларида ижодкор зоти сиёсату мафкура йўриғига, ҳукуматнинг қош-қовоғига қараб қолган эмас. Дейлик, “Оскар” ёхуд Канн фестивали мукофоти кимга берилишига АҚШ ёки Франциянинг расмий идоралари аралашмайди. Ижодкорларнинг турли уюшмалари эркин фаолият юритади, қонунлар уларни нафақат мамлакат ичида, балки хорижда ҳам ҳимоя қилади. Ижод аҳлининг моддий-маиший аҳволи ўз ҳаракатига, асарларининг эътироф этилиш миқёсига боғлиқ. Улар давлат берадиган ёрдам ва меҳрибончиликдан умид ҳам қилмайди.

Бизга ёқадими-йўқми, Карл Маркс хўб ақлли одам бўлган. Шўровий раҳбарлар эса унинг йўл-йўриқларини амалиётга жорий этишда обдон ҳафсала кўрсатгани маълум. Жумладан, “Шоирлар меҳрибонликка муҳтождирлар” деган ўғитга қатъий амал қилиб, айни шу йўл билан не-не истеъдодлар мафкурага хизмат эттирилди. Бундай миннатли меҳрибончиликни инкор этганларнинг ҳоли не кечганини яхши биламиз.

Шахсан мен ижод иши, ижодкор фаолиятига давлатнинг аралашувини, ҳар қанча ақлли бўлмасин, турли идораларда ўтирган масъул шахсларнинг истеъдодга йўл-йўриқ кўрсатишини маъқул, мақбул ҳол деб ҳисобламайман. “Истеъдод” дея урғулаётганим бежиз эмас. Чунки бу илоҳий неъматдан бебаҳра кишилар нафақат давлат, балки оддий дастёрнинг ҳам ҳимматига кўз тикиб яшашга маҳкум; ҳозир гап улар хусусида бораётгани йўқ. Навоий ва Бойқаро, Нодира ва Умархон, Маркес ва Кастро муносабатлари ноёб истисно эканини, ҳарқалай, ҳамма билса керак.

Еган оғизнинг уялиши эса, айниқса, Шарқда ва яна айниқса, бизда айни ҳақиқат! Еб уялиш бир уятли ҳолат бўлса, ейишдан умидвор бўлиб уялишга доимий тайёрлар сафининг узунлиги янада шармандалидир. Шунинг учун, келинг, муқаддасотни “воситаи жоҳ”га айлантирганларни нари қўйиб, ижодни, хусусан, шоир ва ёзувчиликни бола боқиш, тирикчилик ўтказиш дастаги эмас, балки қисмат деб билган чин ижодкорлардан ибрат олайлик. Эсласак, ўшаларни эслайликки, кўнглимиз равшан, руҳимиз баланд бўлсин.

*– Нақл қиладиларки, халифа Умари Одил аёлларга тортиқ этиладиган маҳр миқдори ортиб кетаётгани учун эркакларга ен-*

гиллик бермоқчи бўлиб, бир мажлисда шуни чеклашдан гап очибди. Йиғинда ҳозир бўлган аёллардан бири “Эй мўминлар амири! Оллоҳ таоло ўз Каломида “Гарчи уларга ҳаддин ортиқ маҳр берган бўлсангиз ҳам” деб марҳамат қилган. Демак, маҳрни чеклашга ҳаққингиз йўқ!” дея эътироз билдирибди. Шунда халифа “Аёл тўғри айтди, Умар хато қилди” деб янглишганини мардона тан олибди. Рубъи маскунни идора этиб турган ҳукмдорнинг бир оғизга танбеҳини сўзсиз қабул қилиши бугун чўпчак бўлиб туюлади. Негаки, асрлар мобайнида мезону низомлар буткул ўзгариб кетган...

Тўғри гап туққанингга ёқмайди, дейди халқимиз. Амал отига минган замондошларимиз орасида ҳам ҳақиқатга тик боқиб, рост сўзни ҳазм қилабиладиган марди мардон кам топилади. Жамиятимизда кўп учраётган ҳол: ОАВда бирон танқидий мақола чоп этилса, ҳокимликлар муаммони ҳал этиш ўрнига журналисту блогернинг шахси билан “шуғулланади”, матбуот хизмати ҳам вазиятни хаспўшлаш учун ўтрик тўқишга тушади. Бир суҳбатингизда “Амалдорлар хизмат машинасининг қорайтирилган ойнасидан ҳаётни теран кўролмайди” деган эдингиз. Хўш, ишбошиларимизни ҳақиқат эътирофига қай йўл билан ўргатса бўлади?

– Чинакам халқ шоири Омон Матжон 1978 йилда “Юртимдаги вазмин одамлар” деган шеър ёзган эди. Унда шундай сатрлар бор:

*Сал тупроғи енгил жонлардан  
Эл озмунча кўрганми ғамлар?!*

Афсус... бу жараён ҳали-ҳануз давом этаётир. Давлат идораларида туну кун тиним билмай меҳнат қилаётганлар номига доғ тушириб, зиммасига юкланган вазифани дўндириб бажара олмаслигининг аламини бошқалар, аксар ҳолда оддий халқдан олишга уринаётган катта-кичик амалдорлар қилмишларидан уяламиз. Ойни этак билан ёпиб бўлмайди: айрим мансабдорларнинг фермерга, ўқитувчига, маҳалла оқсоқолига, онаси тенги аёлга, журналисту блогерга... қилаётган кўполдан-кўпол муомала-муносабатини бутун республика, ҳатто хориждагилар ҳам кўрмоқда, эшитмоқда.

Камина бу ҳолни ниҳоятда оғир, малоллик билан қабул қиламан. Нима бўляпти бизга? Шу аҳволимизда энди биз киммиз? Кунимиз шуларга қолдимиз? Ишингни эплай олмаётган экансан, жирилламай, эплайдиганга топшириб кетмайсанми?! Ёпишиб олган курсичанг тафти кўнгли музлатилган инсонлар шаънидан азизроқми? Кўпчилик олдида ўқитувчига ўшқираётган, фермерни ҳақорат қилаётган, ҳақ сўзни айтаётган журналистни жисмонан маҳв этиш билан таҳ-

дид ўтказаётган “зоти олийлар” ўзини ким деб фахмлайди, тобора шишиб бораётган димоғини қайси шамоллар кўтардию ким уларга изн-ихтиёр берди?!

Номақбул қилмишларидан ёзғирганимиз амалдордан изоҳ сўрасангиз, аксари тўтиқушдек бир гапни такрорлайди: “Нима, мен уйимдаги иш учун қуюнъяпманми? Шахсий вазифамни бажарсин деб сўкибманми? Халқнинг иши деб уришдим-да! Мендаям асаб бор, мен ҳам одамман, ахир!”

Дарҳақиқат, шундай, сиз ҳам одамсиз, биродар. Аммо оддий эмас, халқ ишониб, вазифа бериб қўйган масъул одамсиз! Модомики, шу масъулиятни бўйнингизга олган экансиз, биз сингари оддий одамлардан фарқли ўлароқ, энди сизнинг юриш-туришингиз ҳам, гап-сўзингизу муомала-муносабатингиз ҳам ўн чандон, юз чандон намунали бўлмоғи талаб этилади. Зеро, сиз тўрт улфати билан чойхонада ўтириб, дастёр болага “жиззани бер, чойни янгила” дейдиган ошхўр эмас, балки давлат идорасида, унинг номидан иш кўрадиган масъул ходим, халқнинг хизматкорисиз! Чойхонадаги мижоз турфа истаги бажо этилиши учун ёнидан пул тўлайди. Сиз эса бюджетдан, демакки, меҳнаткаш халқ тўладиган солиқлар ҳисобидан маош оласиз. Гапнинг хулласи шуки, чойхонадаги дастёрга иш буюрадиган хўранда сиз эмас, халқдир! Афсуски, сиз ва сизга ўхшаган айрим оёғи ердан узилганлар халқни ҳали-ҳамон чойхонадаги югурдак бола хаёл қилмоқда; унга не буюрсак, қачон ва қандай буюрсак – бажаришга мажбур деб, ниҳоятда хато ўйлаяпти.

Агар биз ҳам демократик давлатлар сафига кириб, шу йўлда собит турмоқни астойдил истасак, дунёқарашимизни, ишга, одамларга бўлган муносабатимизни тубдан ўзгартирмоғимиз даркор. Бундан бошқа йўл йўқ! Шу ҳақиқатни қанча тез англасак, амалга айлантисак – шунча соз.

*– Куюнчак публицист Карим Баҳриев коррупцияга қарши курашда аксар ҳолда тадбирбозлик билан чекланаётганимиз, энг хатарлиси, сабаб эмас, оқибат билан курашаётганимиз ҳақида мақола эълон қилди. Устоз Хуршид Дўстмуҳаммад журналимизга берган интервьюсида қариндош-уруғчилик, таниш-билишчилик қон-қонимизга сингиб кетгани азалий ва “ардоқли” мезон экани, шу боис ҳам қонун устуворлигига эришиш мушкул кечаётганини таъкидлади.*

*Раҳмон ака, бир неча йилдан бери ҳуқуқшунослик дорилфунунида сабоқ бериб келасиз. Юртимизда коррупция илдизини қирқиш-*

нинг энг мақбул йўли нимада деб биласиз? Сервантеснинг шамол тегирмони билан жанг қилган машхур қаҳрамони ҳолига тушмаслик учун бу борада қандай чора қўллаган маъқул?

– Бундан икки йил аввал Адлия вазирлиги эълон қилган “Биз, ёшлар – коррупцияга қаршимиз” мавзусидаги иншолар танловида ҳайъат аъзоси сифатида қатнашишга тўғри келди. Унда ғолиблик наманганлик коллеж ўқувчисига насиб этди. Зукко қизимиз иншосига номи унчалик машхур бўлмаган овруполик бир зиёлининг мана бу фикрини эпиграф қилиб танлабди: “Чивинлар ўлдирилмайди, ботқоқ қуритилади!”

Доно гап, тўғрими?

“Фалон туман ҳоқими ўринбосари, пистон университет проректори... пора олаётганида қўлга туширилди” деган ҳисоботлар “бир-икки чивиннинг ўлдирилиши”дан бошқа нарса эмас, назаримда. Ботқоқ бор экан, чивин яшайверади. Тузум ва тизимда порасиз иш битмас, аниқроғи, иш битказиш учун пора олиш мумкин бўлган ёриқлар – “ҳуқуқий бўшлиқлар” мавжуд экан, бир марталик чоралар билан жиддий ўзгаришга эришиб бўлмайди. Бир чивин ўрнига иккинчиси... ўнинчиси келиб, ғужғон ўйнайверади. Зеро, табиатда ҳам булбул ёки охудан кўра, ботқоқнишинларнинг хилию уруғи кўп.

Демак, ботқоқни қуритиш лозим! Бу – иқтисодиётда бозор тизими, давлат, жамият бошқарувида демократия ва кучли фуқаролик институтлари тизимига буткул ўтмоғимиз; эътиқод, ижод ва фикр жабҳасида тўлиқ эркинликка эришмоғимиз даркор дегани. Чала бозор ва ярим марказлашган маъмурий бошқарув тизими омухтаси билан узоққа бориб бўлмайди. Бундай шароитда раҳбарларнинг паст-баланд савияси, жиддий синовдан ўтмаган билим ва тажрибаси, ҳар кун ўзгариб турувчи кайфиятига қараб иш кўришдан, муаммоларни ечиш эмас, ечилгандек қилиб кўрсатишдан нарига ўтолмаймиз.

Ҳам ишлаб чиқариш ҳажми ва кўлами, ҳам аҳоли талаб-истакларининг ранг-баранглиги борасида биздан анча пешқадам Финляндия ҳукумати қирққа ҳам кирмаган аёл бемалол бошқара олаётгани сабаби нимада? Биз санаган омиллар – иқтисодиётда бозор тизими, давлат ва жамият бошқарувида демократия ва кучли фуқаролик институтлари тизимига ўтилгани; эътиқод, ижод ва фикр жабҳасида тўлиқ эркинликка эришилганида! Бундай давлатларда муаммолар бир-икки шахснинг ихтиёрига кўра эмас, балки қонунга кўра ҳал этилади. Буни образли тарзда ифодалаш мумкин: миришкор деҳқон пайкалда шундай эгат оладики, ўқарикдан оқаётган сув юзлаб ариқчалар

бўйлаб бир текис тақсимланиб, экинни бирдек яшнатади. Бирор жойда сув (моддий бойликлар деб ўқинг) тўплиниб, ботқоқ ҳосил бўлиб чивин босмайди, бошқа бир жойга эса сув етиб бормай, экин (меҳнаткаш халқ деб ўқинг) қуриб-қақшамайди. Хўш, бундай очиқ ва текис далада – давлатда, жамиятда ким, нима учун пора бериши керак дейсиз!..

*– Мамлакатимиз таълим тизими ислоҳга муҳтож экани олий минбарларда ҳам бот-бот таъкидланмоқда. Бу жабҳада мутараққий дунё тажрибасига таяниб катта ўзгаришлар қилинаётгани қувонарли. Аммо сифат эмас, сон ортидан қувиш, моҳият қолиб, шаклга ёпишиш иллатидан ҳамон қутула олганимизча йўқ. Олий ўқув юртлари талабаларидан бўйинбоғ талаб қилиш ёки мактаб ўқувчиларининг сочини миллиметрлаб ўлчаш каби “олашумул” чоралар ўша даққи қарашлар асоратидир. Юртимиз таълим тизимини таназзул ботқоғидан халос этиш борасидаги таклифларингизни билсак.*

– Таълим тизимининг ҳозирги аҳволи бир-икки сабаб натижаси бўлганида эди, ўшаларни тезда бартараф этиш орқали соҳа оёққа турғазиб юбориларди. Афсуски, таълим-тарбия соҳасини абгор қилган эски ва янги сабаблар ниҳоятда кўп...

Ўтган асрнинг 80-йиллари охири. Биз – ёш ўқитувчи ва илмий изланувчилар Талабалар шаҳарчасидаги оилавий ётоқхонада истиқомат қиламиз. Кўшни хонада номзодлик диссертацияси бўйича ишлаётган физик ва математик укаларимиз туради. Ўзбекнинг оддий, лекин чинакам олим бўлиш сиёқи бор йигитлари! Кунларнинг бирида физик укамиздан илмий иши ҳақида сўрадим. У мавзунинг номини айтди-ю, лекин мазмун-моҳияти махфийроқ соҳаларга дахлдор эканини таъкидлади. Айни чоқда, тадқиқотнинг “гражданка” да ҳам қўллаш мумкин бўлган фойдали жиҳатлари бор экан – ўшаларни бир-бир санаб берди.

Орадан икки йил ўтди. Бу орада мен бошпанамни ўзгарттирдим. Қишнинг қорасовуқ кунлари эди. Эртага янги йил деган куни кечкурун Олой бозоридан ул-бул харид қилиб ён дарвозадан чиқиб кетаётган эдим, катта темир стол қўйиб олиб мандарин сотаётган одам кўзимга иссиқ кўринди. Эгнида эски пахталик калта тўн, бошида куя еган телпак. Яқинроқ бориб қарасам, ўша физик укамиз. Совуқдан кўкариблар кетибди. Савдосига халал бермаслик учун қисқагина ҳол-аҳвол сўрадим. “Ака, ишим битиб бўлган, фақат ВАКнинг (Олий аттестация комиссияси) минг битта талаби орасида марказдаги журналда мақола чиқариш деган жойи ҳам бор экан, – деди йигит. – У ёқларга мақола

олиб бориш учун йўлкира, меҳмонхона ҳақи, совға-салом дегандек... Шунга бир савдогарга ёлланганман. Пул топмасам бўлмайди...”

Яқинда Миллий университетга йўлим тушиб, яна ўша йигитни кўрдим. Энди бафуржароқ суҳбатлашдим, докторликни ёқлаган-ёқламаганини сўрадим. Бу сафар унинг жавоби қисқа бўлди: “Номзодликни ёқлагунча кўрганларим етарли! Кўнгил совиб кетди, ака”.

Олий ўқув юртларида илмий ишни ёзишдан кўра уни ёқлаш йўлидаги мантиқсиз талаблардан безган, кўнгли совиган қанча педагогларимиз дарс берапти экан?..

Дарвоқе, бугун бояги талаблар янада замонавийлашган. Scopus ва бошқа халқаро рўйхатларга кирган журналларда мақола чиқармасангиз, сизнинг илмий ишингизни – ўзингиз Искандар, устозингиз Арасту бўлмайдами! – биров сариқ чақага олмайди. Биргина енгиллиги – ўзингиз кўрмаган ва билмаган бояги мажаллаларни қидириб овора бўлмайсиз: тахминан беш миллион сўм тўласангиз, Ўзбекистондаги обрўси ҳаминқадар журналдан қайтган мақолангизни ҳам чоп этиб беришади. Ўз илмий журналларимизни ўша рўйхатларга киритишга ҳаракат қилишдан кўра, юзлаб бўлғуси олимларнинг асабини қақшатадиган шундай “оқилона” йўл маъқул кўрилган...

Таълимнинг аҳволига ўта салбий таъсир этган яна бир омил ҳақида икки оғиз. Ўтган асрнинг 80-90-йилларида олий таълимда сиртдан ўқиш кенг тарқалган, бўлғуси педагоглар ярим йилда бир марта, бир ҳафта-ўн кун аудиторияда кўриниш берар эди. Кундузгида ўқийдиган талаба камида ярим йил ўқийдиган фан асосларини сиртқичилар икки-уч кунда “ўзлаштирар”, санокли кунларда ўнлаб предметдан баҳо олишга ҳам улгурар эди. У ёғи келгуси ярим йилгача фанга ҳам, китобу дарсликка ҳам хайр-хўш! Ўтган 25-30 йилдан буён мактабларимизда фаолият юритаётган ўқитувчиларнинг салмоқли қисмини, афсуски, шу тахлит таълим олганлар ташкил этди. Натижани эса кўриб турибмиз.

Бундай сабаб-омилларни яна кўп санаш мумкин. Николай Чернишевскийдан мерос машхур савол эса ҳамон жавоб талаб қилаётир: нима қилмоқ керак? Мутлақ ҳаққониятга даъво қилмаган ҳолда айрим таклифларимни баён этсам:

– мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларига хорижий тил билан бирга ўзбек тили ҳам малакали педагоглар томонидан, хориж тилига ажратиладиган соатлардан кам бўлмаган тарзда мукамал ўргатилиши керак;

– умумтаълим мактабларининг 5-синфидан эътиборан синфларни муайян фанларни чуқур ўргатишга ихтисослаштириш, ўқувчининг

қизиқиш ва қобилияти, ота-онанинг истаги асосида тақсимлаб ўқи-тиш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқдир;

– академик лицей, касб-хунар коллежи ва техникумлардаги таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиб, ҳар йили ўртача ярим миллион нафарга кўпаяётган ёшларнинг бир гуруҳи чуқур билимли, бошқа катта қисми эса замонавий бозор талабидаги хунар эгаси бўлиб чиқишига эришмоқ зарур. Акс ҳолда, олий ўқув юртларига қабул квоталари ҳар қанча оширилмасин, мамлакатдаги ишсизлар сонини камайтириш, айти ейман-ичаман, оила қуриб уйли-жойли бўламан деб турган миллионлаб ёшларимизнинг хорижга қора меҳнатга чиқиб кетишидек хавфли тенденциянинг олдини олиб бўлмайди;

– Олий аттестация комиссияси деган, дунёдаги бир-икки давлатдагина қолган, илму фан ривожини йўлига тўғаноқ бўлаётган бюрократик идора хизматидан воз кечиб, илмий фаолиятни бошқариш, илмий унвон ва даражалар бериш ҳуқуқини олий таълим муассасалари ихтиёрига тўлиқ ўтказиш керак.

*– Раҳмон ака, суҳбатимиз коронавирус аталмиш офат бутун дунёга мўр-малаҳдек ёпирилиб, инсониятни танг аҳволда қолдирган кунларда кечмоқда. Яқин ва олис тарихда кўплаб мушкулотлардан омон чиққан башарият Яратганининг мадади ила бу имтиҳондан ҳам ўтгуси, иншооллоҳ! Аммо пандемиядан кейин одамзоднинг ҳаёти, ахлоқи ҳам жиддий ўзгаришга учраши тайин, шундай эмасми?*

– Абдулла Ориповнинг “Она сайёра” шеъридаги илк сатрларни эслайлик: “Қаршимда Ер шарин суврати турар, / Салмоғи Қуванинг анорича бор...” Инсоният ўзининг темир панжаси ила ўша “Қува анори”ни эзиб-мижиқлаб, тобора ўткирлашиб бораётган тишлари билан уни тешиб, шарбатини очофатларча ютоқиб ичаётир...

Боя эслаганимиз – “еган оғиз уялар” деган халқнинг “емоқнинг қусмоғи бор” тарзидаги ҳикмати ҳам мавжуд. Илоҳим, бу жараённинг чўзилиб кетишидан, бегуноҳларнинг азият чекишидан Ўзи асрасин!

Фалокатнинг қачон тугаши, у ариганидан кейин ҳаёт қандай тус олишини ҳеч ким аниқ айтиб бера олмаётир. Одамзод йирик вулқонлар, улкан сув тошқинлари, довулу бўрон, зилзилаларни илм воситаси-ла аввалдан башорат қилади, улардан сақланишнинг тезкор чорасини кўради. Ҳозирги ёв эса мутлақо кўринмаслиги, хийлагина вақт сезилмаслиги билан ҳам ғоят хавфли, ўта маккордир. Шу нуқтаи назардан қараганда, бутун одамзод ҳатто кулгили ҳолга тушган: унинг шунча куч-қудрати, қурол-яроғию бойликлари, минг хил илмий

ишланмалари, роботлари, сон-саноқсиз ноу-хаулари жимитдеккина танача қаршисида ожизу лол қолган!..

Дунё мумтоз адабиёти ва санъатининг жамики қаҳрамонларини беписанд четга суришда бир-биридан ўтаман деган суперменлар ҳам, ўргимчак одаму бетменлар ҳам жим-жим, сайёралараро урушлар қилиб юрган қаҳрамонлар эса тўрт метрли ҳовлисига ҳам ўйлаб чиқадиган бўлиб қолди. Худди реал ҳаётда бўлгани сингари, адабиёт ва санъатда ҳам кимнинг ким экани, инсониятга берадиган фойда-зарари нечоғли экани анча равшанлашиб қолди. Зеро, оммавий санъат қаҳрамонларига маҳлиё бўлган бугунги кун истеъмолчиси, масалан, Альбер Камю огоҳ этган “Вабо” даги доктор Риэни, Чингиз оға дунёга соғинган Эдигейни танимай қолган эди...

Бугун одамзоднинг жисму жони карантин – узлатга олинган. Бироқ ақлу тафаккурни ихоталаб бўларканми! Аксинча, маълум бўлмоқдаки, айни шу шароитда инсоннинг тафаккур қилиши, мушоҳадага берилиши, ўз-ўзини тафтиш этиш имконияти ҳам, мажбурияти ҳам ошар экан. Бугунги воқелик бизни, ҳаёт тарзимизни, дунёқараш ва мўлжалларимизни ҳозирга қадар тутиб турган тушунчалар, қарашлар, мезонларга қайта назар солиш, уларни майдакўз элақдан ўтказишга ундамоқда.

Хоҳлаймизми-йўқми, дастлаб Хитойнинг олис бир шаҳрида юз кўрсатган коронавирус инфекциясининг икки-уч ой ичида бутун дунёга тарқалиб кетишида кимдир алқаб, кимдир қоралаётган глобаллашув муҳим омил бўлди. Афсуски, одамзод нима эвазига ҳузурбахш ҳаёт кечираётганини унутиб қўйган эди.

Муттасил ҳаракатланаётган юз минглаб ҳаво ва уммон лайнерларининг улкан моторларидан, бир дақиқа тўхтамай ишлаши лозим бўлган сон-саноқсиз иссиқлик электрстанциялари мўриларидан заҳарли газлар чиқаётгани;

улкан мегаполисларда ҳар куни миллионлаб тонна ахлатнинг океан, дарё ва бошқа сув ҳавзаларига оқизилиши;

“Тезроқ, кўпроқ, арзонроқ” шиори остида паррандаю дарранда, ўсимликлар генида тажрибалар ўтказилиши, уларнинг инсон организмда не ўзгаришлар ясаши мумкинлигини охиригача ўйламаслик;

чиroyли териси қай бир мультимиллионер никоҳсиз етаклаб юрган ойимчанинг яланғоч елкасида селкиллаб туриши учун Африка даштларидаги камёб қоплоннинг отиб ўлдирилаётгани;

ўз исмини тўғри ёзиш тугул, қаламни эплаб ушлолмайдиган корчалоннинг бармоғини безатиш учун мангу тоғлар бағри портлатилиб, ўйиб-тешилиб олмосу жавоҳирлар қидирилиши...

Бир сўз билан айтганда, инсоният оламдаги БУЮК МУВОЗАНАТга ортиқ даражада дахл қилмоқдаки, оқибатда ҳалокатларнинг занжирсимон реакцияси юзага келиши ҳеч гап эмас.

Қарангки, одамзоднинг ниҳоятда ақлли вакиллари илоҳий низом – мувозанатга қарши бориб, инсон зотининг жинсини ўзгартириш, уни ҳайвон билан чатиштириш, жониворлар генини дурагайлаштириш, ўз ҳамжинси билан оила қуришга... ўзини ҳақдор санамоқда. Худо кўрсатмасин-у, бу сингари кирдикорлар оқибати ўлароқ юзага чиқажак офатлар кўлами, даҳшати олдида коронавирус балоси ҳам ҳеч гап бўлмай қолиши мумкин!


Бугунги тараққиёт учун глобаллашув шу қадар зарур экан, бутун инсоният бир тану жон бўлиши керакми, йўқми? Ҳозирги ҳолида одамзодни шундай – бир-бирови билан ҳамкор, ҳамнафас умргузаронлик қилаётир деб бўладими? Афсуски, йўқ!

Дунёнинг бир буржидаги ишратпараст бойлар ҳаддан зиёд тўқлик сабаб яна қандай шўхлик ўйлаб топиш ҳақида бош қотираётган бўлса, бошқа буржида миллионлаб норасидалар оч-наҳор онасининг сутсиз кўкрагини тишлаганча, ўзига қаратилган камера экранига жавдираб боқаётир.

Бир замонлар эртақларга айланган (“Бағдодда ҳаммаёқ тинч, ҳаммаёқ тинч!..”), дунё тамаддунига онабағирлик қилган кўҳна шаҳарларнинг бугун ўликларга тўлиб кетган кучоғидан қочиб бораркан, номард отган ўқдан юзтубан йиқилган болажон “Ҳаммасини Яратганга айтиб бераман!..” дея жон таслим этаётир. Дунёнинг бошқа бир четдаги маъмур шаҳарда эса пулдор эр-хотин бирига қимматбаҳо фрак ва мўъжаз шляпа, бошқасига бриллиант қадалган қирмизи кўйлакча кийдирилган кучукларини етаклаганча, навозиш билан ресторанга ошиқмоқда...

Воқелик эски ўзанга қайтгач, шояд ал-Мийсоқни унутиб, Яратувчисига исён қилган одамзоднинг ақлу ҳуши, имону инсофи, тақвою сабри ўзига қайтса!.. Зеро, бугунги синов одамзодга берилган сўнгги имкониятлардан бири бўлиши мумкин. Агар шундан кейин ҳам “Керак бўлса, Ер юзини фалон маротаба йўқ қилиб ташлашга қодирмиз!” деб қариллаётган зотлар ҳушига келмаса... очиғи, у ёғини тасаввур этмоққа ҳам қўрқади киши! Яратган инсониятни соғлом ақлу тафаккурдан жудо этмасин денг.

**Собиржон ЁҚУБОВ**  
суҳбатлашди.



Султонмурод ОЛИМ

## TOLIBI ILM KERAK

Шеър тақдирини олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган чақалоққа ўхшайди. Бешиқдаги боланинг эртага ким бўлиб вояга етишини ҳеч ким билмаганидек, асл шеър ҳам шоир кўнглида кечган лаҳзалик туйғунинг ҳосиласи ўлароқ қоғозга тушади-ю, лекин бир кун келиб дурдонага айланади. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг мана бу рубоийси-да тўрт аср бурун эмас, худдики шу кунларда – мамлакатимизда “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили” деб эълон қилинган 2020 йилда битилгандек:

*Ким ёр анга илм, толиби илм керак,  
Ўргангани илм толиби – илм керак!  
Мен толиби илм-у, толиби илм ё ўқ,  
Мен бормен илм толиби – илм керак!*

Биринчи мисрада устоздан илм ўрғанишга талабгор шогирд, иккинчи мисрада у ўргангудек илм хазинаси бўлиши кераклиги ўқтирилган. Учинчи мисра олдиндан *лекин* сўзини қўйиб шарҳласак, фикр янаям тиникроқ ифодаланади: “*Лекин* мен толиби илмман-у, бошқа бирон толиби илм йўқ-ку!” Охириги мисра мазмуни эса қуйидагича:

*“(Шунга қарамай), мен толиби илмман – менга илм керак!”*

Хўш, илм одамга нима учун керак ўзи? Бошқа жонзотлардан фарқли равишда, Худо одамга тафаккур ва тил берган. Инсон тафаккур туфайли оловни ихтиро қилди, олов хом маҳсулотни пишириб ейишга олиб келди; илм воситасида меҳнат қуролларини яратиб, ишни осонлаштирди... Бу жараён кучайгандан кучайиб боряптики, асло тўхтагани йўқ. Рақамли иқтисодиётга ўтишдан мақсад-муддао ҳам амалда инсон меҳнатини ҳадди аълосида камайтириб, унумдорликни оширишдир.

Кўплар илм-маърифатни фақат ўқиган кишиларгагина тегишли деб ўйлайди. Бу тўғри қараш эмас, албатта. Башариятнинг бугунги ҳаёт тарзи ва даражасида илм-маърифатга бутунлай алоқаси йўқ бирон кимса бўлмаса керак.

Ҳозирда Ер юзи аҳолиси 8 миллиардга яқинлашди; илм-маърифат ривожланмаганда, бунча жонни боқошнинг ўзи бўлмас эди. Ахир, миллиард-миллиарднинг қўйинг, юз гектар ерни кетмон ё белкуррак билан ағдариб,

деҳқончилик қилиб бўладими?! Ваҳоланки, қишлоқ хўжалиги ҳали-ҳануз қўл меҳнати энг кўп талаб қилинадиган соҳа бўлса-да, илму фан унга ҳам қанча-қанча технологияю техникани олиб кирди. Илм билан саноат ишлаб чиқаришида қўл меҳнати мислсиз даражада камайтирилди! Илм билан одам коинотга чиқди, Ойга бориб-келди. Уни қўйинг, самолётнинг осмонда учиб, ерга эсон-омон қўниши каби оддий туюлган ҳодиса замирида қанчадан-қанча илм ётибди! Ҳатто, одамзоднинг ўртача умри узайди – қайси мамлакатда илм-маърифат даражаси юқори бўлса, бу кўрсаткич ҳам шунча баланд. Чунончи, бугун ҳар бир мамлакатга ишлаб чиқариш ва турмуш даражаси, аҳолининг саломатлиги, яъни ўртача умр мезонига қараб баҳо берилади.

Хўш, мазкур масала бизда қандай? XXI асрда сал фикрчан киши учун буни аниқлаш унча қийин эмас: интернетга киради, хоҳлаган мамлакатнинг йиллик ялпи ички маҳсулоти миқдорини топади-да, бу рақамни аҳоли жон бошига бўлади-қўяди. Ўзбекистонимиз мисолида бу ўтган йили бор-йўғи 1731 АҚШ долларини ташкил этди. Афсуски, бундай адолатли мезон олдида ўтмишда қанча империя тузганимиз халқимиз орасидан қанча буюк зот етишиб чиққанининг заррача аҳамияти қолмайди. Дейлик, кимдир башарият тамаддунига қўшган ҳиссамизни ҳисобга олиб, кимдир дипломатия мезонларига риоя этиб, юзимизга шартта-шартта айтиб ташламаса ҳам, хаёлидан “Ахир, шунча буюк замонларни бошидан кечирган, қанча буюк зотларнинг авлоди бўлсангиз, нима учун бугун бу қадар камбағал яшаяпсиз?” деган адолатли савол ўтади-да.

Бу кўрсаткич ўзимизга ўхшаган бир халқ ватани бўлмиш Туркияда 9807 долларга тўғри келади. Биздагидан 5,67 баробар кўп. Бугун муайян иш учун биз 1 миллион сўм тўласак, уларда худди шу иш учун 5 миллион 670 минг сўм тўланади. Аҳолининг турмуш даражаси ҳам, албаттаки, шунга монанд бизникидан анча юқори. Туркия нима бўпти ҳали, Жанубий Кореяда бу кўрсаткич

35 минг доллар! Ҳолбуки, Туркия ҳам, Жанубий Корея ҳам Ер юзининг энг тараққий этган давлатлари сафига кирмайди. Энг бой мамлакат саналган АҚШда Ер юзининг 5 фоизгина



аҳолиси яшайди-ю, лекин умумдунё бўйича жами маҳсулотнинг нақд 20 фоизи ўша давлатда ишлаб чиқарилади. Бу – жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан 4 баравар кўп дегани.

Тарихни кузатсак, юртимиз теурийлар салтанати парчаланган даврларданоқ илғор дунёдан ортда қола бошлаганини кўрамиз. Бундан ташқари, Европадан Ҳиндистонга денгиз йўли очилган XVI аср бошларидан бизни Фарб ва Шарқ тараққиётининг олтин ҳалқасига айлантирган Буюк ипак йўлининг аввалги аҳамияти буткул йўқолади. Ваҳоланки, аввал аждодларимиз ўтар-қайтар карвондан нимадир сотиб олиб, нимадир сотган; бу эса ўз ўрнида маданиятлару тамаддунлар алмашинувига ҳам таъсир этмай қолмаган. Айни шу омил дунёдан ортда қолмаслигимизни таъминлаб турган, десак хато бўлмас... Хуллас, турли сабабларга кўра, XVI – XIX асрларда шу қадар қоқоқлашдикки, охири чор Русиясининг замонавий қуролланган жуда оз сонли аскарига осонгина мағлуб бўлдик. Қарийб бир ярим аср мустамлакачилик жабрини чеккач, шукрки, шундайлигимизча қолиб кетмай – миллий истиқлолга эришдик. Ўша кундан тарих зиммамизга муқаддас бир вазифа юклади: асрий қоқоқликдан қутулиш! Бу жумла бир қарашда баландпарвоз туюлиши мумкин, лекин моҳиятан жуда чуқур.

Иқрор этайлик, узоқ давр мобайнида биз нофаол мардумга айланган, “ҳамма нарса ни давлат қилиб бериши керак” деган фикр миямизга қаттиқ ўрнашиб қолган эди. Албатта, давлат йўл очиб бермаса, бирон иш

жойидан силжимамайди; давлат бошлаб беради, қонуний имконият яратади. Бироқ бугун обдон тушундикки, ҳар қандай ўзгариш давлат ва халқ бирлиги асосидагина жорий этилади. Шундай экан, замон кенг маънода ҳаётимизни тубдан янгилашни талаб этаётир. Ҳаётнинг янгиланиши эса шу пайтгача кўникиб қолган эски қарашлардан воз кечиб, ўрнига тамоман бошқа тарзу тутумни жорий этиш дегани. Хўш, бу осон ишми? Асло!

Шу давлат фуқароси, шу жамият аъзоси, шу халқ вакили бўлган ҳар бир киши Президентнинг жорий йил 2 март куни қабул қилинган “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги фармонига бефарқ бўлмайди. Ушбу тарихий ҳужжат ҳам горизонтал, ҳам вертикал жиҳатдан ниҳоятда кўламли. Горизонталлиги шундаки, ўртага қўйилган масалалар мамлакат сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг деярли барча муҳим жиҳатларини қамраб олган. Вертикаллиги шундаки, унда фақат 2019 йилда амалга оширилган ишларгина кўзда тутилмаган. Бу давлат дастури бевосита 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, шунингдек, Президентнинг шу йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаатида белгилаб берилган вазифалар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда қабул қилинган. Йил давомида амалга ошириладиган ишлар катта мақсадлар йўлидаги илк қадам бўлади. Албатта, улар кейин ҳам изчил давом эттирилади. Фармонда шундай масалалар ўртага қўйилганки, уларнинг ижроси узоқ даврга мўлжалланган. Масалан, 23-бандда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигига бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда “Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш юкланган.

Бугун халқ содда эмас; бундан буёғига қолоқлигимизни яширишнинг ҳеч иложи йўқ. Касални яширсанг, иситмаси ошкор этади, деган нақл бор. Қолоқлигимизнинг “иситма”си эса камбағаллик. Мазкур фармонда биринчи марта давлат ва жамият олди-га “камбағалликни қисқартириш”дек жуда муҳим ижтимоий вазифа қўйилди. 12-бандда тегишли ташкилотларга 2020 йил 1 августига қадар “Камбағалликни қисқартириш дастури” лойиҳасини ишлаб чиқиш, Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилди.

Бугун бизда, моҳиятан олганда, ақл танқислиги мавжуд. Фармонда кўзда тутилган вазифаларнинг бари туб моҳияти билан ана шу ақлий қолоқликдан қутулишга қаратилган. Фрилансинг (масофадан туриб ишлаш), масофавий ўқитиш, электрон парламент, электрон ҳукумат, рақамли маркировка ва онлайн касса, электрон омбор, юкларни халқаро ташишни амалга оширувчи транспорт воситаларини онлайн рўйхатдан ўтказиш, давлат фуқаролик хизмати ягона электрон ахборот-таҳлилий тизими каби янги тушунчалар ҳаёт жабҳаларини компьютерлаштиришнинг кўлами ва миқёсидан дарак бермоқда.

Аммо ҳамма ҳам янгиланишга тайёр эмас. Илм-маърифат эса ҳаётнинг барча жабҳасига бирдек дахлдор масала. То фикримизни ҳаётий далиллар билан исботламас эканмиз, биров ишонмайди. Мана, бир мисол: иссиқлик энергияси идораси бир фуқарога қарзи борлиги ва уни фалон кунлик муддатда тўлаши лозимлиги, акс ҳолда, иш судга оширилиши ҳақида хат жўнатади. Афсуски, белгиланган муддат келмай, иш судга юборилади. Суд ишни фуқаро иштирокисиз кўриб чиқиб, жарима солади ва давлат божини тўлашни “айбдор”нинг гарданига юклайди. Бундан беҳабар истеъмолчи эса белгиланган муддат ичида қарздан қутулади. Бироқ, барибир, уйига суд қарори нусхаси келади. Фуқаро биладикки, суд қарор қабул қилган куни у қарздор эмас эди. Ҳар ким ҳам бундай ҳолатда ҳуқуқий билим-

сизлиги туфайли судга қайта ариза бериб, ўша хато қарорни бекор қилдирмайди. Чунки бунга ақли етса ҳам, адолатсиз суд қарорини яна ўша судга беришга энди унинг на пули, на тоқати ва на ишончи қолган. Аммо қани эди шу билан ҳаммаси тугаса! Афсуски, бир кун келиб хорижга чиқаётганида, давлат божидан қарздорлиги учун уни чегарадан ўтказишмайди. Ана энди кўринг можарони!.. Ахир, тараққий этган давлатда суд фуқаронинг қарзи бор-йўқлигини ўша заҳоти компьютерда кўриб, кейин қарор қабул қилмайdimи? Бунинг учун керакли идора маълумотлари суддаги компьютерда ҳам акс этиши керак эмасми?

Кимдир автомобилни сотмоқчи. Нотариусда маълум бўладики, машинага асосиз тақиқ қўйилган. Ё емаган сомсага пул тўлаш, ё қарздор эмаслигини исботлаб суд билан олишиш керак. Масала ижобий ҳал бўлди ҳам дейлик. Бир йил ўтиб, ўша фуқаронинг иши кадастр идорасига тушади. Маълум бўладики, уйига ҳам тақиқ қўйилган. Яна ўша бож... МИБ тақиқни ўшанда фақат нотариус учун очган экан. Олдинги ҳужжат ўтмайди – кўрсатилган санаси бир кун фарқ қилади. Ва ҳоказо ва ҳоказо... Бу идораларга асло ишингиз тушмасин! Ҳар бири бир ҳафтангизни ейди. Нега? Айрим ходимларнинг кўнглида тамагирлик бор; айримларининг савияси замон талабига жавоб берадиган даражада эмас. Чунки олий маълумотга оид дипломи борлар ичида мактабни зўрға битириб, ўқишга-ишга таниш-билиш билан кирганларнинг борлиги энди сир эмас. Бинобарин, орамизда туғма қобилияти ва тайёргарлиги олий ўқув юртига меҳмон бўлиб келишга-да нолойиқ фарзандини ўқишга киритишнинг шайтон ёди-хаёлига келмаган йўллари излаб юрганлар ҳозир ҳам қанча. Начора, фарзандимизни илм-маърифатли қилиш қўлимиздан келмагач, дипломни сотиб олишга ўтамиз-да энди...

Бугун боламиз камида бир йил махсус курсга бормаса, олий таълимга йўл бўлсин. Муаллимларнинг энг кучлиларигина репети-

торлик қилади. Тест саволларини гоҳо ўқитувчиларнинг ўзи ечолмайди-ю, қандай қилиб ўқувчисига етарли билим берсин? Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга сайлов олдидан телевидение орқали ўтказилган дебатларда кўп бор дарсликларни ўқитувчилар ёзиши кераклиги айтилди. Мактаб учун ўқув дастурлари ва дарсликлар тузган мутахассис сифатида айтманки, бу – ўта ҳавойи ва мантиқсиз бир гап. Ахир, қайси ривожланган мамлакатда ўқув адабиётларини ўқитувчилар ёзган?

Одамлар китоб, газета-журнал ўқимай, ижтимоий тармоқлардаги енгил-елпи ахборий маълумотлар билан чекланиб қолаверса, илм-маърифат ўнгланиш ўрнига, янада хароб бўлмайdimи? Эътироз қилувчилар турли ёзишмаларни ўқисин. Ғиж-ғиж хато. Кўплар сўзни ҳатто ўзи талаффуз қилганига мос ёзолмайди. Бу ҳам майли. Худо берди, сўз эркинлиги, бировнинг фикрига қарши фикр билдириш мумкин деб, одам оғзига олишга уяладиган сўзларни ҳам ёзишяпти...

Дунё бозорига ҳар ким илм-маърифатига яраша ишлаб чиқарган товарини олиб боради. Кимдир ақлий, кимдир жисмоний меҳнати маҳсулини, кимдир ҳатто жисмини сотади. Маънавиятнинг пастлаб кетганига охиригисидан бўлак яна қандай далил керак?

Бозор иқтисодиёти ўзининг ҳам ижобий, ҳам салбий хусусиятлари билан бизнинг ҳаётимизга-да кириб келди. Акс ҳолда, турфа номдаги комик гуруҳлар концертида одамларнинг пулини олиш мақсадидагина ахлоқсиз, бемаъни, маънавиятсизликка ундайдиган саҳналар қўйилармиди?! Томошбиннинг савияси ҳам шунга яраша... Бундай маънавиятсизлик ҳаётнинг ҳамма жабҳасига дахл қилмоқда. Бунга қарши курашиш учун ҳам илм-маърифат керак. У техник-технологик тараққиёт омилигина эмас. Яъни ҳаёт муаммоларининг барини фақат ва фақат илм-маърифат билангина ечиш мумкин. Шу маънода жорий йил илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлида дадил қадам бўлғуси, иншооллоҳ,

Абдурахим ЭРКАЕВ  
Хуршид ФОЗИЛОВ



## YEVROOSIYO ENTIROSLARI

Сўнги вақтларда Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) билан ҳамкорлиги масаласи жамоатчилик, айниқса, зиёлилар ўртасида кескин баҳслар, таъбир жоиз бўлса, эҳтиросли мунозараларга сабаб бўлмоқда. Бу борада амалий қадам ҳам қўйилди. Вазирлар Маҳкамаси қарори ва баённомаси, Ўзбекистон – Россия қўшма комиссияси хулосалари парламентга тақдим этилди. Олий Мажлис Сенати жорий йил 11 май куни бўлиб ўтган ялпи мажлисида Ўзбекистоннинг ЕОИИга кузатувчи мамлакат мақомида киришини маъқуллади. Энди биз иттифоққа бегона эмасмиз, аммо унга аъзо ҳам эмасмиз – бу “сулаймончаси”га доно қарор бўлди. Бошқаси бизга тўғри келмасди.

Қарор қабул қилинди. Эҳтирослар балки бир оз сокинлашар? Балки... Аммо дўппини олиб қўйиб, жиддий мулоҳаза юритиш, уни ҳар жиҳатдан асослаш жараёни давом эт-

моғи зарур. Зеро, масала ҳали узил-кесил ҳал бўлгани йўқ.

Сир эмас, ҳеч бир мамлакат маҳдудликда яшай олмайди. Бунда ривожланиш тўғрисида гапириб ўтириш ортиқча. Буюк Ипак йўли ва Ҳиндистон савдо йўли чорраҳасида жойлашган минтақамиз ўрта асрларда тараққиётнинг, илм-фан ва маданиятнинг чўққисига чиққан эди. Денгиз йўллари кашф этилиши туфайли Шарқ ва Ғарб билан алоқаларимиз дастлаб жуда заифлашиб қолди. Кейинчалик турли сиёсий, диний-мафкуравий келишмовчиликлар, сепаратизм ва феодал тарқоқлик халқимизни маҳдудлаштириб қўйди. Ўтмиш ютуқларимизни йилдан-йил бой бера бошладик. Оқибатлари эса маълум.

Барча замонларда иқтисодий, илмий, маданий, ижтимоий-сиёсий робиталар жамият раўнақининг муҳим омили бўлиб келган. Шу сабабдан Ўзбекистонда ҳам нафақат ички

миллий жипсликка, ташқи халқаро алоқалар ривожланишига ҳам улкан эътибор қаратилмоқда. Ташқи сиёсатда Ўзбекистон яхши қўшничилик, тенг ҳуқуқли ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлидан бормоқда. Натижада мамлакатимизнинг халқаро иқтисодий, савдо-сотиқ, илмий, маданий, туристик, спорт алоқалари изчил ривожланмоқда. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори мустаҳкамланди. Иқтисодиётимизга киритилаётган чет эл сармояси ҳажми кескин ошди. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги замонавий технологияларга ўтказиш тезлашди. Яқин қўшниларимиз, МДХ мамлакатлари, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Ғарб мамлакатлари, хусусан, АҚШ ва ЕИ аъзоларининг Ўзбекистонга хайрихоҳлиги ортди, амалий ҳамкорлик яхшиланди.

Ғарб давлатлари биз билан ҳамкорликни кенгайтиришининг муҳим икки сабаби бор. Биринчиси – Ўзбекистоннинг демократик ислохотларга очиқлиги, бу борада илгари йўл қўйилган камчиликларни тузатаётгани. Иккинчидан – ички ва ташқи сиёсатда мустақиллиги, ўзига “катта оға” изламаслиги, турли сиёсий блоklarга интилмаслигидирки, бу халқаро ҳамжамият, айниқса, Ғарб кўз ўнгида биринчисига нисбатан кам аҳамиятга эга эмас. ЕОИИ – Ўзбекистон муносабатлари замирида ҳам “катта оға” изламаслик, мустақил ташқи сиёсатни давом эттириш тамойили турмоғи лозим.

Ислохотларнинг асосий мақсади халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиш экан, бизнинг жаҳон ҳамжамиятига чуқурроқ интеграциялашувимиз; ШХТ, МДХ, Туркий тилли давлатлар ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмаларга аъзо бўлишимиз; турли давлатлар, ЕИ, ЕХХТ каби бирлашмалар билан ҳамкорлик қилишимиз ҳаётий заруратдир. Биргина шарт шуки, халқаро ташкилотларга аъзолик, хорижий давлатлар билан ҳамкорлик суверенитетимизга соя солмаслиги, манфаатларимизга зид келмаслиги лозим.

Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзолик масаласи 2019 йил сентябрь-декабрь ойларида Ўзбекистон – Россия ишчи гуруҳи томонидан атрофлича ўрганилган ва муҳокама этилган. Яқин беш йилда аъзоликнинг Ўзбекистон иқтисодиётига ижобий ва салбий таъсири тадқиқ қилинган. Қайд этилишича, бу таъсир биринчи беш йилда салбий, ўрта ва узоқ истиқболда эса ижобий бўлади. Лекин тахмин ва фаразлар ўзини оқлайдими? Ўзбекистон аввало иқтисодий муносабатлари, метрология, божхона, молия-кредит тизими ва инфратузилмаси, иқтисодий қонунчилигини ЕОИИнинг меъёр ва талабларига мослаштириши лозим. Бунинг учун улкан харажатлар қаторида муайян вақт – ўтиш даври талаб қилинади. Агар мазкур иттифоққа кириладиган бўлса, бу жараён қанча давом этиши лозим? Ўтиш даврини тезлаштириб, уч-тўрт йилга келтириш мумкин. Аммо бу иқтисодиётда ўзига хос фалаж терапиясига айланиши ҳеч гап эмас. Ўзбекистонда ислохотларни амалга оширишнинг асосий тамойилларидан бири – тадрижийлик. Агар унга риоя этилмаса, аҳолининг шусиз ҳам юқори бўлмаган турмуш даражаси янада пасаяди, ишсизлик ўсади. Ижтимоий муносабатлар ҳам таранглашиши мумкин. Бунинг ЕОИИга аъзолик оқибатларини ўрганиб, ҳисоб-китоб қилган Ўзбекистон – Россия комиссияси ҳам қайд этган. Қолаверса, халқаро тузилмага аъзолик ўрта ва узоқ истиқболда ҳам комиссия хулосаларидагидек фақат ижобий ва фойдали бўлишига кафолат йўқ. Келинг, айрим ахтимолий салбий оқибатларни таҳлил қилиб кўрайлик.

Биринчидан, ЕОИИ, унинг етакчи давлати Россия саноат, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, асбобсозлик, электротехника, ИТ ва нанотехнологиялар (ҳарбий саноатдан ташқари) соҳасида мутараққий Ғарб давлатларига нисбатан анча қоқоқ. Унга аъзо бўлиш ЕИ, АҚШ, Япония ва Россияга муҳолиф бошқа мамлакатлардан илғор технологияларни, айниқса, халқ хўжалиги ва ҳарбий саноатда иккиёқлама қўлланадиган техно-

логиялар импортини чеклаб, ҳатто тўхтатиб қўйиши мумкин. Иккиёқлама технологияларга нанотехнологиялар, сунъий интеллект ва АКТ, айрим биотехнологиялар ёки янги композит материалларни яратиш каби кўплаб замонавий юксак илмий ишланмалар, тадқиқотлар қиради.

Ўзбекистон – Россия комиссияси хулосасида хориж инвестициясининг камайиши, баъзи лойиҳаларнинг яқин истиқболда амалга ошмай қолиш эҳтимоли ҳақида ҳам айтиб ўтилган. Боз устига, бу ҳол анча чуқур ва узоқ муддатли муаммолар, инчунин, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграцияси сусайишига олиб келиши мумкин. Ғарб мамлакатлари, айниқса, АҚШ, ЕИ Россияни ўзининг асосий сиёсий ва иқтисодий рақиб ҳисоблаши сабабли улар билан иқтисодий ва илмий-технологик ҳамкорлигимизда ҳам саволлар туғилиши ҳеч гап эмас. Оқибатда мамлакат янги технологияларга эга бўлиш имконияти ва рақобатбардошлигини йўқотиши ҳам мумкин.

Яна бир муаммо: Россиянинг ўзида турли сиёсий ва иқтисодий мақсадларни кўзлайдиган кучлар бор. Келгусида Москва сиёсати босим ўтказиш томон ўзгармаслигига ҳеч ким кафиллик беролмайди. Россияда “собиқ Совет Иттифоқига кирган миллий республикалар ҳамда Шарқий Европанинг собиқ социалистик мамлакатлари бизнинг таъсир доирамизда бўлиши лозим” қабилидаги идаололарни очиқчасига олға сураётган буюк давлатчилик руҳидаги партиялар ва сиёсатчилар ҳам; Россия бошчилигидаги Совет Иттифоқига ўхшаш, бироқ бозор иқтисодиёти ва рақобатга асосланган, амалда эса янгича унитар давлатни тиклашни истайдиганлар ҳам топилади. Владимир Жириновский кабилар буни яшириб ўтиргани йўқ. Ўзини ҳақиқий демократ ҳисобловчи баъзи кучлар, айниқса, гайдарчиларга ўхшаб “СССР даврида иттифоқдош республикалар ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари Россия ҳисобидан кун кечирган, энди бошқача бўлиши лозим, бизга бўйсунсин,

бизнинг сифатсиз ва қиммат маҳсулотларимизни олсин, “ўзбошимчалик” қилмасин” дейдиганлар ҳам талайгина. Маълумки, Ўзбекистон мустақилликнинг илк йилларида рубль зонасида қолган эди. Россия янги пулини чиқарди-ю, Ўзбекистонни қўшмади. Агар Ўзбекистон янги рубль зонасига кирмоқчи бўлса, олтин захираларини ва конларини Россияга берсин, деб даъво қилган ҳам айни Егор Гайдар ҳукуматиدير.

ЕОИИ доирасида жиддий сиёсий муаммолар юзага келиши эҳтимоли ҳам бор. Халқаро масалаларда сиёсатни Москва билан мувофиқлаштириш, халқаро ташкилотларда ҳужжат қабул қилишда Россия томонда туриб овоз беришга тўғри келади. Бу эса айрим ўринларда сиёсий позиция ва миллий манфаатларга мос келмаслиги мумкин.

ЕОИИга аъзолик Ўзбекистоннинг БМТ, ЖССТ, ЮНЕСКО, ХВФ, Жаҳон банки, ЕТТБ каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигига таъсир кўрсатмаса керак. Аммо Ғарб мамлакатлари билан икки томонлама сиёсий ва технологик алоқаларимиз хусусида бундай деб бўлмайди.

Бундан ташқари, ЕОИИни иқтисодий иттифоқдан сиёсий-иқтисодий, ҳарбий блока айлантириш орзусидаги сиёсатчилар ҳамон фаол. Улар мамлакатга Россия ҳарбий базасини жойлаштириш ғоясидан ҳам воз кечиши амримаҳол. Бу йўналишда зимдан босим кучайиб боравериши мумкин.

ЕИда Германиядан кейинги иккинчи йirik иқтисодиётга эга бўлган Буюк Британия турли сабабларга кўра иттифоқни тарк этишга қарор қилди. Иқтисодий сабаблар рўқач қилинган бўлса-да, бунда сиёсий суверенитет масаласи, яъни Брюсселдан келадиган қарору тавсияларга лаббайкашлик қилмаслик истаги ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Янги авлоднинг технократ раҳбарлари орасида Владимир Путинга ўхшаган совет даврида шаклланиб, халқлар дўстлигининг айрим гуманистик ғояларига, ижтимоий адолат каби қадриятларга содиқ сиёсатчи-

лар қанча? Ундан кейин ҳокимият тепасига қандай кайфият, қандай сиёсий муддаодаги кучлар келишини ҳеч ким билмайди. Путиннинг ўзи, агар бошқарувда узоқ муддат қолса, қайси томонга ўзгаради? ЕОИИга аъзо бўлишдан аввал бу ҳақда ҳам жиддий ўйлаб кўришга тўғри келади. Зеро, имкон қадар миллатимиз тақдирига чет кучлар салбий таъсирининг олдини олишимиз керак. Тўғри, ЕОИИ – ўз номи билан иқтисодий иттифоқ. Аммо... бу ўринда хаёлингизга Карл Маркснинг “Сиёсат – иқтисодиётнинг мужассамланган ифодасидир” деган сўзлари беихтиёр келаверади. Чунки ЕОИИ бизга маълум МДХ, ШҲТ, БРИКСга ўхшаш оддий халқаро иқтисодий ташкилот эмас, балки ЕИга ўхшаб чуқур интеграциялашишга интилаётган тузилмадир. У иқтисодий бирлашмани сиёсий ва ҳарбий иттифоқ билан тўлдириш мақсадини сақлаб қолса ажаб эмас.

ЕОИИга кирсак, унинг стандартлари, жумладан, ишлаб чиқариш, меҳнатга ҳақ тўлаш меъёрларига риоя қилишимиз, меҳнат ва капиталнинг, савдо-сотиқ маҳсулотларининг эркин ҳаракати, юзага келадиган рақобатга тайёр туришимиз лозим. Биз учун манфаатлиси – ортиқча ишчи кучини Россия ва Қозоғистонга эркинроқ жўнатиш имконини қўлга киритамиз. Меҳнат мигрантлари эса бугунгига нисбатан анча кўпроқ ижтимоий муҳофаза ва ҳуқуқларга эга бўлади. Аммо арзон, асосан малакасиз ишчи кучи бўлиб қолаверади. Аъзоликка ўтсак, россиялик иш берувчиларнинг уларга қизиқиши анча сусаяди. Чунки ҳар бир қонуний ишчи учун ижтимоий солиқлар тўлаш, маош ва иш соатининг белгиланган меъёрига амал қилиш талаб этилади. Қирғизистонлик меҳнат муҳожирлари билан боғлиқ ҳолат ҳам фикримизни тасдиқлайди. Лекин барибир мигрантларимизга анча енгил бўлади. Айни чоқда уларни ўйлаб, сиёсий суверенитетимизни хатарга қўйиш нораво. Қолаверса, бу масала ечими ўзгача бўлиши лозим – янги иш ўринлари яратиб, уларни Ўзбекистонга қайтариш чораларини излаган маъқул.

Яна бир ҳолат. Ички бозоримизни Россия ва Қозоғистондан келадиган маҳсулотлардан ҳимоя қила олмаймиз. Бу эса ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратишга салбий таъсир кўрсатади. Комиссия хулосасига кўра, аъзоликка ҳозир ўтсак, биргина автомобилсозлик соҳаси 1,2 млрд доллар зарар кўради, ишсизлар 100 минг нафарга ортади. Кўплаб саноат корхоналари жиддий муаммоларга дуч келади, айримлари синади. Шу сабабдан Ўзбекистон иқтисодиёти рақобатбардош бўлмагунча, ишлаб чиқариш тўлиқ модернизация қилиниб, замонавий технологияларга ўтилмагунча, иттифоққа аъзо бўлишга шоммаслигимиз керак.

Чуқур интеграциялашган иқтисодий иттифоқларга аъзолик, истаимизми-йўқми, айрим иқтисодий ҳуқуқларимиз ва сиёсий суверенитетимизни, масалан, божхона, молия-кредит, транспорт-коммуникация, энергетика каби соҳаларда ихтиёрий равишда иттифоқнинг бошқарув органларига ўтказишга олиб келади. Аммо бундан ҳам хавфлироғи капиталнинг эркин ҳаракатланиши ва ягона фонд бозорининг вужудга келиши туфайли республикамиздаги кўплаб корхоналар, банк активлари россиялик ва қозоғистонлик миллиардерлар қўлига ўтиб кетиши мумкин. Чунки бизда хусусий қўлларда йирик легал маблағ йўқ. Ўзбекистонда аҳоли даромади ўртасида ўта катта тафовут бўлмаслигига йўналтирилган сиёсат зимдан коррупция ва ўғрилиқни авж олдириб, яширин бойларни вужудга келтирган бўлса-да, ноҳалол топилган маблағ на амнистия қилиниб, легаллаштирилди, на давлат фойдасига мусодара этилди. Мамлакатимизда фонд биржаларидаги катта савдоларда қатнаша оладиган хусусий сармоядорлар ҳам расман йўқ. Бу энди тор иқтисодий масаладан кенг ижтимоий-сиёсий масалага айланади. Чунки ерости ва ерусти бойликларига эгалик қилиш мустақилликнинг асосий шarti ва мезони экани маълум.

Чуқур интеграциялашган иқтисодий иттифоқлар эртами-кечми сиёсат соҳасида ҳам

миллий давлат тузилмаларидан устун умумий меъёрлар чиқарувчи ва амалга оширувчи тузилмаларга эҳтиёж сезади. Миллий ҳукуматларнинг сиёсий ваколатлари, сиёсий иродаси чеклана бошлайди. Хусусан, иқтисодий суверенитет ўта заифлашади. Буни ЕИ тажрибаси ҳам тасдиқлайди. Болгария, Руминия, Греция, Словакия, Болтиқбўйи давлатлари, Испания ва Португалия кабилар ўта мураккаб иқтисодий муаммоларга дуч келганини, қулоғигача қарзга ботиб қолганини эслатиш ортиқча бўлмас. Ҳозирда Болгария ва Болтиқбўйи давлатлари аҳолиси қисқариб бораётир. Туғилиш Болгарияда ўлимнинг ўрнини қоплаёлмай қолди. Социализм даврида қурилган йирик корхоналар касодга учрагани сабаб ёшлар оила қуриш ўрнига иш излаб Ғарбий Европа мамлакатларига кетиб қолмоқда. Ягона валюта – еврога ўтган давлатлар пулни ўзига керакли ҳажмда берухсат эмиссия қилолмайди, негаки, бу ҳол инфляцияга олиб келади. Бюджет дефицитини ҳам маълум фоиздан оширолмайди. Натижада иқтисодий манёвр қилиш имконияти камайиб кетади.

ЕОИИга аъзо бўлиш учун қарор қабул қилишда фақат Ўзбекистон – Россия кўшма комиссияси хулосалари ва бундан кейин кузатувчи давлат сифатида тўпланган дастлабки тажриба билан чекланиш тўғри эмас. Чунки кузатувчи давлатга иттифоқнинг барча мажбуриятлари, ички меъёрлари тўлиқ қўлланмайди, унга иқтисодий ва сиёсий босим ҳам ўтказилмайди. Аммо аъзоликка ўтгач, вазият ва муносабатлар 180 градусга ўзгариши мумкин. Бу жиҳатдан ЕИ тажрибасини, айниқса, унга кейин аъзо бўлган ва еврога ўтган давлатларнинг ютуқ ва ютқиқларини ҳар томонлама ўрганиш лозим.

Икки-уч йил аввал норасмий доираларда ЕОИИ умумий валютаси масаласи кўтарилди. ОАВда ушбу мавзу анча-мунча ёритилди. В. Путиннинг бу масалани кун тартибига қўйиш учун камида 10-15 йил керак, деган гапидан кейин мавзу вақтинча ёпилди. Ягона валюта жорий қилингудек бўлса, эмис-

сия қилиш меъёри ҳар бир аъзо мамлакатга иқтисодий эҳтиёждан эмас, ЯИМ ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади. Бизда ЯИМнинг улуши аҳоли жон бошига Россия ва Қозоғистонга нисбатан бир неча бор кам – бу шароитда пул эмиссиясидаги ҳуқуқимиз уларни кига тенг бўлмайди.

Капиталнинг шакли-шамойили, цивилизациялашганлик даражаси ўзгарса-да, моҳияти ўзгармайди. Унга арзон ишчи кучи, арзон хомашё базаси, тайёр маҳсулотларни сотадиган бозор керак. Рус капитали нафақат технологик, балки ҳамкорларига муносабатнинг цивилизациялашиш даражаси қоқоқлиги бўйича ҳам ажралиб туради. Беларусь ва Россия – иттифоқдош давлат. Бироқ Россия компаниялари неча марталаб Беларусь ширкатларини чув туширишга ҳаракат қилди. Мисоллар жуда кўп. “Беларусь қаёққа ҳам борарди? Маҳсулотларимизни барибир биз айтган нарҳда олишга мажбур” қабилдаги ёндашув нефть-газ масаласида икки давлатни кўп маротаба жиддий зиддиятларга олиб келди. Беларуснинг Россия компаниялари билан бирлашган калий ўғити ишлаб чиқувчи АЖни (биргалиқда жаҳондаги 40% калий ўғитини ишлаб чиқарар эди) банкрот қилишга бўлган ҳаракатлар рус капитали табиатан ёввойилиги ва имкон топса, қонундаги ҳар қандай бўшлиқлардан фойдаланишга уринишини кўрсатди. Қардошлари, энг яқин иттифоқдошларига нисбатан ноҳалоллик қилаётган компаниялар бизга бошқача муносабатда бўлармиди?!

Ўзбекистонда аҳоли ўсиш суръати, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий таъминот эҳтиёжи, хавфсизлик, мудофаа ва шу кабилар билан боғлиқ бюджет харажати катталиги, маош стандартлари муайян минимумдан кам бўлмаслигини ҳисобга олсак, ЕОИИ доирасида аутсайдерга айланиб қолмаслик, ташқи қарзлар кўпайиб кетмаслигига кафолат йўқ. Бўёқларни қуюқлаштириб, ҳамюртларимизни қўрқитиш ниятимиз йўқ. Аммо давлат мустақиллиги, миллат тақдири – шунчаки иқтисодий ло-

йиҳа эмаски, агар муваффақиятсиз чиқса, қанча улкан бўлмасин, фақат маблағдан бошқа нарса йўқотмасанг!

Маънавият, маданият борасида қандай муаммоларга дуч келамиз – номаълум. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 31 йил бўлмоқда. Аммо нутқ маданияти, она тилига ҳурмат, давлат тилига доир қонун ижроси ҳамон оқсаяпти. Бу масалада миллий онгимиз, ғуруримиз етарлича эмаслиги кўриниб қолди. ЕОИИга аъзолик, Россияга бориб иш топиш, ўқиш истаги ёшларнинг салмоқли қисмида она тилига беписандлик туйғусини кучайтиради. Тил маданияти су-сайиб кетади.

Умумжаҳон интеграцияси тобора кучайиб бораётган шароитда миллий тиллар келажаги тўғрисида ҳам турли фаразлар илгари сурилмоқда. Уларнинг бирида сўзловчиси 300 миллион кишидан кам бўлган тиллар истиқболсиз, деб баҳоланган эди. Шунда Россия Думаси спикерининг ўринбосарларидан бири “Собиқ СССРда 320 миллиондан ортиқ аҳоли яшар, улар ва шарқий европалик собиқ социалистик мамлакатлар аҳолиси рус тилини ўрганар эди. Жаҳонда рус тилида сўзловчилар 400-450 миллион киши эди. Биз рус тилининг истиқболи учун ҳам эски чегараларни тиклашимиз, собиқ миллий республикаларни Россиянинг губерняларига айлантиришимиз керак” дея айюҳаннос солган эди. Тил ва маданият борасида бу каби ассимиляторлик сиёсати тарафдорлари Россияда кам эмас. Фақат уларнинг кўпчилиги ё фикрини очиқ айтмайди, ё бу жараён “табиий-маданий” шаклларда кечиши тарафдори.

ЕОИИга аъзо бўлсак, она тилимизнинг илм-фанда, олий таълимда, халқаро муносабатларда қўлланиши маълум даражада сусаяди. Миллий маданиятимиз ҳам босим остида қолади. Унда рус ва ғарб оммавий маданияти таъсирида интерференция унсурлари кучаяди. Ахлоқий-маданий, сиёсий ва эътиқодий толерантлик ниқоби остида беҳаёликни, зўравонликни, айрим номаъқул, шубҳали ғояларни ташувчи маҳсулотлар,


ахборот кириб келади. Маданий ва маиший ҳаётимизда зиддиятлар кўпаяди. Баъзи миллий кадриятларимиз таҳрирга учрайди.

Хўш, кўни-кўшнилар билан алоқаларимиз қандай бўлади? Бошқарув осон бўлиши учун қардош халқларда зимдан бир-бирига ишончсизлик, шубҳа, миллатчилик кайфиятини шакллантирган собиқ мустабид давлатнинг тарихий хотирасидан бу усуллар бутунлай ўчиб кетганмикан? Улар қайта жонланмасмикан?..

Тўғри, илм-фан, адабиёт ва санъат, умуман маданият ва спорт соҳаларида ЕОИИга аъзоликнинг ижобий жиҳатлари ҳам талайгина. Айниқса, илм-фандаги интеграция ва кооперация жуда фойдали. Телекоммуникация ва космик тадқиқотларни ривожлантириш, орбитага ўз сунъий йўлдошимизни чиқаришда Россиянинг ёрдами ва ҳамкорлиги зарур. Ушбу масалада Хитой, ЕИ ёки АҚШ билан ҳамкорлик истиқболи ҳам ёмон эмас. Россия билан ҳамкорлик эса тил борасида осонроқ ва самаралироқ кечади. Аммо ассимиляцияга хизмат қилувчи унсурлар кўпайиб бораверади.

Дарвоқе, чуқур интеграциялашган иттифоқларга аъзо бўлишнинг ўзи жуда серхаражат ва ташкилий жиҳатдан анча қийин. Бироқ ундан чиқиб кетиш харажат жиҳатдан ҳам, сиёсий-ташкилий жиҳатдан ҳам ўн карра қийин. Буни Британиянинг ЕИдан чиқиши билан боғлиқ муаммолар яққол кўрсатмоқда. Шу сабабдан ЕОИИга аъзолик масаласида ниҳоятда эҳтиёткор бўлиш, етти эмас, етти минг марта ўлчаб, бир кесиш зарур. Даставвал тараққиёт даражамиз, турмуш фаровонлиги ва сифатини кўтариб олайлик. Кузатувчи сифатида ЕОИИни 10-15 йил синаб кўрайлик; Россиянинг сиёсати, мамлакат элитасининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий мўлжаллари қай томонга оғишини билиб олайлик, у ёғи бир гап бўлар. Ўшанда ҳам, бизнингча, иттифоққа аъзо бўлиш масаласи парламент ва ҳукумат орқали эмас, умумхалқ референдуми орқали ҳал этилиши зарур.

Виктор АЛИМАСОВ



BEGONALASHUV

Яқинда бир ҳамкасбим дардчил ўйларидан сўз очиб қолди: “Биз фаровон яшашни истагандик, – деди у. – Тўкин ҳаёт бизни бад ҳаёллар, турмуш ташвишларию аламлардан холи этади, бахтиёр яшаймиз, деб ўйлагандик. Ҳаётимиз фаровонлик томон ўзгармоқда. Аммо, минг ваҳки, инсонни ички безовталикдан халос этиш амри-маҳол экан. Қаранг, ҳар йили бир неча миллион юртдошимиз чет элларга иш топиш илинжида кетаётир. Қайтиб келганлар кўзига тикиламан, гоҳо ҳаётингиздан шодмисиз, деб ҳам сўрайман. Йўқ. Уларнинг ички дарди, ташвишлари бизникидан зиёд. Оилаларга қаранг. Ажримлар ҳар йили ошиб бормоқда, баъзи ҳудудларда у 35-40 фоизга етган. Суд маҳкамалари арзчиларга тўла. Барча безовта. Юртдошларимизга нима бўляпти ўзи? Бегоналашув қисматимизга айланиб бораётгандек...”

Арасту “Одам – ижтимоий мавжудот” деганида, ўзи тўлиқ англамаган ҳолда инсон билан жамият ўртасида нафақат узвий боғлиқлик, шу билан бирга тафовут, ҳатто зиддиятлар ҳам борлигини эътироф этган. Донишварнинг метафизикаси, ҳатто бутун ижтимоий-фалсафий қарашлари ана шу зиддиятлар асосига қурилган. У таҳлил қилинаётган ҳар бир нарса-ҳодисадан ички тафовут, қарама-қаршилик қидиради. Сувқрот диалектикаси, яъни баҳс орқали зиддиятларни очиб бериш усули Аристотель фалсафасига ўтган. Шундан бери фалсафа, инсон идроки ўзи билан бошқа “мен”лар; “мен” билан жамият; шахс билан давлат, тузум ўртасидан зиддиятлар қидиради. Аслида, мазкур дилемма ечимига интилиш натурфайласуфлар ва Афлотун давридан бери мавжуд. Кейинчалик уни Фома Аквинат худо билан боғлиқ ра-

ционалда, Якоб Бёме зиддиятлар ва ҳаракатларни ўзига жо этган мистик “бирлик”да, Жорж Беркли “маънавий борлик”да, Жон Локк ақлу идрокка таянишда, Фридрих Нитше янги ахлоқ, янги дин, янги борлиқ яратишга қаратилган нигилизмда, Карл Маркс социал инқилобда, Иеремия Бентам инсон эҳтиёжларини қондиришга қаратилган утилитаризмда, Арнольд Тойнби маданиятлар ва цивилизациялар мулоқотида кўрди. Шарқ фалсафасининг буюк вакили Конфуций уни ажодлар меросига содиқлик, Лао Цзи – беором изланишга мойил идрок, Будда – нирвана (ғам-ташвишлардан холи мистик ҳол), Шри Ауробиндо – идеал умминсоний бирлик, мутасаввифлар – узлатда яшаб етуклик излашдан кидирди. Хўш, улар муродга етдимиз? Инсон изланишлари чекланганини Умар Хайём қуйидагича лўнда ифодалаган:

*Дилим илмлардан маҳрум бўлмабди,  
Бир сир қолмадики, маъхум бўлмабди.  
Туну кун ўйладим етмиш икки йил,  
Англадим, ҳеч нарса маълум бўлмабди.*

Ёндашувлар, мактаблар кўп ва ранг-баранг; уларнинг ҳар биридан муаммога оид фикр топиш мумкин. Аммо нуқтаи назарлар кўпайгани сари ечим топиш ўрнига муаммо устига муаммо қўшган. Инсон ўзини ўртаётган, безовта қилаётган саволларга ҳамон жавоб ахтаради. Борлиқдан сир изловчи идроки ва ўзидан қониқмайдиган қалби уни объектив билан субъектив ўртасида сарсон кезишга мажбур қилади.

Инсонни жамиятдан бегоналашувга етаклайдиган зиддиятларнинг туб негизи қаерда? Уни англаш мумкинми? Англинмаган муаммога ечим топиш мушкул, албатта. Айни чоқда, идрок изланар экан, у умид қилади; аммо бу умид мудом чекланган ва нисбийдир.

Инсон – қисм, жамият – бутун; икки ўртадаги алоқалар барча қисм билан бутун ўртасидаги муносабатлар кабидир. Бу муносабатларнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини илк бор Афлотун илғаган. У давлатни – бутун, кишиларни эса унга итоат этадиган, ўрнатилган тартибларга бўйсунадиган қисмлар ўлароқ талқин этган. Одамлар эришадиган бахт-саодат, фаровонлик – бутун туфайлидир. Тўғри, донишварнинг бу нуқтаи назари кейинчалик давлатнинг ролини мутлақлаштирувчи қарашларни келтириб чиқарди. Масалан, Ҳегелнинг фалсафий кратологик, айниқса, миллат шаклланишига оид қарашларида шу руҳ устувор. XIX – XX асрлардаги барча фалсафий-сиёсий таълимотлар бу ёндашувни давом эттирди.



Давлат ҳокимиятининг учга (қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимияти) бўлинишига оид Монтезкье илгари сурган ғояда фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсади ётгани қайд этилади; у қисм билан бутун ўртасидаги муносабатларни янги тартибда ташкил этишга хизмат қилган. Биз бугун барпо этишга интилаётган фуқаролик жамияти бор тафовут ва зиддиятлари билан ана шу муносабатларнинг ҳосиласидир. Давлатнинг бутун бўлишга даъвогарлиги, фаровон ва бахт саодатли ҳаёт барпо этишга қаратилган саъй-ҳаракатлари инсонни безовта қилаётган ўша азалий саволларга қониқарли жавобми? Менимча, йўқ. Давлат бутунликка даъвогар, аммо у бутуннинг ўзи эмас. Бу ўринда давлатнинг қисмати барча қисмлар қисматига ўхшагини пайқаймиз.

Бир қарашда инсонни жамиятга, қисмни бутунга қарши қўйиш ёки улар ўртасидаги тафовут ва зиддиятларни қидириш метафизик ўйин туюлади. Мулоҳаза юритишга ўч идрок, тафаккур ўзининг борлиқ олдидаги ожизлигини ниқоблаш, хаспўшлаш учун турли таълимотлар яратади, фикрларни ўйлаб топади. Релятивизмга, ҳатто абсурдга берилади. Ҳа, барча нарсани ёвуз ўлим, мавҳум борлиқ ўз қаърига тортиб кетади. Танатологик қарашларда аксиома мавжуд – ўлим ҳақ. Мазкур аксиома инсон билан жамият, қисм билан бутун ўртасидаги алоқаларга сўнгги нуқта қўйиши мумкин. Бироқ инсон, унинг идроки ўлимнинг мутлақ ҳақлигига кўниқолмайди. У бутун борлиғи билан ўлимни рад этиб, ҳаётни, мавжудликни улуғлайди. Ушбу некбинликни шарафлаш, қўллаб-қувватлаш инсонни бегоналашувга етакловчи пессимизмдан халос этади. Майли, у хато қилсин, адашсин, гоҳ иблис гапига кирсин, Қобил каби ўз инисига тиг кўтарсин... барибир ниманидир яратиш фикридан воз кечмайди, воз кечолмайди ҳам. Айнан шу нуқтада у жамиятга, бутунга муҳтож. Жамият, бутун инсонни ўзининг қисмига айлантириб, ундан етуклик талаб этади. Етуклик – бутунда (Афлотун)! Тўғри, уни талаб этиш ҳали етукликнинг ўзи эмас, унга етиш инсон ихтиёрида. Инсон ўзига шундай имкон берилганидан хабардор, ҳатто, у даҳрийлик йўли билан ҳам худо даргоҳига боришга аҳд қилади. Унинг Бобил минораси қуришга жазм қилгани шу сабаблидир. Донишвар мистик Эммануил Сведенборг худо билан суҳбат курганини айтади. Мансур Ҳаллож эса “Анал Ҳақ”, яъни “Мен Ҳақ” ман дейди. Бу – аслида, бутунлик, етуклик даъвоси. Бу яхшими ёки ёмонми? Иккаласи ҳам. Яхши томони шундаки, бутунга, етукка интилиш инсонни ҳаётни севиш, эъзозлаш, Ф.Нитше ибораси билан

айтганда, “ўзидан ўзиб” яшашга ундайди. Ўзидан ўзишга, кечишга интилмайдиган киши етуклик истамайди, бирор эътиборли нарса яратолмайди ҳам.

*Кўдан сўрадим дўст, ёр бер, деб.  
Жиндай омад, жиндай ишқ бер, деб.  
Тилакларим етди Самога,  
Жавоб келди, ўзингдан кеч, деб.*

Ҳа, дўст-ёр орттириш, омад ва ишқ ўзингдан ўзишни, кечишни тақозо этади. Мазкур альтруизмда нафақат жасорат ва поқдомонлик, хокисорлик, ҳатто жунун мавжуд. Аёлга ошиқлик нақадар телбалик бўлса, ҳаётга ошиқлик ҳам шундай. Кимда ишқ кам (бундан мутлақ маҳрум киши учрамайди) экан, у шубҳасиз жамиятдан бегоналашади. Бу – бегоналашувнинг ибтидоси. Инсонни бегоналашувдан, пессимизмдан халос қилиш учун уни ҳаётни севишга, умуман, ошиқликка ўргатиш керак. Ҳаётда тушкунлик уйғотувчи сабаблар кўп: бедиллик, бевафолик, ношукурлик, оқпадарлик, товламачилик, руҳий хасталик... Ислом “одамнинг бир елкасида шайтон ўтиради” деб беҳуда огоҳлантирмайди. Инсон қалби яшашга, ҳаётни севишга, ошиқликка мунтазир. Тўғри, ҳаётни севишга, ошиқликка ўргатиш мушкул-мураккаб вазифа, аммо инсонни бегоналашувдан қутқаришнинг бошқа йўли йўқ.

Бутунлик, етукликка даъво қилишнинг салбий жиҳати шуки, у одамда кибр, ўзига маҳлиёлик, худбинлик уйғотиши мумкин. Альтруизмнинг акси бўлган бу иллат кўпгина ақл эгаларида элита, аслзодаларгина кишилик жамиятини бошқариш ва эътиборли нарсаларни яратишга қодир, деган қарашни шакллантирган. Афлотун “қодир”лар сиймосини – файласуфларда, Томас Карлейль – қаҳрамонларда, Карл Маркс – пролетариатда, Хосе Ортега-и-Гассет ва Николай

Бердяев эса элитада кўрди. Пайгамбарлар, авлиёлар, даҳолар, ноёб фазилатли кишилар ҳақидаги таълимотлар ана шу ёндашув ҳосиласи ҳисобланади. Олимлар фикрича, ҳар бир гўдак ноёб фазилатлар эгаси, унинг вужудига даҳолик салоҳияти жо. Карл Поппер фикрига кўра эса: “Ҳамма – файласуф, аммо кимдир кўпроқ файласуф, кимдир камроқ”. Тафовут ана шу миқдордадир.

Қизиқки, жамиятдан бегоналашув ноёб ақл, фазилат эгалари ичида кўпроқ учрайди. Узлат – сўфийлар, зоҳидлик эса Будда ва Ҳенри Торо илгари сурган парадоксал ҳодисалардир. Аслида мутлақ бегоналашув йўқ, шахс мудом ижтимоий муҳит таъсирида шаклланади. Демак, жамиятдан бегоналашув – ўй-хаёл маҳсули, лекин у инсон руҳида мудом мавжуд. Тасаввур, ўй-хаёлларини, ҳаётини ағдар-тўнтар қилиб юборадиган важлар кишини ён-атрофдан, жамиятдан қочишга мажбур этади.

Бегоналашувда мистицизм бор. Мистикага берилиш инсон қалбидан чуқур жой олган. Ҳатто рационал ёндашувни улуғловчи Европа тафаккури ҳам бундан холи эмас. Диний фалсафий мактаб вакилларининг барчасида мистицизм таъсирини учратиш мумкин. Ваҳоланки, инсон билан жамият алоқалари аниқлик, рационалликни тақозо этади; бутун жамият мистицизм қўйнида қолиши мумкин эмас. Кейинги йилларда шу хил таълимотлардан, айниқса, тасаввуфдан рационаллик излаш, жамият онгига мистицизмни сингдиришга интилиш кучайди; аммо унинг инсон ва жамият алоқаларини ақлга мувофиқ ташкиллаштиришига мен ишонмайман. Чунки унда нореалликка интилиш кучли, бинобарин, у инсоннинг жамиятдан, реалликдан бегоналашувига сабаб бўлмоқда. Дин ва қалам аҳлининг мистицизмга берилиши одатий ҳол, шу сабабли улар идрок қабул қилолмайдиган,

унинг англаш доирасини кенгайтирадиган тасвирлар, ғоя ва асарлар яратади. Яратиш онларида дин ва қалам аҳли жамиятдан, реалликдан узоқлашади. Мазкур бегоналашув хаёлотни кенгайтиради, кишини арши аълога етаклайди. Бироқ инсон хаёли қандай гўзал, беғубор ва сержилва борлиқ яратмасин, унинг жамият билан алоқалари мудом рационал ёндашувга асосланади. Демак, рационал билан иррационал, ақлият билан хаёлот ўртасидаги тафовутлар, зиддиятлар инсонда жамиятдан бегоналашув туйғусини уйғотиши мумкин. Шундай фикрга келганманки, инсонни мистик кечинмалардан буткул халос қилиб бўлмайди, аммо уларни бадий эстетик ижод, изланишлар сари йўналтириш мумкин. Бу инсон учун ҳам, жамият учун ҳам фойдали.

Жамиятдан бегоналашув – алоҳида феномен. У аввало инсон руҳияти, сенситив, айниқса, пессимистик кечинмалари, борлиқни англаш жараёнида орттирган гносеологик тажрибалари билан боғлиқ. Шу сабабли у – индивидуал ҳодиса. Индивид – бегоналашувнинг ҳам субъекти, ҳам объекти. Бегоналашувнинг фожиага айланиши боиси – инсон. У ўзини жамиятга, ён-атрофга қарши қўяди ва ҳаётини драмага айлантиради. Шу сабаб ҳам бегоналашувга даъвони индивиднинг ўзидан, унинг маънавий-руҳий оламидан қидириш зарур. Ғарб олимларининг инсон руҳиятини даволаш, психотерапия билан изчил шуғулланаётгани бежиз эмас. АҚШда ҳар ўн нафардан бир киши депрессияга мубтало, уларнинг 15 фоизи ўзини ўлдиришгача боради. Шунинг учун ҳам Эндрю Соломон депрессияни “дунёдаги энг ваҳший қотил” деб атайди (*Соломон Э. Демон полуденный. Анатомия депрессии. Москва, “Добрая книга”, 2004. Стр. 32*).

Бегоналашувнинг энг даҳшатли оқибати – худкушлик. Илм-фанда “суицид” деб

аталадиган бу офат ҳар йили 800 минг кишининг умрига зомин бўлади, 15-29 ёшдагилар ичида кўпроқ тарқалган. Расмий манбаларга кўра, худкушлик кам ва ўртача ривожланган давлатларда кўпроқ учрайди. Деярли барча динлар ва маънавий-ахлоқий қадриятлар суицидни қоралайди. Ҳаёт – илоҳий неъмат, инсонни ундан маҳрум қилиш ҳуқуқи ҳеч кимга берилмаган. Киши яшашни истамай қолганида, юзага келган муаммони ҳал этишга ўзида куч ва имконият қолмаганини билганида охириги чора сифатида жонига қасд қилади. Аслида бу – шахс билан муҳит, жамият ўртасидаги зиддиятнинг кескинлашуви ифодасидир. Инсон бутуннинг тақдирига таъсир этиш имконига эга эканини унутади...

Бегоналашувга ижтимоий ўзгаришлар ҳам сабаб бўлади. Жамият ҳеч қачон бир текис ривожланмаган. У флуктацион, яъни тўлқинсимон ўзгариб, ривожланиб келадики, бу одамлар ҳаёти, тасаввур ва муносабатларига таъсир этмай қолмайди. Айрим кишиларнинг жамиятдаги ўзгаришларга бефарқлиги, худбинликка берилиши ёки ижтимоий даврани тарк этиши ана шу таъсир туфайлидир. Бефарқлик гоҳо беозор ҳодиса кўринади, муаммо уйғотмайди, шунинг учун қораланавермайди. У пинҳона ҳолат, уни илғаш, қоралаш қийин. Демократик муҳитда у ҳатто шахс ҳуқуқи, унинг эркин яшаш тарзи ўлароқ қаралади. Аммо бефарқлик билан бегоналашув ораси бир қадам. Агар лоқайдлик узоқ давом этса, муқаррар тарзда муҳитдан, жамиятдан бегоналашувга олиб келади.

Анланган ва анланмаган бефарқлик бор. Кейингисини ижтимоийлаштириш мумкин, аммо анланган лоқайдликни ўзгартириш мушкул. Анланган бефарқлик шахсий руҳий кечинма ўлароқ ён-атрофдаги воқеаларни рационал идрок этмаслик, гоҳо

уларга зид позицияда туриш шаклида воқеланади; у кўпинча оппозицияни келтириб чиқаради.

Эгоизм бевосита бефарқлик маҳсули эмас, у “мен”нинг мутлақлаштирилишидир. Демократия шароитида “мен” ўзини мутлақлаштиришга осонгина асос, восита топади; бунга Ғарб воқелигидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Шарқ демократияси эса ҳамон коммунитаризм тарафдори, у шахс ва жамият ўртасидаги муносабатларни ижтимоий тараққиётга йўналтиришга интилади. Коммунитаризм эгоизмга, ижтимоий қадриятлар бефарқликка ўрин қолдирмайди. Бу билан биз, бефарқлик Ғарб демократияси шароитидагина мавжуд, деган фикрдан йироқмиз. Фақат ўз қадриятларинигина тан оладиган, улуғлайдиган жамият моҳияти ва бутун тизими билан глобал ривожланишга бефарқлигини намойиш этади. Гоҳо бутун халқ, миллат глобал ривожланишга бефарқ қолиши, шу зайдда инсоният ҳаётидан бегоналашуви мумкин. Бу ҳодиса илм-фанда “этноэгоизм” деб аталади.

Инсон руҳида интравертлик ва экстравертлик ёнма-ён юради. Биринчиси одамнинг ўз ташвишлари, манфаат ва ўйлари билан бандлигини; иккинчиси эса ташқи олам, жамият, ён-атроф ҳақида қайғуриб яшашини билдиради. Бу хислатлар жамиятдаги муносабатларга мувофиқ бўлади, ижтимоий ҳаётдаги зиддиятлар қанча ўткирлашса, интраверт ва экстравертлар ўртасидаги тафовутлар ҳам кескинлашади.

Биз XX аср охирида хусусий мулк ижтимоий тараққиётга элтади, фаровон яшаш имконини беради, барча иқтисодий муаммоларимиз ўздан ўзи ҳал этилади деган ҳавойи ўйларга берилгандик. Энди маълум бўлмоқдаки, хусусий мулк оилавий муносабатларга акс таъсир этиши, шахсда мулкчилик инстинктини ўстириши, ҳатто

кишининг ўзини ҳам олди-сотди объектига айлантириши мумкин экан. Хусусий мулк шахсда интравертликни қўллаб-қувватлаш орқали уни оиладан, жамиятдан йироқлаштираётгани оила институтини асраб қолиш муаммога айланиб, фоҳишабозлик ва иқтисодий жиноятларнинг ошиб бораётганида яққол кўзга ташланади. Бундай шахс оила ва жамиятга ҳам хусусий мулк сифатида қарайди. Бу – бегоналашувнинг янги, замонавий кўриниши. Биз интилаётган, идеал деб қараётган Ғарб модели ана шу асосда янги феномен шаклида воқеланмоқда, у – шарқона индивидуализмдир.


Шарқ индивидуализми алоҳида ўрганишни тақозо этади, бир мақолада унга хос барча жиҳатларни очиб бериш имконсиз. Фикримизча, унинг асосий белгилари – ҳар қандай ижтимоий-ҳуқуқий норма, қонунларни менсимаслик; коррупция ва зўравонликни оилавий аъёнага айлантириш; патриархал бошқаришга мойиллик; буржуазиядаги номақбул, бад иллатлар-

ни ўзлаштиришга интилишда намоён бўлмоқда. Бизнес ва тадбиркорлик ниқоби остида авж олаётган судхўрлик инсон билан жамият ўртасидаги муносабатларни кескинлаштиради, бу эса бегоналашувни муқаррар ҳодисага айлантиради.

...Исо пайғамбар яримта ғиштни боши остига қўйиб, ухлаб ётар эди. Кўзини очса, устида лаъин иблис турганмиш.

– Эй малъун, бу ерда нима қиляпсан?

– Ғиштимни бошинг остига қўйибсан, – дебди Иблис. – Биласан-ку, дунё меники, демак, ғишт ҳам меники. Ғиштни бошинг остига қўйиб менинг мулкимга тажовуз қилмоқдасан, ўзингни менинг қаторимга қўшяпсан (*Фаридуддин Аттор. Мантиқ ут-тайр. Насрий баён. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2006. 105-106-бетлар*). Исо пайғамбар тараддудда қолибди. Яшаш қайғуси, наҳотки, инсонни иблис ялоқига кўз тикиб яшашга мажбур этади... мажбур этаверади? Бу энди бошқа мақола мавзуси...



Элдор АСАНОВ



## BIZNI QANDAY KELAJAK KUTMOQDA?

БИРИНЧИ МАҚОЛА

2020 йил февраль ойида Марказий Осиё минтақасида навбатдаги этник фо- жиа рўй берди: Қозоғистон ҳамда Қирғизистон чегарасидаги Масанчи қишлоғида яшовчи қозоқлар ва дўнгонлар ўртасида келиб чиққан маиший жанжал этник низога айланиб кетди. Яқин ўтмишда минтақада амалга оширилган этник тозалашларда қўл келган сценарий бу сафар ҳам соат механизмидек аниқ ишлади: хитойча гапириб, ислом динига эътиқод қиладиган дўнгонларнинг бошпаналари бир кечада ёқиб юборилгач, оилалар қўшни Қирғизистонга қочиб ўтди. Албатта, битта қишлоқ миқёсидаги можарони Жанубий Қирғизистонда, Фарғона водийсининг Ўзбекистон қисмида бўлган даҳшатли воқеаларга қиёслаш ноўрин туюлар, лекин бу каби ҳодисалар замирида бир мотив ётибди: этник зиддият.

Масанчи воқеаси бўйича келгусида жиддий академик тадқиқотлар ўтказилса ажаб эмас. Бироқ ҳозирданок илмий изланишлар якунида этник ихтилофнинг асосий омили сифатида Марказий Осиё минтақасидаги миллий ўзлик инқирози ва постсовет миллатчилиги кўрсатилишини тахмин қилиш мумкин.


Марказий Осиё аҳолиси болалигидан миллийлик руҳида тарбияланиб, бу унга мактаб дарсию оммавий ахборот воситалари орқали сингдирилади. Расмий тадбирларда миллий ғурур, миллий тарих, миллий анъаналар, миллийлик ҳақида бот-бот гапирилади. Пировардида, марказий осиелик ўзини муайян миллат вакили ўлароқ таниб, миллатга мансублигидан шубҳаланмай; қадриятлар, тарих ва маданиятни “миллий мерос” дея қадрлаб, миллий анъаналарга риоя этиб

яшашга ҳаракат қилади. Миллий низо келиб чиққач, муносабатлар зиддиятли тус оларкан, аксар аҳоли радикал хатти-ҳаракатларни миллатчилик деб баҳолаб, миллийлик асло тоқатсизликка ундамайди деб ҳисобласа, бошқалар, аксинча, миллийлик йўлида керак бўлса радикал ҳаракатлар ҳам лозимлигини таъкидлайди. Лекин ҳеч ким муаммо айнан у болалигидан инонган миллий қадриятлар, илмий тилда айтганда, миллий контекстдаги нарративлар йигиндисиде эканини тан олмайди ёки бунга журъат этмайди; миллийлик яккаш ижобий ҳодиса сифатида талқин қилинаркан, у бировга зиён келтириши, миллатчиликка ўтиб кетиши мумкинлиги инобатга олинмайди. Бир сўз билан айтганда, миллийликка фитратан мавжуд, қон билан сингган мутлақ ҳақиқат ўлароқ эътиқод қўйилган.

Оламни миллийлик призмаси орқали кўриш ва англаш кўникмасининг шаклланиши сўнгги 200-300 йил мобайнида фанда ҳукмрон бўлган назариялар ҳамда уларга таяниб юритилган сиёсатга боғлиқдир. Парадокс ҳам аслида ана шу нуқтада: яъни миллийлик, миллатчилик концепциялари инсониятнинг янги тарихида вужудга келган эса-да, лекин уларнинг постулатлари ўтмиш даврларга ҳам боғланади. Бугун ўзини муайян миллатга мансуб деб билган одамлар ота-боболарининг тарихини ҳам шу миллатнинг ўтмиши дея талқин этади, бу билан миллатнинг мавжудлигига “қонуний” тус беради гўё. “Тарих аслида кимники?” мазмунидаги баҳслар – алоҳида ва жуда кенг мавзу. Бизни қизиқтирадиган масала эса бошқа.

Кўплаб мутахассислар таъкидлаётганидек, инсоният янги – постмиллий босқичга қадам қўймоқда. Бу босқич кишилик жамиятига қулай идеологик муҳит тақдим этиши кутилаётганига қарамай, миллий мафкура тизимлари, умуман, миллий-этник ўзлик тусунчасига оғир зарба бериши мумкин. Бун-

дай тўқнашув эса одамларни руҳий муаммоларга, жамиятни эса оммавий баҳсларга дучор қилса эҳтимол. Боз устига, баҳс-мунозара илмий ва сиёсий идоралар эшикларидан чиқиб, кўчаларга ёйилиши ва мафкуравий жараёнлардан узоқ одамларнинг ҳаётида ҳам туб ўзгаришлар ясаши мумкин. Шундай экан, “ўзликлар кураши” концепциясининг тарихи ва мазмун-моҳиятидан хабардор бўлиш, бугунни англаш ва эртани ўрганиш мақсадга мувофиқдир.



### Инсон – ижтимоий мавжудот

Ҳа, у жамият тузиб яшашни маъқул кўриб, ҳаётини индивидуал эмас, жамоавий шаклда қуради. Албатта, бунинг аксини кўрсатувчи далиллар-да мавжуд: чунончи, одам ёлғиз ҳолда ҳам табиат қўйнида яшай олишини ўз вақтида либераллар отаси Ҳенри Торо “Уолден” тажрибасида исботлаган экан (*Thoreau Henry. Walden. Literary Classics of the U.S. reprint, 1985*). Лекин инсоннинг аксар ҳолда жамоавий яшашида куч ва саъй-ҳаракат бирлашиб, тараққиётнинг шиддатли ривожига хизмат қилади.

Примитив яшаб қолиш инстинкти асосида шакланган жамоалар (ёки тўдалар) ибтидоий даврга ҳам хос бўлган. Лекин инсон онгининг ривожланиши жамоаларни янги босқичга кўтаргач, шароит ўзгариши, қирлиб кетиш хавфи ортда қолиши уларга бошқача вазибалар юклайди.

Сўнгги йилларнинг энг донгдор тарихчиларидан бири Юваль Ҳарарига муржаат этамиз. Онг инқилоби туфайли одам

фикрлашни ўрганган. Энди жамиятни яхлит, бутун сақлаб туриш учун яшаб қолиш мантиқининг ўзи етарли бўлмай, жамият унинг ақлий эҳтиёжларини ҳам қондириши лозим бўлади. Айтайлик, олдин моддий мулк тақсимотида жисмоний куч етакчи бўлса, бора-бора жисмонан заифроқ одам "Тўхта, нега у неъматларни кўпроқ оляпти? Биз бир жамоамиз-ку?" деб ўйлаб, буни сўзда ифодалаган, унинг эътирозини ақлий қобилиятга эга бошқа жамоадошлари эса тинглаб, тушунган.

Шу тариқа онг инқилоби инсон жамоалари олдига янги муаммолар қўйиб, уларга жавоб ҳам топиб беради. Фикрлаш қобилияти одамга реалликдан узилиб, хаёлот – фантазия оламига шўнгиш имконини ҳада этган. Одамлар коллектив мифлар ўйлаб топиб, уларга ҳақиқат ўлароқ ишона бошлагач, ижтимоий робиталар ҳам ўшалар асосида қурила боради. Ушбу индивидуал эрмак секин-аста жамоавий тафаккурга қўчирилган (*Ҳарари Ю.Н. Sapiens: Инсониятнинг қисқача тарихи. Электрон нашр*).

Илгари инстинктлар негизига қурилган жамоалар когнитив мулоҳазаларга асослана боради. Жамоаларнинг яхлитлигини сақлаш учун дастлаб тирик қолиш илинжининг ўзи етарли бўлган бўлса, бора-бора кўпроқ аргумент керак бўлган. Кутилмаганда бу воқелик жамоаларни пароканда этиш ўрнига уларни янада жипслаштиради: коллектив фантазия қобилияти жамоага ўзини шунчаки омон қолиш йўлида бирлашган қуролдошлар тўдаси сифатида эмас, азалдан мавжуд бўлган, тирикчиликдан юқорида идеаллар асосида бир муштга дўнган, ғайриихтиёрий тарзда, туғилишиданоқ ўзаро боғланган одамлар гуруҳи сифатида тасаввур қилиш имконини берган. Бу эса аъзоларнинг жамоага бўйсунувчанлигини, кейинги авлодлар ҳам ана шу руҳда тарбияланишини таъминлаб, алҳосил, ижтимоий муносабатлар янги поғонага кўтариларкан, жамоа жамиятга айланади.

## **Ибтидо: қондошлик принципи**

Аслида илк жамоавий ўзлик тушунчаси анча олдинроқ пайдо бўлган. Бир ғорда истиқомат қилувчи ибтидоий одамлар когнитив инқилобдан сўнг ўзини бир ғорга мансуб деб била бошлайди. Лекин бу мансублик ҳали сакрал – муқаддаслик касб этмаган.

Одамзод нега муайян жамоада яшаши, нега унга ипсиз боғланганини биринчи галда ўзига, сўнг бошқа жамоадошларига тушунтириш учун далил-исбот қидираркан, қондошлик принципи унинг диққатини тортади: бир жамоада яшовчи одамлар оила қуриб ўзаро қариндош бўлгач, фарзанд кўрган. Шу тариқа умумий қон-қариндошлик – жамиятнинг мавжудлигини асослаб, муайян одам маълум жамоага нега ғайриихтиёрий боғланганини кўрсатадиган бирламчи мезонга, илк жамиятлар пойдеворига айланади.

Қон принципи бир қарашда ўта ишонarli, зоҳирий белгиларни намоён этувчи мифологема саналган. Зотан, қондошлик одамларнинг ташқи кўринишида акс этади. Қариндошлар ирсий бошланғич туфайли бир-бирига ўхшаши бор гап. Ибтидоий мантиқ оддий бўлган: қонинг бирми, ташқи кўринишинг ўхшашми, демак, шу жамоа аъзосисан, ундан ўз ихтиёрингга кўра чиқиб кетолмайсан. Қон – биологик факт, шу туфайли қавм ва жамоани танлаш имкони йўқ!

Бу содда, лекин яшовчан принципнинг бошқа устунлиги шуки, у "бегона"ларни ажратиб олишни ҳам енгиллаштирган. Жамоаларни жипслаштириш баробарида "бегона" образи шаклланиб, кун тартибига кира бошлагач (ахир, "биз" "улар"сиз мавжуд бўлолмайди-ку), жамоалар орасида рақобат туғилади. Бир жамоа аъзоларининг бирилиги ва боғлиқлигини тушунтириб берувчи далил-исботлар терс тарафга ҳам ишлаб, "улар" "бегона"лигига, "улар"дан ҳадиксираш, "улар"ни ўлдириш кераклигига рад этиб бўлмас мантиқ тусини берган. Ушбу рақобат душманликка

айланиб, истиқболдаги уруш ва қирғинларга йўл очади. Кишилик жамияти ривожининг яна бир парадокси шу: неча минг йиллик тадриж ва тараққиётга қарамай, энг биринчи тўқнашув ҳам, энг охирги ва даҳшатли жаҳон уруши ҳам “биз” ва “улар” зиддияти туфайли келиб чиққан. Одамлар бугун ҳам миллий ўзлик тушунчасини тинч-тотувлик омили деб билиб, уни ижобий ҳодиса дея баҳолайди. Аммо таъкидлаш жоизки, энг қадимги даврдаёқ ўзлик тушунчаси зиддият асосида барпо бўлган: ўзлик қарама-қаршиликсиз мавжуд эмас. Яъни, сирасини айтганда, ҳамма “биз” бўлса-ю, “улар” мавжуд бўлмаса, “биз”-ликнинг маъноси қолмасди.

Демак, энг қадимги бирлашмалар – қариндошлик жамоалари, уруғ ва қабилалар қондошлик тутумига таянган. Жамоалар жамият босқичига ўтиб, мураккаблашиб, кенгая бораркан, бу принципнинг камчиликлари юзага чиқа бошлайди: кичикроқ миқёсда иш берган аргументлар юқори босқичларда ярамай қолган. Зеро, қондошлик бир гуруҳ одамларни бирлаштира-да, уларни оммадан ажратиб, бегоналик ва душманликни кучайтиради. Қолаверса, фақат қондошликка суянган жамиятнинг ривожланиш имконияти чекланиб, қариндошлар никоҳи генетик бузилишга олиб келган.

Қариндошлик жамоалари одамзодга коллективлашнинг янги чўққиларини забт этишда ўзига хос пиллапоя вазифасини бажаргач, илғор жамиятлар аста-секин шаҳар ва давлатчилик поғонасига ўтади.

### Этнос ва сиёсий элита

Янги сиёсий бирлашмалар – шаҳарлар ва давлатлар мураккаб иерархик тузилмага эга бўлиб, уларни идора этиш ўзлик тушунчасини ва уларни тутиб турувчи мифологемаларни қайта кўриб чиқиш эҳтиёжини туғдирган. Бу даврга келиб авомдан ажралиб чиққан сиёсий элита янги ўзлик тушунчасининг асосий буюртмачисига айланади. Зо-

тан, жамиятни жипс тутиб туришдан биринчи галда улар манфаатдор бўлган.

Ўзма тарих даврида одамларни бир-бирига боғлаб туриш, ўзлик тушунчасини шакллантиришда диний, географик, этник омиллар асосий ўрин тутуди. Географик омилга кўра, инсон мансублиги, бирдамлик асослари муайян ҳудуд, шаҳар ёки давлатга дахлдорликка таянган; у қондошлик принципдан кейинги одим – қишлоқлар, шаҳарлар ва давлатлар ўзлигига замин бўлиб, кейинги босқичда биологик ва географик принциплар ўрнини муқаддасотлар эгаллайди.

Бир динга эътиқод қилиш одамларда кучли руҳий робита ҳосил қилиши, диндошлар бир-бирини биродар санаши маълум. Элита диннинг бу мўъжизакор қудратидан фойдаланиб, ўзини одамлар ва худолар орасидаги воситачига айлантиришга уринган. Худонинг ердаги сояси, илоҳий фиръавнлар ҳақидаги мифологемалар шу тариқа пайдо бўлади. Маълумки, инсон азалий, самовий ва ўзгармас қонуниятларга қатъиян ишонган. Фиръавнлар ҳоқимиятини, ижтимоий бирликни ана шундай қонуният ўлароқ талқин этиш жамият аъзоларида мутлақ ишонч ва мойиллик келтириб чиқаради.

Нисбатан кейинги даврда вужудга келган этник конструкт илгариги мифологемаларнинг барчасини бирлаштирди. У ўзлик тушунчасини биологик, географик ёки диний-эътиқодий аргументлар йиғиндиси эмас, тартибли, тизимли қадриятлар мажмуаси сифатида англашга йўл очди. Битта этносни ташкил қилувчи одамлар бир-бирига қариндош бўлиши, ягона динга, тилга, маданиятга соҳиб бўлиши, бир жуғрофий ҳудуд ва давлатда яшаши даркор эди.

Таъкидлаш жоизки, ўзлик шакллари маълум босқичда замона талабига жавоб бермай, асосу аҳамиятини йўқотган. Бироқ кишилик жамияти бир текис ривожланмагани боис “фалон асрлар – диний ўзлик даври”, “фалон асрлар – этник ўзлик даври” қаби-

\* Бу ўринда “этнос” истилоҳи шартли равишда ишлатилаётганини таъкидлаш лозим. Турли халқларда бир-бирига ўхшаш, бугунги антропологиядаги “этнос” тушунчасига мос келувчи ўзлик категориялари мавжуд бўлган. Масалан, Европада folk, tribe, populi сингари атамалар турфа замон ва маконда ишлатилган. Булар биздаги “халқ”, “элат” тушунчаларига мос келишини инобатга олиб, барчасини бирлаштирадиган ва бугунги фанда шартли қабул қилинган “этнос” атамасидан фойдаланмоқдамиз.

лида узил-кесил таснифлаш имконсиз. Жамият тараққийётнинг турли босқичида яшар экан, тамаддун тарозиси гоҳ у, гоҳ бу жуғрофий паллани босиб кетаверган; натижада энг илғор ўзлик таълимотлари ранг-баранг географик муҳитда тарқалиб боради. Муайян даврда сайёрамизнинг бир чеккасидаги жамиятлар диний ўзликни биринчи ўринга қўйган; яна қаердадир географик мансубият долзарброқ аҳамият касб этган; ибтидоий тузумда қолиб кетган жамоалар эса қондошлик ва ўрмон руҳларига инониб яшайверган. Турфахиллик ҳамон давом этаётир – ҳали ҳам қабилавий турмуш кечирувчи жамоалар мавжуд, давлатлар ва жамиятлар эса тараққийётнинг ҳар хил босқичида.

Этнос концепцияси, этник ўзлик дунёга назар солишнинг универсал шакли ўлароқ майдонга келганига қарамай, бошқа ёндашувларни бутунлай сиқиб чиқармасдан, иқтисодиёт тилида айтганда, бозорнинг каттароқ қисмини эгаллаган, холос. Шу тариқа у асрлар мобайнида нашъу намо топиб турибди.

Этник ёндашув ибтидоий қараш эмас, балки бугун ҳам миллионлаб одамлар онгини банд этган жонли ғоя бўлгани боис уни назарий ўрганиш ҳамон давом этмоқда. Бугунги кунда этнос тавсифида уч асосий қараш мавжуд:

**1) примордиализм:** бунга кўра, этнос – худуд, қон, тил ва дин билан боғлиқ азалий ва ғайриихтиёрий бирлашма; муайян бир этносда туғилдингми, ундан чиқиб кетиш ёки воз кечиш амримаҳол;

**2) историзм:** этнос – ижтимоий бирлашма; тарихан шаклланган жамият, қондошлик ва диндошлик эса уни мустаҳкамловчи ихтиёрий омиллардир;

**3) дуализм:** юқоридаги икки қарашни уйғунлаштирувчи назария; унга мувофиқ этнос тор маънода *этникос*, яъни қондошлик жамоаси, кенг маънода эса бир давлат чегарасида қони турфа одамлардан шаклландиган жамиятдир.

Дуалистик этнос назарияси совет этнологияси оталаридан бири Юлиан Бромлей томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, СССРда ҳукмрон мавқега эга эди (*Бромлей Ю. Очерки теории этноса. Москва, "Наука", 1983*). Дуалистик назарияга кейинроқ тўхталамиз; ҳозир эса этносга асосий рақобатчи бўлмиш миллат назарияси ҳақида.

Диний ўзликни ҳисобга олмаганда, бошқа кўринишдаги ўзлик таълимотлари этникликка деярли муаммо туғдирмаган эди. Миллат назарияси эса этнос таълимоти яккахукмронлигига чек қўйибгина қолмай, уни тубдан ўзгартириб юборди.

Миллат атамаси мусулмон Шарқда азалдан мавжуд. У ислом уммати – бутун мусулмонлар жамоаси маъносини ифодалаган. Яъни эскидан ўзлик кўрсаткичи бўлган. Модерн асрига келиб мусулмон халқлари ҳам Европа миллатчилигидан (национализми) ранг олиб, миллий идеологиялар ишлаб чиқишга бел боғлади. Шу аснода оврупоча *nation* истилоҳига муқобил равишда *миллат* истилоҳи урфга кирган. Шу боис миллат тарихини тафтиш қилар эканмиз, таҳлилни *нация* атамаси кечмишидан бошлаймиз.

Қизиқ жиҳати, латинча *nation*нинг маъноси жўн: уруғ-аймоқ, авлод. У бугунгидек глобал маъно касб этгунча узоқ йўл босган. Дастлаб Европа университетларидаги талабалар бирлашмалари шундай аталади. XIV аср – Ғарбий Европадаги буюк ўзгаришлар даврида янги интеллектуал кучлар илмий ихтироларга қўл урган, улар ордидан юзага чиққан буюк географик кашфиётлар европаликлар дунёқараш ва олами билиш кўламини ошириш баробарида моддий бойликларнинг ҳам кўпайишига асос бўлган. Моддий капитали ортган европаликлар маънавий капиталга эътибор қаратар экан, жамият тузилмаси, уни бирлаштириб турган ёки бирлаштириши кутилаётган ришталар – маданият, кадрият, ўзлик қайта кўриб чиқилиб, бугунги Германия худудида яша-

ган майда герман давлатларида замонавий миллатчилик куртак отади.

XVI асрда олмон интеллектуаллари, хусусан, машхур Мартин Лютер илк бор ўз халқига герман (deutsche) атамасини қўлаган. Қизиқ томони шундаки, германлар у даврда ҳали ягона ном, тил ва давлатга эга бўлмади, нидерланд, шваб, бавар, тюринг, саксон каби халқлар (этнос) алоҳида сиёсий тузилмаларда яшар, ўзини ягона халқ, ягона миллат деб билмасди. Лютер ва бошқа зиёлилар уларни ягона бирлик ўлароқ кўриб, миллат деб атагани сиёсий элитага маъқул келдики, 1512 йилдан Муқаддас Рим империяси герман миллатига тегишлилигини расман эътироф этиш мақсадида давлат номи Герман миллатининг муқаддас Рим империяси деб ўзгартирилади.

### Хаёлий жамият ва конструктивизм

Хаёлий жамият истилоҳи илк бор британиялик социолог ва сиёсатшунос Бенедикт Андерсон томонидан истифода этилган. Олим шу номдаги шов-шувли китоби билан антропология ва социологияга янги атама киритиш баробарида конструктивизм таълимотининг мутлақ ғалабасини ҳам таъминлайди (*Anderson B. Imagined communities. Reflections on the origins and spread of nationalism. London – New York, Verso*).

Конструктивизм таълимоти жамият ҳаёлот ва тасаввур маҳсули эканига урғу берган. Унга кўра, ҳар қандай жамоа, жамият, ҳамжамят аслида қўл билан ушлаб бўлмайдиган воқелиқдир. У онгимиздагина мавжуд ва биз уни тасаввур қиламиз. Жамиятлар шундай пайдо бўлади.

Бир замонлар зўр бериб бирлашувнинг когнитив асосларини қидирган ибтидоий одамлар қон принципини кун тартибига олиб чиққан экан. Мантиқан мушоҳада қилинса, қондошлик биологик нуқтаи назардан бирга яшашни тақозо этмайди. Бу шунчаки

бирлашувни асослаш учун мезон сифатида танлаб олинган, холос. Яъни биологик омир рамзий капиталга айлантирилиб, шу асосга қурилган жамият тасаввури ҳосил қилинади.

Дейлик, Мартин Лютер ўз тасавбурида герман миллатини жонлантирган. Унинг ҳаёлотли жамоавий ҳаёлотга кўчгач эса, дастлаб герман давлатлари элитаси, сўнг герман халқларининг аксари бу талқинни қабул қилиб, ўзини ягона миллат деб атайди.

Конструктивизм фақат миллийликни эмас, ўзлик таълимотларининг ҳар қандай шакли, турфа жамоа ва ҳамжамятлар моҳиятини ҳам очиқ берган. Биз ўзимизни бир миллат вакили деб ҳаёл қилганимиз каби, бир маҳалла, шаҳар, қишлоқ, касб, ёш, жинс гуруҳи вакили деб ҳам ҳисоблаймиз. Демак, ҳар қандай этник гуруҳ, ўзлик таълимоти ҳаёлийдир. Масалан, бир одамни мусулмон, ўзбек, манғит, бухоролик, эркак, оилали эркак, қирқ яшар эркак, муҳандис, кўп қаватли уй истиқоматчиси, муайян русумдаги машина эгаси, кашанда... тарзида таърифлаш мумкин. Назарий жиҳатдан буларнинг барчаси ўзлик қирралари бўлиб, ушбу палитра киши "мен"ининг ўзагини ташкил этади.

Шундай қилиб, конструктивизм ўзликларнинг қатламларини (страта) ўзаро тенглаштириб, бир даражага олиб чиққач, миллийликни муқаддаслик мақомидан маҳрум қилиб, уни мустақамлашга қаратилган далиллар шунчаки рамзий капитал экани, ундан воз кечиш, уни ўзгартириш мумкинлигини кўрсатиб беради. Бу ҳол ўзлик назарияларининг умрига зомин бўлмай, бильяк, замонавий одам ўзликнинг бир неча қатламини ажабтовур тарзда уйғунлаштириб яшашни ўрганди. Бир одам ҳам рус, ҳам православ, ҳам менежер, ҳам коммунист, ҳам вегетариан бўлиши мумкин. Мазкур хусусиятлар бир-бири билан рақобатлашмай, инсон онгидан қатма-қат жой олгани яхши, лекин бирортасига кўпроқ урғу берилса, мувозанат бузилади. Ҳолбуки, мақола аввали-

да қайд этганимиздек, илгари бунинг акси ўлароқ ўзлик жибиллий (туғма) ҳол сифатида қабул қилинган, ундан воз кечиб, ўзгартириб бўлмайти деб қаралган. Ушбу илмий муаммо россиялик таниқли олим Сергей Абашин томонидан ҳам теран тадқиқ этилган (*Абашин С. Свой среди чужих, чужой среди своих. // Этнографическое обозрение, №2-2003. Стр. 3-25*).

Конструктивизм бугунги гуманитар фаннинг ўзига хос эволюцион таълимотига айланиб қолганки, усиз макротарих, антропология, социология, этнология ва лингвистикада методик ёндашувни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Ривожланган мамлакатлар академик муҳитида конструктивизм ўздан олдин урфда бўлган назарий қараш – примордиализмни сиқиб чиқарди. Лекин у ўз навбатида бизни янги саволлар қаршисига қўйди.

### **Миллат олдин пайдо бўлганми ё миллатчилик?**

“Товуқ олдин пайдо бўлганми ёки тухум?” деган савол тилдан тилга ўтиб юради. Муштарийларимиз ҳам муҳаққақ бу саволга дуч келгандир. Камина ҳар сафар бу сўроққа қуйидагича жавоб қайтарганман: тухум олдин пайдо бўлган, албатта – негаки, тухумни фақат товуқ қўймайди!

Антропология ва унга ёндош гуманитар соҳаларда юқоридаги саволга ўхшаш яна бири кўп муҳокама этилади: миллат олдин пайдо бўлганми ёки миллатчилик?

Бу жуда қизиқ масала. Миллатчилик (бу истилоҳ халқ тилида миллиятчиликнинг радикал кўринишини ифодаласа, фанда дунёга миллий нигоҳ билан боқишни англатади) ғоясини илгари сурадиганлар ҳеч иккиланмай миллат бирламчи деб жавоб беради. Лекин бугунги илмий дискурсга ишонадиган бўлсак, миллатчилик миллатни шакллантирган. Яна ўша мисолга мурожаат қиламиз: Мартин Лютер аввал миллатни тасаввур қилиб, миллатчиликни юзага келтирган, сўнг эса миллат

шаклланган. Бу борада Италияни бирлаштириш ғояси оталаридан бири бўлмиш Массимо де Адзельонинг машҳур сўзларини келтириш ўринлидир: “Биз Италияни яратдик, энди итальянларни яратсак бас”.

Европанинг бошқа ўлкаларида ҳам миллатчилик ҳаракатлари юзага келади. Феодал тузумдан, элитанинг адолатсиз тақсимотидан чарчаган ўртаҳол шаҳарлик ва зиёлилар (бу қатлам буюк географик кашфиётлар ва моддий ресурслар кўпайиши билан вужудга келган) жамиятнинг янги, миллий моделларини таклиф эта бошлайди. Ушбу моделларни тинч йўл билан жорий этиш имконсиз бўлгани боис Европа инқилоб алангаси домида қолган. Инқилобий олов, миллатчилик тўлқинида Нидерландия, Британия, Франция ва АҚШда бирин-кетин Ғарб миллатлари шаклланиб, дунё миллатчилик даврига қадам қўйди.

### **Этнос ва миллат муносабати**

Миллат концепцияси Европада ёйилиши билан муқаррар этнос категориясига рўбарў келган. Миллат истилоҳининг ўзи аниқ таърифга эга бўлмай, турли давлатлар интеллигенцияси уни айрича тушуниб татбиқ этадилар. Бунинг оқибати ҳам ҳар хил бўлиб, айрим мамлакатларда миллат ва этнос тушунчалари уйғунлашади (Британия ва Германияда миллат этник белгиларга кўра шаклланган). Баъзи ўлкаларда эса миллат – этносни ҳам ўз ичига олувчи универсалия дея талқин қилинади. Дунёга миллий қараш ва уни этнос билан чоғиштириш шу даражага етадики, ҳатто янги манбаларда ўтмиш халқлари ҳам “миллатлар” деб юритила бошлайди. Жумладан, XVIII – XIX асрларда яшаб ижод қилган инглиз тилли шотланд адиби Вальтер Скотт “Айвенго” деган машҳур тарихий романида XII аср охиридаги Англияни тасвирлар экан, қаҳрамонлари мансуб бўлган сакс, норманн ва яҳудий халқларини “миллат” деб атаган.

Францияда сиёсий вазият бошқачароқ кечади. Германия бир-бирига яқин халқлар яшайдиган майда давлатлардан бунёд бўлган бўлса, Франция аллақачон ягона эса-да, лекин у ерда ўзини француз деб билмайдиган халқлар яшаган. Буюк француз инқилобининг тарихий аҳамияти шундаки, у бир мамлакатда яшаб, фарқли тилда сўзлашувчи элатлардан ягона миллат ясайди. Янги таълимотнинг мезонлари қон принципига асосланмаган хилма-хиллик, либерализм ва тенгҳуқуқлилик ҳисобланган. Француз миллатчилиги этник хусусиятга эга бўлмай, мамлакатдаги барча этносларни бирлаштириб, давлат, фуқаролик миллатини тузишга йўналтирилгач, ана шу қиёфада рўёбга чиқади. Француз намунаси бўйича дастлаб Европада, сўнг бутун дунёда замонавий миллатлар пайдо бўлган (Франциянинг кучли таъсири остидаги Италия биринчилардан бўлиб шу йўлни тақорлайди).

Миллатчиликнинг бу икки кўриниши узоқ вақт елкама-елка яшайди ва Европа давлатлари бошқа қитъаларни мустамлака қиларкан, у ерларга ҳам жамият қуришнинг оврупоча моделини олиб киради. Колониализм даврининг охиригача босқичига келиб Африка ва Осиёда ҳам миллий лойиҳалар муҳокама қилина бошлайди. Аммо бир неча йўналишда келиб чиққан зиддиятлар миллатчилик қарашларининг инқирозига олиб келди.

**Биринчидан**, техник ва моддий ресурси юқори бўлган Европа миллатлари қолоқ мустамлака халқларига паст назар билан қарайди; шу тариқа европаликлар онгида ирқий ва ақлий устунлик ҳақида янглиш тасаввур илдиз отгач, бу нацизм ва фашизм мафқураларига йўл очади.

**Иккинчидан**, ҳатто фуқаровий миллатчиликка асосланган француз миллий модели ҳам ирқчиликка нисбатан бетарафлик мақомини сақлай олмайди. Аслида Франция ирқий устунлик, орийлик қарашлари ватани

ҳисобланиб: орийлик назариясини яратган социолог Жозеф Гобино француз бўлган. Тўғри, ушбу қараш Францияда Италия, Германия ёки Британиядаги каби кенг тарқалмайди. Шунга қарамай, французлар ҳам мустамлака халқларни ўзига тенг кўрмаган.

**Учинчидан**, янги тузилган Германиянинг сиёсий даъволари Русия, Испания, Франция ва Британия билан ихтилофга сабаб бўлади. Буюк географик кашфиётлардан сўнг дунёни бўлиб олган эски салтанатлар эса янги қудрат соҳиби билан ҳисоблашиш, бойликларни бўлишишни истамайди.

Немис миллатчилиги ўзида аввал-бошдан шундай қасоскорлик ва кечиккан ҳукм-фармолик даъвосини жо этган. Кечикиб бирлашганидан афсус чеккан олмонлар Европадаги қўшниларида "қонуний" улушини тортиб олиш пайига тушади. Бу истак немис миллатчилигининг янада радикаллашуви ҳамда Биринчи жаҳон урушига замин ҳозирлаган. Урушда мағлубиятга учрагач эса, немис миллатчилигининг далил-дастаклари қаторига энди ютқиқиқ аламини олиш ҳам қўшилади. Шу тариқа ирқи олия ғояси чўққисига етиб, немис миллатчилиги тарихдаги энг қўрқинчли мафкура – нацизмга дўн-гач, Иккинчи жаҳон уруши ва Ҳолокост рўй беради.

### **Мультикультурализм: муваффақиятли муваффақиятсизлик**

Иккинчи жаҳон муҳорабасининг асосий қурбонига айланган Европа вайроналар ичида қолиб, ўн миллионлаб одам ҳалок бўлгач, бир замонлар дунёни бўлиб олган ҳокимиятлар энди ўзи ёрдамга муҳтож бўлиб қолади. Миллатчиликдан ҳўб азият чеккан Европа миллий ўзликнинг терс томонига боқаркан, бу ғоя улғайиб-кенгайиб, ирқий ўзгачалик инончига айланади. Евроиттифоқ ва "европалик" аталмиш ўзлик майдонга келиб, бу янги ғоя – мультикультурализмнинг бошланиши Европа яраларига малҳам бўл-

моги, одамларга умид бағишлаб, қитъани бирлаштирмоғи кўзда тутилган.

Шимолий ва Ғарбий Европа давлатлари умуминсоний қадриятларни тизимлаштириш ва тарғиб қилиш ҳаракатининг олдинги сафида боради. Урушдан сўнг кўҳна қитъанинг валинеъмати ва ҳимоячиси тўнини кийган АҚШда қора танли аҳоли ва ишчилар ҳуқуқини поймол қиладиган ёввойи капитализм гуллаб-яшнаётган чоқда Европада шиддатли эврилиш рўй беради. Мустамлака ўлкалар лангари кўтарилган кемалар каби уммон узра эркин сузишга қўйиб юборилган, СССР воқелигидан илҳомланган сўл ҳаракатлар қитъани ларзага келтираётган эди. Ўтмиш жиноятларидан уялиш ва собиқ қурбонлар олдидаги айбдорлик ҳисси кўҳна қитъани ўзгартириб юборади. Айни чоқда, марказдан ажралиб чиқиб, мустақил давлатга айлангач, анъанавий иқтисодий тизимдан айрилган собиқ мустамлакалар аҳолиси тирикчилик мақсадида собиқ метрополияларга оқиб кела бошлайди. Янги Европа муҳожирларни ўз бағрига олиб, улар билан биргаликда янги миллатларни шакллантиришга киришаркан, эндиликда француз, олмон, инглиз, швед – қон мансубияти эмас, фуқаролик экани борасида ижтимоий муросага эришилади.

Европа мамлакатларида миллатлар қайта ташкил топгач, бир замонлар уларнинг таркибига кирган баск, каталон, окситан, ирланд, шотланд, фриз, фриул каби кичик маҳаллий халқлар энди ўзлигини англаб, микромиллатчилик бош кўтаради. Бир томондан, анъанавий миллатлар, тиллар бўлиниб кетиб, галисияликлар ва валлонлар ўзларини французлардан ажратиб, алоҳида тил, тарих ва маданият мафкурасини ишлаб чиқиш, яъни символик капитал яратиш борасида бош қотира бошлайди. Бошқа томондан, Африка ва араб давлатларидан кўчиб келган аҳоли ягона француз қобиғига киради. Урушнинг айбдори ва қурбони

бўлган Европа ўз тарихи ва бугунини қайта кўриб чиқиб, миллатчилик борасидаги янглиш қарашлардан воз кечди ва янгисини ўзлаштирди. Ҳеч иккиланмай жаҳон урушидан кейин Европада янги миллатлар шаклланди, деса бўлади.

Янги миллий ўзликка мансуб гуруҳларнинг қадриятларини саралаб-сайқаллаб, барча учун умумий қадриятларни шакллантириш кўзда тутилган эди. Шу тариқа умуминсоний қадриятлар бўй кўрсатиб, умумевропа ўзлигининг пойдеворига айланиши кутила бошлади ҳамда ягона Европа ва умуминсоний қадриятлар геосиёсат кун тартибига келди.

Аввал-бошдан ягона Европа ғояси йўлида ғов бўлган ташқи омиллар сирасида жаҳоннинг кутбланиши, АҚШ ва СССР ўртасидаги совуқ урушни қайд этиш жоиз. Европа хоҳласа-хоҳламаса бу муҳорабада иштирок этишга мажбур, чунки қитъа шимол-СССР назорати остида, қолган қисми эса АҚШнинг молиявий ва ҳарбий ёрдамига суяниб қолган эди. Қолаверса, қитъани тебратётган сўл ҳаракатлар пўртанаси “қизил таҳдид”ни ёдга солиб турарди.

Бу орада жаҳон етакчилигига даъвогар у икки давлат бошқа мамлакатларда бир-бирига қарши олиб борган билвосита жанг – прокси урушларда катта йўқотишга учраб, ташқи сиёсатини қайта кўриб чиқишга мажбур бўлади. Масалан, Вьетнамга тажовуз йилларида Америка тинчликпарварлик ҳаракатлари гирдобиди қолиб, уруш ва қурбонлардан чарчаган аҳоли тинчлик талаб қилиб кўчаларга чиқади. Бу эса қора танлилар ҳуқуқи, ишчиларнинг адолатли иш ҳақи ва меҳнат соати учун курашига уланиб кетади. Афғонистонга босқин уюштирган СССР ҳам шундай муаммога дуч келади. Тўлақонли ҳарбий амалиёт олиб бориш учун қизил империянинг ўтмишдаги куч-қуввати йўқ, боз устига, иттифоқдош республикаларда эврилишлар эпкинни эсаётган эди. СССР

кўплаб империяларни қулатган шафқатсиз ҳақиқатга дуч келди: бир авлоднинг қоную жони эвазига барпо этилган давлат янги авлодга керак бўлмай, биргина шартнома билан тарқалиб кетди. АҚШ, СССР, кейинроқ Шарқий Европада рўй берган ўзгаришлар Европага мултикультурализм сиёсатини жорий этиш учун янги макон тақдим этган, лекин қитъада “ички бомба”нинг ҳаракатга келиши режаларни йўққа чиқарди.

Европада ягона ўзлик, яхлит сиёсий, иқтисодий ва маданий муҳит яратишга интилиш қанчалар кучли бўлмасин, асрлар мобайнида ҳар бир мамлакатда ўзига хос лисоний, маданий ва ижтимоий муҳит шаклланган, уни енгиб ўтиб, барчани “биринчи ўринда европаликман” деб ўйлашга мажбурлаш жуда қийин эди. Қолаверса, капиталистик Ғарбий Европа ва собиқ коммунистик Шарқий Европа ўртасидаги тафовут яққол сезилар, уни бартараф этишга жуда кўп вақт кетиши тайин эди. Бунинг устига, қитъанинг янги аҳолиси – Осиё ва Африка мансублари билан интеграциялашув, ягона миллатга уюшиш кутилганидан мушкулроқ вазифа бўлиб чиқди: муҳожирлар Европани янги уй деб тан олганига қарамай, тарихий ватанида ўзлаштирган тафаккур тизимидан воз кечишни истамади. Яна денг Европа ўлкалари аҳолиси турфа кайфиятда бўлиб, ҳамма ҳам янги ўйин қоидаларига – “бегона”лар билан миллатдош бўлишга рози эмасди. Мультикультурализм ҳаракати кенгроқ ёйилгани сари унга қаршилик ҳам кучайиб борди. Радикал миллатчилик ҳаракатлари фаоллашди. Неофашизм уйғонди. Айниқса, 2010-йиллардаги “Араб баҳори” ортидан Европага ёпирилган миллионлаб қочқинлар вазиятни кескинлаштириб юборгач, “собиқ мустамлакалардан тирикчилик илинжида келиб қолган яккам-дуқкам муҳожирларни интеграция қилишнинг бу қадар паст-баланди бор экан, сел каби оқиб келган миллионлаб мигрантлар билан уйғунлашув

деярли имконсиз” деган тўхтама келинди. Муҳофазакорлар, анъанадорларнинг овози кўтарилди. Асрлар давомида ўз ватанида, сўлим табиат ва фольклор оғушида умргузаронлик қилган, салб юришлари ва буюк географик кашфиётлардан фахрланган европаликлар сипо бағрикенгликдан ҳам; ҳатто зўравонликка ҳам “бу сенинг ҳуқуқинг, ҳурмат қиламан” дейишдан иборат бўлиб қолган либерализмдан ҳам; атрофидаги тушунарсиз маданиятга эга муҳожирлардан ҳам бешиб, “етар!” деди. Ортга қайтиш, “кўхна ва бадастир” Европани кўришни хоҳлаб қолди. Бу кайфиятдаги аҳоли ўнг радикаллар ва консерваторлар сафини тўлдирди. Айни чоқда, мультикультурализм ҳам қадриятлар тизимига айланган, либераллар маънавий дастакка эга эди. Ўртада баҳслар авжига чиқди.

Охириги йиллардаги умумий ҳолат консерваторлар кўли баланд келаётганини кўрсатаётгандек. Польша ва Венгрияда миллатчилик ва миграцияга қарши кайфият давлат сиёсати даражасига чиқаёзди, Франция ва Германияда ўнглалар залворли кучга айланди, АҚШда анъанадор аҳоли хавотирларини сайловолди дастурига жо этган Дональд Трамп Оқ уйни эгаллади, Буюк Британия эса Европа ўзлигидан воз кечишга қарор қилди. Шу боис айрим экспертлар Ғарб эски қадриятлар ва тор миллатчиликка юз бураётгани, ягона Европа ўзлигининг таназзули ва мультикультурализм сиёсатининг муваффақиятсизлиги ҳақида гапира бошлади. Лекин бошқа бир ёндашув ҳам бор. Унга кўра, ўнг ҳаракатнинг бош кўтариши, аслида, аждарнинг жон таслим қилиш олдидан чеккан охи, холос. Муҳаққақ интиҳосига яқинлашаётганини пайқаган консерватизм бир қалқди, аммо у ортиқ янгиликка қарши туролмайди, олдингидан-да аянчлироқ бир алфозда тубга қулайди. Негаки, дунёда космополитизм ҳукмронлиги ўрнатилади.

Шароф БОШБЕКОВ

# UMURTQASIZ ODAM

Ўзбекистонда кейинги 25-30 йил ичида рўй берган ижтимоий-сиёсий эврилишлар ҳақида сўз кетганда, менинг кўз олдимга Танзаниядаги Серенгети пасттекислиги келади. Бу текислик майдони ниҳоятда катта бўлиб, унга Кения давлатининг Масаи-Мара кўриқхонаси ҳам киради. Ушбу гўшада ҳар йили бир марта табиатнинг мисли кўрилмаган мўъжизаси рўй беради. Қурғоқчилик палласида миллионлаб жониворлар ёппасига сув қидириб йўлга чиқади. Акс ҳолда сувсизликдан ҳалок бўлиши мумкин... Бу ғаройиб ҳодиса фанда “буюк кўчиш” деб аталади.

Менинг Ватанимда ҳам Россия, Қозоғистон, Жанубий Корея ва Америка томонларга “буюк кўчиш” содир бўлди, ҳамон бўлаётир. Эҳтимол, одамларни ҳайвонлар билан қиёслаш ноўриндир, лекин муштарак бир

жиҳат бор: иккала ҳолатда ҳам жон сақлаб қолиш учун кураш кетяпти. Ялписига, оммавий кўчиш шу қадар кучайиб кетдики, баъзи қишлоқларда ҳатто тобут кўтаргани тўрт эркак топилмай қолди. Бақувватроқ аёллардан бири тўн устидан белбоғни маҳкам боғлаб, тўртинчи бўлиб тобут кўтарганини эшитганмиз. Нима бу? Иккинчи жаҳон уруши даврида шунақа бўлган: ҳамма юмуш аёллар, болалар ва қарияларга қолиб кетган. Аммо халқимиз учун ниҳоятда оғир бўлган ўша йилларда ҳам; қимматчилик, очарчилик, қаҳатчилик палласи ҳам юртимизда аёллар мардикорликка чиқмаган!

Бу гапларни нима учун айтяпман? Шунинг учунки, жамиятда ижтимоий-сиёсий аҳвол қандай бўлса, миллатнинг маънавий қиёфаси ҳам шунга мувофиқ бўлади. Зиғирча кам ҳам, кўп ҳам эмас.

\*\*\*

Ҳамма бало ўшанда бошланди. Бир кечада колхоз ва совхоз деган тузилмалар тарқатиб юборилди. Миллион-миллион колхозчилар эрталаб уйғониб қараса, ўша кундан эътиборан ҳеч ким эмас экан! Бир кечада! Колхоз-совхоз тизими молиявий, юридик, ижтимоий жиҳатдан тўлиқ шаклланган тузилма бўлиб, ҳарна, одамларнинг кунига яраб турган эди. Аллақайдан “фермер”, “офис”, “супермаркет”, “шеф”, “шоу” деган миллатга ёт тушунчалар пайдо бўлди. Бу сўзлар чириб бораётган капитализм дунёсига мансуб деб тушунтирилган эди-ку бизга! Колхоз “фермер хўжалиги”га айлантирилди, биринчи секретарь “ҳоким” деб ўзгартирилди. Хўш, бу билан нима ўзгарди? Ҳеч нима. Ўша “чириб бораётганлар”га кулги бўлганимиз қолди, холос.

Фермерлик нималигини орадан тахминан ўттиз йил ўтиб, энди-энди сал тушунгандек бўляпмиз. Аввал-бошда фермерлик – давлат ерларини пулдорларга сотиш бўлса керак, деб тахмин қилдик. Пули кўп ит ҳам, бит ҳам ер ола бошлади. Чайқовчи ҳокимлар далаларимизни ўнгу сўлга пуллайверди. Натижада порахўрлик, коррупция авжга чиқди, миллионлаб колхозчи ва совхоз ишчилари кўчада қолди. “Ер сотган – эр бўлмас” деган нақлни унутиб, ҳаёт тарзимиз бугунгидек ташвишли аҳволга келиб қолди. Кейин билдикки, фермерлик дегани бутунлай бошқа нарса экан. Ғарбга сажда қилувчиларнинг кўнгли учун, майли, колхоз-совхоз тизими билан бақамти фермер хўжаликлари ҳам ишлайверсин эди. Халқнинг ўзи маъқулини танлаб оларди, ахир. Ўшанда “буюк кўчиш”лар содир бўлмасмиди денг... Ҳайронман, биринчи президентимиз ўзи иқтисодчи бўлатуриб нега бундай йўл тутди экан? Кейин хатосини англаб қолиб, “Янгисини қурмай туриб эскисини бузмаслик

керак” деган шиорни ўртага ташлади. Аммо энди кеч, поезд аллақачон кетиб бўлган эди.

Бу ижтимоий тўс-тўполонда, айниқса, аёлларимизга қийин бўлди. “Темир хотин”-даги Қумрининг аҳволи ҳолва бўлиб қолди. Илгари ўзбек аёли деганда кўз олдимишга кетмон кўтарган заифа образи келарди, энди эса ўзидан ҳам катта хўжалик сумкасини кўтарган аёл қиёфаси гавдаланади. Ҳозир айрим одамлар ўғил кўрса севинмайди деган бўлиб қолди, худодан қиз сўрайди. Чунки қиз топармон-тутармон бўлади, оиласини (эрини ҳам қўшиб) боқади. “Боқувчисини йўқотган” деб отаси ўлган фарзандларга эмас, онаси ўлганларга айтиладиган замон келди гўё. Ҳозир ўғилни уйлантирмайдилар, бойваччароқ бир қизга “илиб қўйиш” пайида бўладилар. Ўғил бола бирон ишнинг бошини тутиб, ҳечқурса, ўз қорнини тўйғазса ҳам катта гап бўлиб қолди. Бизнинг замонда бошқача эди, отамиз уйлантириб қўярди – тамом, кейин ўз аравамизни ўзимиз тортар эдик.

Маълумотларга кўра, миллион-миллион ҳамюртларимиз тирикчилик важдан хорижга чиқиб кетган. Уларнинг ҳар бирида икки-уч фарзанд бор. Бу ёғи оддий арифметика. Неча миллион бола отасини кўрмай боши эгик, тили қисик, журъатсиз бўлиб ўсяпти?! Бу ёшлардан нима кутамиз? На ўқишининг тайини бор, на тарбиясининг!

Бир вақтлар АҚШ армиясига чақирилган йигитларнинг айримлари аёлсифат қилиқлари, хотинчалиш гап-сўзи билан қабул комиссиясини лол қолдирган экан. Дарҳол



бунинг сабабини қидиришга киришилибди. Ҳарбийларга гап йўқ – дарров топишибди. Оилада болани она тарбиялайди, унга қарайдиган энага – аёл, боғчада аёл тарбиячи, мактабда аёл ўқитувчи, олий ўқув юртида ҳам шу аҳвол. Ахир, бола умрида отасидан бошқа эркак зотини кўрмаган бўлса, унда қатъият, мардлик, жасорат каби хислатлар қандай шакллансин?! АҚШ ҳарбийларининг талабига биноан мактаб, ҳатто боғчаларга эркаклар жалб қилина бошлади. Уларга икки-уч баробар кўп маош белгиланди. Шўро мафкурачиларига худо бериб қолди-ку: “Ана, капиталистик мамлакатларда хотин-қизлар меҳнати камситилмоқда!” Улар парво қилишмади. Кино ва театрларда ҳақиқий эркак образлари пайдо бўлди. Арнольд Шварценеггер, Ван Дамм, Чак Норрис, Сильвестр Сталлоне, Стивен Сигал ва бошқаларнинг жангари қахрамонлари ҳарбийлар буюртмасига биноан дунёга келган.

\* \* \*

Мард, жасур, адолатли одам бировни, ҳатто у энг катта раҳбар бўлса ҳам, мактаб кун кўришни, бола-чақа боқишни ўзи учун ор деб билади. Афсуски, ёшларимизнинг мақта-мақтага мойил “умуртқасиз” тоифаси пайдо бўлдики, кўриб лол қоласиз. Ёшларнинг “умуртқасини тўғрилаш” учун биз ҳам АҚШ ҳарбийлари тутган йўлни танласак ёмон бўлмасди, деб ўйлайман.

Биз адабиёт ва санъатда замон қахрамонини яратамиз деб чираниб ётибмиз. Лекин сира ўхшамаяпти кўрмағур. Ўхшамайди ҳам. Чунки биз мўлжални нотўғри оляпмиз – асарларимиз биносини мақташ ва мақтаниш негизига қуряпмиз. Ваҳоланки, замонавий қаҳрамон деганда ўқувчини (томошабинни) ижтимоий фаолликка ундайдиган образлар тушунилиши керак.

Тунов куни телевизор кўриб ўтирсам, бир шоир бола катталарни мақтаб шеър ўқиди. Ҳали мактаббола бўлган бу йигитчага мақтовбозлик нимага керак бўлиб қолди экан? Ахир, ҳатто Президентнинг ўзи “Ким мени мақтаса – душманам!” деб турибди-ку. Аммо шунда ҳам мақтайверамиз! Жағимиз тушиб қолгунча мақтаймиз! “Бугун сарбонимизни мақтаб шеър ёзолмадим” деб ухлолмай чиққан шоирларимиз қанча! Тўғри, қийин, хийла мушкул. Лекин чидаш керак. Бунинг учун одамда матонат бўлмоғи лозим. Тишингизни тишингизга қўйиб сабр қилинг, шоир иним, бир ухлаб турсангиз кўрмагандай бўлкетасиз!

Мақтайвериб-мақтайвериб, қай аҳволга келдик? Кейин нолиб юрамиз: “Фалончи зулмкор бўлиб кетди, ижод эркинлигини бўғиб қўйди!” Ўзимиз шундай қилиб қўйдик-ку, мақтайвериб ҳоли-жонига қўймадик-ку! Наҳотки, ҳали-бери кўзимиз очилмаса?

Ўтган йил охирида режиссёр Олимжон Салимов Ўзбек давлат драма театрида менинг “Ер барибир айланаверади” деган пьесамни сахналаштирди. Асар нима ҳақида? Ўзбек амалдорлари учта масалада обрўси бир пул бўлиб, ишдан олинади. Биринчиси ҳаммага маълум иллат – порахўрлик. Иккинчиси – аёллар масаласи (чиройли-чиройли котиба қизлар). Учинчиси – фарзандлар туфайли. Маълумки, катта амалдорнинг боласига ҳеч ким эътироз қилолмайди. Ўғли ёки қизи босар-тусарини билмай юраверади, чунки унинг мушугини “пишт” дейдиган мард анқога шафе.

Мен мазкур асарни ёзиш асносида тўртинчи сабабни ҳам кашф этдим. Бу – мақтов балоси экан. Мақтов радиациядай гап: ҳиди йўқ, таъми йўқ, ранги йўқ, ҳужайра ва тўқималарга сингиб бориб, одамни шахс сифатида ич-ичидан емиради, хароб қилади. Мақталаётган киши ташқаридан одамга

ўхшайди, холос, аслида, ичи чириб-ириб кетган бўлади. Энг даҳшатлиси – буни ўзи сезмайди.

Наманган вилоятида “Темир хотин” фильмини суратга олиб юрибмиз. Халқ артисти Наби Раҳимов келадиган бўлиб қолди. Кичкинагина роли бор эди. Наби аканинг ташрифидан хабар топган вилоят, туман раҳбарлари типирчилаб қолишди-ку! Ҳали у ёққа учрашувга олиб кетиб қолишади, ҳали бу ёққа зиёфатга. Режиссёримиз жиғибийрон. Шундай учрашувлардан навбатдагиси туман туғруқхонасида бўлди. Тумонат одам йиғилган. Туғруқхона бош врач, кўҳликкина аёл учрашувни очиб берди:

– Ўртоқлар! Бизнинг туғруқхонамизда ҳамма шароитлар муҳайё: чет элдан замонавий жиҳозлар, асбоб-ускуналар олиб келиб ўрнатдик. Ўтган йили 85 нафар чақалоқ дунёга келган бўлса, бу йил ҳоким бувамининг шарофатлари билан 120 нафар чақалоқ туғилди!

Гап келганда отасини ҳам аямайдиган Наби ака луқма ташлади:

– Бу гапдан чақалоқларнинг оталари хабардорми?..

Гурра кулги кўтарилди. Бош шифокор қизариб, раҳбарларнинг ранги бўзарди...

\*\*\*

Қишлоғимизда Кўли бова деган чол бўларди. Шу депарада биринчи бўлиб шапка кийганлардан. Партия аъзосими-йўқми – менга қоронғи, лекин ўзбек бўлса ҳам миллати коммунист эди. Ниҳоятда гапга чечан, зўр нотик, тўй-маъракаларда доим ўртада – гапини ҳеч кимга бермайдиган одам эди. Шаҳардаги қанақадир техникумни битириб келган. Отамнинг саккиз синф маълумоти билан мактабга директорлик қилганига қараганда, техникумни битирган мутахассис бизнинг қишлоқ ўлчовида академик дара-

жасидаги одам ҳисобланган бўлса керак. Урушдан кейинги йиллар кадрлар масаласи энг долзарб муаммо эди-да.

Қиш. Дала-даштни, бел баробар десам лофдир, тизза бўйи қор қоплаган. Кўли бова тўйдан қайтпти. Зиёфат қуюқ бўлган кўринадиди – кайф жойида. Бир пайт заҳар танг қилиб, “ёзилмоқчи” бўлади. У ёқ-бу ёққа қарайди: ҳеч зоғ йўқ. Оппоқ қорга сап-сариқ бўлиб тушаётган “ёзув” бова гандираклар тургани учун “П”га ўхшаб кетади. Коммунистлик қонда бор эмасми, дарров “П”ни “ПАРТИЯ”га айлантириб юборади... Буни узоқдан бир чўпон кузатиб турган экан. Яқин келиб қараса, ҳалиги аҳвол. Зудлик билан сельсоветга югуради. Сельсовет раиси иккита мелиса билан етиб келиб кўрсаки, партия “хор бўлиб” ётибди! Бундай “бедодлик”ка чидай олмаган раис Кўли бовани ухлаб ётган жойидан тўппа-тўғри Колимага, сургунга жўнатиб юборади.

Йўқ, мен замоннинг телбавор эканига ҳайрон бўлмаман, мени бошқа нарса ажаблантиради. Ҳалиги чўпоннинг психологиясини қаранг. Қордаги ёзувни таёғи билан ўчириб ташласа бўларди-ку. Ҳарқалай, бир қишлоқнинг одами – эртага кўз кўзга тушади. Хўш, бу билан нимага эришди у? Ордон олдимми? Ё лавозими кўтарилдимми? Кейин англаб етдимки, бу ҳам мақтовнинг бир кўриниши экан.

Кўли бова сургунда кўп бўлмади, Сталиннинг вафотидан сўнг оқланиб келди. Биз, ёшлар у кишидан қамалишининг сабабини сўраганимизда, мийиғида кулимсираганча “ПАРТИЯ”нинг ўрнига “СТАЛИН” деб ёзсам бўлар экан” дер эди. Эҳ, соддагина бовам-а... Кўли бова мен иккинчи курсда ўқиётганимда вафот қилди. Бола-чақаю неварачеваранинг олдида, ҳамма билан рози-ризолик қилиб, иззат-икромда. Жанозада тумонат одам йиғилди. Вилоятдан, туман-

дан, ҳатто Тошкентдан юзлаб шоғирдлари ҳозир бўлишди. Бизнинг қишлоқ қишлоқ бўлганидан буён бунақа кўп енгил машина кўрмаган бўлса керак...

Отамнинг айтишича, “сиёсий хушёр” чўпон қишлоқда бош кўтаролмайдиган бўлиб қолибди. Ҳамма “Кўли бованинг қамалишига шу айбдор!” дея бармоғи билан кўрсатадиган бўлибди. Қисмати ҳам ниҳоятда аянчли яқун топган экан – бўри еб кетибди. Қариндош-уруғ қолган-қутган суяқларини йиғиштириб, ими-жимиди кўмиб келган экан... Ўшандан бери бировнинг шаънига ҳамду сано ўқиётган одамни кўрсам, “Эҳтиёт бўл, бўри еб кетмасин!” деб қўяман.

Яна “Ер барибир айланаверади” спектаклига қайтамыз. Мансабнинг мазасини ҳам, азасини ҳам татиб кўрган собиқ амалдор бундай дейди: “Нега менга ҳеч ким “йўқ” демайди? Гапимни инкор қилиб, қарши чиқса нима бўлади? Осмон узилиб ерга тушадими, ё Ер айланишдан тўхтаб қоладими? Ахир, ҳеч нима бўлмайди-ку! Вой, худойим-эй, ижод аҳлининг аҳволи бу, илм зиёлиларининг аҳволи у – бошингни қайси тошга

уришни билмайсан! Мақтов ва лаганбардорлик чидаб бўлмас даражага етди! Қурвақани боссанг “вақ” дейди, буларни боссанг “хўп” дейди! Э, одамнинг ҳар нима бўлгани яхши!..”

Ҳа, лаганбардорлик – мақтовнинг давоми. Биздан битта нарса талаб қилинади – у ҳам бўлса фарзандларимизни юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг яхшисидан қувониб, ёмонидан уялиб яшашга; энг муҳими, мақташга эмас, фахрланишга ўргатмоғимиз лозим.

Гоҳида ақсар миллатдошларим томирида ҳалиги чўпоннинг бир томчи қони қўшилиб оқмаяптимики, деб ўйлаб қоламан. Ақс ҳолда Чўлпон, Усмон Носир, Қодирийлар жувонмарг бўлиб кетмасми эди?! Телевизорда шеър ўқиётган ҳалиги шоир боланинг, туғруқхона бош врачлари – дўхтир опамизнинг, отасиз ва журъатсиз бўлиб ўсаётган болаларимизнинг қони тозамикан деган хаёллар ўртади... Доим ҳам шундай бўлиб қолмас, деб ўзимни юпатаман. Бир кун келиб “бўри еб кетмайдиган”лар авлоди етишиб чиқишига жуда-жуда ишонгим келади...



## АЛИЖОН САФАРОВ



## JOUSULIK QUTQUSI

Ўзбекистон миллий кутубхонасининг нодир нашрлар ва қўлланмалар бўлимида сақланаётган бир ахборотнома мени жуда қизиқтириб қўйди. У Туркистон ҳарбий округи штаби ҳузуридаги шарқ тиллари бўйича Тошкент офицерлар мактаби томонидан 1911 йили чоп этилган экан (*“Вестник Ташкентской офицерской школы восточных языков при штабе Туркестанского военного округа”*). Рост-да, мустамлака ўлкада офицерларга шарқ тилларини ўргатиш чор Русиясига нега керак бўлган экан? Ахборотномани варақлай бошладим...

1897 йил 1 октябрда дастлаб Тошкентда, 16 декабрда эса Ашхободда зобитлар учун шарқ тиллари бўйича курс ташкил этилади. Кейинроқ улар бирлаштирилиб, Тошкент офицерлар мактабига айлантирилади ва унга полковник Иван Ягелло раҳбар этиб тайинланади. Ўн бир йилдан сўнг эса юқо-

рида эслатилган ахборотнома чоп этила бошлайди. Мазкур нашрдан кўзда тутилган мақсад илк сонда шундай белгилаб қўйилган: “Округ қўшинлари орасида маълумот тарқатиш; мактаб ҳаётини ёритиш; Шарқ тилларини ўргатишга масъул шахсларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш; шарқшуносларнинг илмий ишлари ва алоҳида мақолаларини чоп этишга кўмаклашиш”. Мақсад гўё ойдинлашгандек бўлди. Агар ўша эскартмага таянилса, “мустамлакачилар бизнинг юртларга маърифат олиб кириш, илм-фанни ривожлантиришга ҳаракат қилган экан-да” деб ўйлаш мумкин. Лекин мозий ўз сирларини бирин-сирин очаётган бизнинг кунларда бу ёндашув одамни унча ишонтирмайди. Шу боисдан бошқа манбаларни ҳам ўрганишга тўғри келди.

Мана, тадқиқотчи Татьяна Загородникова бу хусусда нималарни ёзган: “Янги ерларнинг

Туркистон генерал-губернаторлигига қўшиб олиниши муносабати билан Русия империяси чегаралари Англия қўл остидаги Ҳиндистон сарҳадларига тобора яқинлашиб қолди. Эҳтимолий душман разведкаси эса ҳарбий идорани Шимолий Ҳиндистон тилларини ўрганишга мажбур қилмоқда" (*"Военно-исторический журнал"*, 2002, № 7). Мақолада XIX асрнинг 90-йиллари ўрталарида ҳарбийларга урду ва ҳинд тилларининг ўргатилишига Тошкент, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда савдо-сотик қиладиган ҳиндлар билан мулоқот қилиш эҳтиёжи ҳам сабаб бўлгани айтилган.

Ҳўш, шарқ тиллари разведка мақсадида, империя таъсир доираси ва ҳудудларини кенгайтириш, яъни чор Русиясининг геосиёсий манфаатлари учун ўргатилганми ёхуд савдо-сотик ривожини учунми? Т.Загородникова мақоласида яна ўқиймиз: "1895 йил 21 июнда Ҳарбий-ўқув қўмити бошлиғи, генерал Н.Н.Обручев Ташқи ишлар вазири, князь А.Б.Лобанов-Ростовскийга хат йўллаб, Ҳиндистон тилларини ўрганиш заруратини баён этади ва Туркистон ҳарбий округи ҳамда Закаспий вилоятида офицерларга ҳинд тилини ўқитиш бўйича император зоти олийлари кўрсатма беришлари айтилиши вожиб бўлишини билдиради" (*ўша манба*).

Мазкур мактубдан сўнг Туркистон ҳарбий округида шарқ тилларига ихтисослашган офицерлар тайёрлаш курсига асос солинади. Демак, генерал йўллаган мактубдан кейин князь Алексей Лобанов-Ростовский бу масала бўйича императорга мурожаат қилган. Хатнинг тўлиқ мазмуни бизга маълум эмас. Аммо аёнки, тил ўргатиш фақат таржимонлар тайёрлаш учунгина зарур бўлганда, муаммо императорга олиб чиқилмас эди. Нуфузли лавозимдаги генерал Туркистон ҳарбий округи ва Закаспий вилоятида ҳиндчани ўрганишга император кўрсатма бериши зарурлигини Ташқи ишлар вазирига билдириятими, демак, масала жиддий.

Бунинг замирида катта ҳарбий мақсад-муд-дао, яъни стратегик муҳим масала яширинган. Ҳўш, унда мақсад мустамлака ҳудудини кенгайтиришми ёки Ҳиндистонни таъсир доирасига олиш? Бу савол бизни икки империя – чор Русияси билан Буюк Британия ўртасидаги геосиёсий рақобат, катта ўйин тарихи сари етаклади.

### **Россия – Англия: катта ўйин**

Россия ва Англия ўртасида Ўрта Осиёга эга чиқиш учун XIX асрнинг биринчи ўн йиллигидан то XX асрнинг бошларига қадар кечган геосиёсий кураш "катта ўйин" деб аталади. Бу атамани илк бор Британиянинг Ост-Ҳинд компанияси ходими, офицер Артур Конолли қўллаган; атаманинг "Ким" романида (Редьярд Киплинг, 1901) ишлатилгани эса унинг оммалашиб кетишига сабаб бўлган.

Инглизлар Шимолий Америка колониясида йўқотганларини Осиё ва Африкани забт этиш билан қопламоқчи бўлган, руслар эса Пётр I давридан бери европаликлар қадами тегмаган ҳудуд – Каспий денгизи соҳиллари бўйлаб жануб ва шарқ сари юриш бошлаган.

Иқтисодий омил инглизларнинг "катта ўйин"га киришига арзирли сабаб бўлган. Англия Осиё, хусусан, Хитой ва Ҳиндистон билан савдо-сотикдан катта фойда олгач, АҚШ, Европа ва Русия ўртасида экспорт-импорт алмашинувидаги тақчилликни қоплайди.

Русия тадбиркорлари эса Европа бозорида Ҳиндистон ва Хитойга рақобатни бой беради. Осиё мамлакатларига рус экспортининг 80 фоизини шакар, ун, керосин, металл идиш ташкил этган. Рус савдогарлари инглизларни ноҳалол рақобатда айблаб, дипломатия ҳамда армия кучи билан бозордаги мавқени мустаҳкамлашда оқпошшодан ёрдам сўрайди. Ҳатто ҳарбийлар ва фуқаролар томонидан Хива, Самарқанд, Бухорога инглиз-ҳинд товарларининг кириб келишига йўл қўймаслик масаласида мурожаатлар йўлланган,

хукуматдан протекционистик – миллий иқтисодиётни хориж рақобатидан ҳимоя қилишга қаратилган сиёсатни кучайтириш сўралган. Шу тариқа тарозининг иккинчи палласига савдо-сотиқ масаласи чиқади.

Англия эса саноат инқилоби ва жаҳон бозорида етакчиликка эришиш учун куч, маблағ тикаётган эди. Биринчи империя – Шимолий Америка колонияси даврида босиб олинган ҳудудлардан хомашё ва бойликлар талаб олиб кетилган бўлса, иккинчи империя – Осиё ва Африкани забт этиш даврида завод-фабрикалар учун бозор ва хомашё зарур бўлган. Ҳатто ўша даврда инглизларда “Commerce, Christianity and Civilization!” (“Савдо, христианлик ва цивилизация!”) деган шиор урфга айланади. Умуман, ҳар икки империянинг ҳам иштаҳаси қарнай бўлган. Буни “катта ўйин” давомида рўй берган қонли тўқнашувлару сиёсий мужодалалар ҳам тасдиқлайди.

“Катта ўйин”нинг якуний босқичи жосуслик қутқуси ва разведкага боғланган бўлиб, Эрон учун кураш жиддий тус олади. Руслар Афғонистон билан муносабатни яхшилашга, британияликлар эса бунга халал беришга уринган. Чор Русиясининг шарқшунос ҳарбийлари айна ўша долғали даврда минтақани чуқур ўрганишга бел боғлагани бежиз эмас. Улардан бири – ўша кезлар подполковник, кейинчалик эса генерал-лейтенант Андрей Снесарев хизматни 1898 йили Туркистон ҳарбий округида бошлаб, Туркистон, Афғонистон, Ҳиндистон, Помир, Ҳиндикуш, Еттисойнинг ҳарбий-жуғрофий чизмаларини тайёрлайди. Кейинчалик Афғонистон, Бухоро, Кошғар, Помир, Эрон ҳамда Шимолий Ҳиндистон чуқур тадқиқ этилган талай мақола ва китоблар чоп этгани эса шарқшунос ҳарбийлар разведка учун нечоғли жалб этилганига ёрқин исбот бўлади.

1884 йили ҳинд-британ армияси разведка бошлиғи Чарльз Макгрегор “Ҳиндис-

тон мудофааси” номли махфий китобида “Русия Кавказ ва Туркистондан суриб чиқарилмас экан, рус-ҳинд муаммоси борасида узил-кесил ечим топилмайди” деб ёзади. “Катта ўйин” моҳияти шу



жумлада ҳам равшан акс этган. Аммо моҳият ҳақида сўз кетганда, яна бир муҳим манаба – “Мени дўстларимдан қутқаринг” карикатурасини ҳам унутмаслик керак. Инглиз сиёсий карикатурачиси сэр Жон Тенниел Лондонда чиқадиган “Панч” журналининг 1878 йил 30 ноябрь сонидан мазкур суратни эълон қилади. Унда Афғонистон амири Шерали айиқ (Русия) ва шер (Британия империяси) куршовида, иложсиз аҳволда тасвирланган. Сираси, нозик ишора ила мустабидларнинг мақсад-муддаоси ифодаланган.

Инглизларнинг Русиядаги элчиси лорд Лофтус, шунингдек, чор Русияси амалдори Александр Гарчаков ғараз ниятни ҳаспўшлаб, “катта ўйин” минтақа тамаддуни, саноати, савдо-сотиғи ривожига хизмат кўрсатганини иддао қилса-да, асл моҳиятни бутунлай пардалай олмайди. Мақсад – минтақада гегемонлик; босиб олинган ҳудудлар ҳисобига империяни янада кучли-қудратли қилиш! Бошқа иддаолар масала моҳиятидан чалғитади, холос.

Бугун ҳам геосиёсий майдонда худди шундай “катта” ва “кичик” ўйинлар давом этаётир. Шакл ўзгаргандек, моҳият эса ўша-ўша. Дунё империяпарастлари ҳамон ўзга халқлар қадриятларига тажовуз қилиш билан банд...

Туркистон ҳарбий округи ҳузурида офицерларга шэрқ тилларини ўргатишга ихти-

сослашган мактаб ташкил этиш масаласи “катта ўйин”нинг якуний босқичи – ўзаро жосуслик ва разведка қутқуси авж олган даврда кун тартибига чиққан.

1909 йили офицерларни шарқ тилларини ўргатиш курсига қабул қилишда уларнинг билим даражасини аниқлаш учун “Туркистон орқали Афғонистон ва Ҳиндистонга темир-йўл ўтказилишининг ҳарбий-сиёсий моҳияти”, “Ўрта Осиё ва Тошкент темирйўлининг ҳарбий ва иқтисодий муносабатлардаги аҳамияти”, “Туркия, Миср, Афғонистон, Эрон ва Ҳиндистон мусулмонлари сиёсий бирлашувининг имкони борми?”, “Татарларнинг Ўрта Осиёдаги рус мусулмон маърифатчилари сифатидаги ўрни”, “Эрон (ёки Афғонистон) сарҳадларининг ҳимояланганлик даражаси”, “Туркистоннинг қўшни мамлакатлар билан чегараси”, “Русия ва Англия учун Афғонистоннинг бугунги аҳамияти”, “Афғонистоннинг Ҳиндистон билан боғловчи йўллари” каби мавзулар берилган. Шарқшунос офицер ўқишга қабул қилинишда шу саволларга ечим топиши керак бўлса, таҳсил давомида яна қандай масалалардан сабоқ берилгани ўз-ўзидан аён.

### **Полковник Ягелло ким эди?**

Иван Ягелло 1865 йил 21 июнда Юрьев шаҳрида ҳарбий дворян оиласида туғилган. Псков кадет корпусини тугатгач, 1884 йили 2-Константин ҳарбий билим юртига ўқишга киради ва таҳсилни биринчи разряд билан битиради. 1892 йили Петербургда, Ташқи ишлар вазирлиги Осиё департаменти ўқув бўлими ҳузуридаги Шарқ тиллари бўйича офицерлар курсига сафарга йўллангунига қадар артиллерияда хизмат қилади. Икки йиллик курс ва Археология институтини битиргач, 1895 йили Туркистон ҳарбий округи қўмондони ихтиёрига юборилади. Тошкентга келгач, форсчани биладиган бу мутахассис Францияга урду тилини ўрганишга жўнати-

лади. Икки йил давомида у ерда шарқ тиллари мактабида таҳсил олади. Хуллас, ана шу полковник Ягелло 1898 йил 16 июнда ҳарбийларга урду тилини қўшимча ўргатиш учун амалиётчи топиш муаммоси бўйича юқори қўмондонликка билдирги беради. Натижада Тошкентдаги курсга кашмирлик Мустафо Кабир Шоҳ жалб этилади.

Манбаларга кўра, Мустафо 3 ой фаолият юритган. Бундан ташқари, Россиянинг Бомбейдаги бош консули Василий фон Клемга ҳам урду тили бўйича амалиётчи топиш масаласида мурожаат қилинади. Консул тавсияси билан Халилиддин Аҳмад Тошкентга келади. У урду, форс ва инглиз тилларини мукамал билган. 1907 йили шартнома муддати тугагач, жосусликда гумон қилинган Халилиддин билан хайрлашилади.

Демак, чор Русияси Туркистон ҳарбий округида хизмат қилаётган офицерларга шарқ тилларини ўргатиш учун жиддий чоралар кўриб, бунга катта маблағ сарфлаган. Мактаб фаолияти вақти-вақти билан тафтиш ҳам қилинган. Масалан, форс тили бўйича мутахассис генерал-майор К.Блюмернинг “Разведчик” журналида (Москва, 1910 йил 30 март) чиққан “Шарқшунос офицерлар” мақоласида И.Ягелло фаолияти танқид остига олинади. И.Ягелло бунга жавобан “Туркестанские ведомости” газетасининг 92-сониди (1910 йил 27 апрель) ҳамда “Разведчик” журналининг 1019-сониди мақолалар чоп этиб, вазиятга изоҳ беради. Разведкачилар учун мўлжалланган нашрда бу муаммо юзасидан мунозара бўлгани ҳам Тошкентдаги мактаб армия учун ҳарбий жосуслар тайёрлаш ва бошқа стратегик мақсадлар учун хизмат қилганини исботлайди.

И.Ягелло хусусида филология фанлари номзоди Сайёра Ҳалимова бундай ёзади: “Шуниси диққатга сазоворки, ҳарбий губернатор ҳали газета чиқарилмасиданоқ уни назорат қилиш режасини тузишга киришган.

Ҳарбий губернатор ўз ихтиёрида бу режани рўёбга чиқара оладиган мутахассис тафтишчининг йўқлигини билдириб, газетани кузатиб бориш ва уни цензурадан ўтказиш ишига маҳаллий халқ тилини дуруст биладиган шарқшунос мутахассисларни жалб қилиш имконияти бор-йўқлигини хабарлашни Туркистон генерал-губернаторидан илтимос қилган ва унга газетани “ғалвир”дан ўтказишни кимга топшириш мумкинлигига доир ўз мулоҳазасини билдирган. Сирдарё ҳарбий губернатори мазкур ишни ҳақиқий статс-советник Н.П.Остроумов, полковник Ягелло ёхуд надворний советник Семёновга топширишни тавсия этган” (*Ҳалимова С. “Садои Туркистон” газетасининг тарихи: тил, услуб ва жанр хусусиятлари. Филол.ф.н. ... дисс. Тошкент, 2007. 32-бет*).

Сирдарё ҳарбий губернатори маҳаллий халқ тилида газета чиқариш, уни назорат қилиш учун мутахассис сифатида Ягеллони бежиз кўрсатмаган. Демак, полковник нафақат форс ва урду, балки ўзбек тилини ҳам билган; матбуот бўйича кўникмаларга эга бўлган. И.Ягелло ҳарбиймиди ё ўқитувчи, разведкачимиди ё жосус – бу энди алоҳида тадқиқот мавзуси.

### **Қилич, икки бошли бургут ва шер**

Туркистон ҳарбий округи штаби ҳузуридаги шарқ тиллари бўйича Тошкент офицерлар мактабининг ахборотномасига қайтсак. Унга полковник И.Ягелло масъул муҳаррир, В.Лосев котиб этиб тайинланган.

Кутубхонадан бу нашрнинг 1-сонигина топилди. Унда округ кўмондонининг соҳага алоқадор буйруқлари, рўйхат, жадвал, шарқ тиллари бўйича зарур маълумотлар, таржимон ҳуқуқлари ва бошқа маъмурий, услубий ҳужжатлар, йўриқлар чоп этилган. Муқовада турли жонзотлар – ўткир панжалари билан қилич ушлаб турган икки бошли бургут,

унинг пастиди илон, дарбон бошқариб бораётган фил, панжасида қилич ушлаб турган шер тасвирланган. Бизнингча, бургут – чор Русияси, фил – Ҳиндистон, шер – Англия, илон – Хитой ёки икки империянинг қарам-қаршилиги рамзи. Алҳосил, “Катта ўйин” сиёсати ҳатто ахборотномада ҳам акс этган.

Таҳририят имзоси билан ёзилган муқаддимада Туркистонда шарқ тилларини ўргатиш, мазкур нашрга эҳтиёж ҳақида сўз борди. Хусусан, шарқ тиллари курси кейинчалик тайёрлов мактабига айлантирилгани, унда 13 йил давомида 66 нафар офицер таҳсил олгани; дастлаб урду тили, кейинчалик форс, сарт (яъни ўзбек), инглиз тили ҳамда мусулмон ҳуқуқи, разведка ва тарихдан махсус курслар, Ўрта Осиё ҳарбий статистикаси ўқитилгани ҳақида маълумот берилган.

Хўш, бундай фанлар ҳарбий хизматчиларнинг дунёқарашини янада кенгайтириш, сиёсий саводхонлигини ошириш учунгина киритилганми? Нега шарқ тиллари мактабида айнан разведка ва тарих, мусулмон ҳуқуқи ёки аждодларимизнинг ҳарбий салоҳияти ўргатилган? Т.Загородникова бу хусусда шундай деб ёзади: “Мактабга 10 офицер қабул қилиниб, улар низомга мувофиқ гуруҳларга тақсимланган. Тил ўргатишдан ташқари, мусулмон қонунчилиги борасида маъруза ўқилиб, разведкадан қисқа курс ўтилган. Ўқув йили охирида талабалар рўйхатида 6 офицер қолган. Улар хориж сафари олдидан округ чеккасига юборилган”. Шунинг ўзи ҳам, Туркистон ҳарбий округи штаби ҳузуридаги шарқ тиллари курси разведкачи, жосуслар тайёрлаган, деган хулосага асос беради.

Демак, Буюк Британия ва Русия империясининг минтақада ҳукмронлик ўрнатишга қаратилган ўзаро геосиёсий кураши – “катта ўйин”да Туркистон ҳарбий округи ҳузуридаги Тошкент шарқ тилларини ўргатиш мактаби муҳим ҳалқа бўлган.

Муртаво ҚАРШИБОЙ



## Ўуу-уорклик һоғиз

### Ҳикоя

Ҳовли кундуз кунлари, айниқса, пешинга қадар деярли жимжит бўлади. Хонадон соҳиблари бири – ишга, бошқаси – уй-рўзғор ташвиши ёки недир бир юмуш билан шаҳарга, ижарагир талабалар эса ўқишга кетади. Фақат буюртма бўлган кунлари ёхуд бани Исроил қавмининг байрамлари арафасида Рафаэль – Рафка бобо кампири Сара момо ва синглиси Илона билан бирга анъанавий маца – нон ёпишга киришади.

Ҳовли каттагина, яшил дарвозадан киришингиз билан гирдига пишиқ ғишт жуфтлаб терилган саҳнга дуч келасиз. Сўл тарафда ярим доира шаклидаги зиналардан чиқиладиган, офтобга беткай қилиб қурилган баланд иморат. Тўғрига юрилса, ғариброқ бир хужра, унинг ёнида ҳожатхона. Сув олинадиган, юз-қўл чайиладиган тортмабулоқ – водопровод ҳам шу ерда. Саҳндан бир неча одим пастлаб, ғиштин йўлақдан борилса, рўпарада яна бир хужра пайдо бўлади. Аввал иморатдан ортган эски тахталардан омонатгина қилиб қурилган ва қўнғир тусли эшигидан зах уфу-

риб тургувчи нимқоронғи даҳлизга, ундан сўнг ойнаванд эшик орқали деразаси ҳовлига қараган тор кулбага кирилади. Мудом талабалар яшагани учун бу ер ижарахона номини олган. Дарвоза олдидан ҳовлининг куноғиш тарафига қараб кетган йўлак адоғида беминнат посбон Бельчик мудраб ётади. Итхона ёнига ёғоч, шох-шабба уйиб ташланган. Хонадон соҳиблари яшайдиган бино олдидаги зинанинг қаршисида, бирмунча пастликда – мўъжазгина боғ. Икки туп тоқ новдаси вайиш қилиб сўри тепасига тортилган. Яна тўрт-беш туп мевали дарахт ўсади. Боғча оралаб ўтилса, ижарахонага туташ, бостирмасифат қўшалоқ уйчага борилади. Бири – новвойхона, бошқаси – тақир-туқурлар сақланадиган омбор. Маца – лочира шу ерда тайёрланади.

Хонадон соҳиби Рафка бобо – доим тўйга бораётгандек топ-тоза қўйлақ, дазмолланган шим, обдон ярқиратиб артилган пойабзал кийиб, оппоқ сийрак сочларини орқага тараб юрадиган саксон яшар чол. Эрта тонгдан уйидаги унтортар – радиони “Машъал”га улаб, секин ҳовли айланади. Хуши келганда ўзи ҳам хиргойи қилиб қўяди.

Шанба-якшанбада эса талабалар уйда эканидан фойдаланиб, ўтин ғамлайди. Ўша кунлари эрталабдан ижарахона эшиги олдида пайдо бўлади.

– Пропессўр, сез уйгаме, келинг бу ёққа! – деб Ҳамидуллани чақиради.

Бу йигит доим кўзида ойнақ, қўлида қалин жилд, салмоқ билан қадам ташлаб юргани учун шундай лақаб орттириб олган. Рафка бобонинг ўзи қўйган бу номни.

– Ассалому алайкум, бобо, қалайсиз? – деб унга пешвоз чиқади Ҳамидулла.

– Юринг, арра тортамез, камперга ўтун керак, ўтун. Нон ёпамез.

– Биласиз, менинг буйрагим касал, озгина ёрдам беришим мумкин, лекин кўпига чидолмайман.

– Бўлмаса, дўстенгез Яшка, ҳамхонае шумо қаерга? Чоқиринг уне дарров!

Ҳамидулланинг шериги Меҳриддинга Рафка бобонинг кампири шундай лақаб илган. “Профессор” ичкарида ёйма катда мук тушиб газета ўқиётган Меҳриддинни чақиради:

– Жўра, Рафка бобо илтимос қияпти, туринг, қарашиб юборар эканмиз.

“Профессор” бир-икки қўл арра тортгач, дастани Меҳриддинга тутқазади:

– Жўра, менга етар, яна буйрагим оғриб қолмасин... – Ўзи эса чолни гапга тутади: – Кеча Горбачёвнинг дакаладини эшитдингизми, бобо? Катта ўзгаришлар бўладиганга ўхшайди-ку, нукул “перестройка” деяпти.

– Унга калла зў-ўр. Эске кетобларга ёзгон, охер замонга тождор пошшо келаде, деб. Бу ўзгарешлар қиёматга олиб бормаса бўлде.

– Довуд пайғамбар сизларнинг қавмингиздан-да, а, бобо, тўғрими?

– Одаме Атодан то пайғамбаре худо Исойе Масеҳгача – ҳаммасе бездан, пропессўр! Сиз ўқигон, шундайме?

– Ўқиганмиз, ўқиганмиз, – дейди Ҳамидулла бир оз талтайиб.

Ичкаридан ёқимли мусиқа овози келади – Комилжон Отаниёзовнинг таниш кўшиғи.

– Чен ҳопез бунга деса бўладе. Қаранг, пропессўр, қандой текес, қандой баҳузур айтаде! Авжега чеғорса агар, булбулигўё бўлеб кетаде! – дейди бобо завқини яширолмаи.

– Ўзбек мақомларини яхши кўрасиз-а, бобо? – дея ўсмоқчилайди Ҳамидулла.

– Эбе, ман ўзбакча ўқигон, ўзбакча яшагон. Яхше бўлса агар ҳаммага ёқаде-да! Бад нарсадан худо асрасен. Мақом – это память, неумирающий дух предков.

– Ота-боболарингиз ҳам шу ерда яшаганми ўзи?

– Сез ентересни одам, пропессўр! Безне ота-боболар то аз замоне Соҳебқирон, хоқоне хоқон, Амир Темури Кўрагон шу ерга муқим яшагон. Марқади ҳазрати Дониёл даҳаседа тўхтагон. Не-не оламгеру пошшою султонлар, мирзою амерзодалар хезматеда бўлгон, ҳопезу олему муарреху меъмору машшоқларне кўргон!

– Нукул мақом эшитасиз, ўзингизам кўшиқ айтганмисиз?

– А как же, айтгонмез, Хўжа Абдулазез бобоне “Қурбон ўлам”е-не, бо яна “Гулизорем”, “Қаро кўзум” айтгон ёшлиқда. Вақтига улар жудо машҳур бўлгон.

– Жиндак хиргойи қилиб беринг, бўлмаса!

– Тарехда устод Леве Бобохон, Моше Бобохон, Аре Бобохон дегон, домулло Ҳалем Эбодов дегон машҳур ҳопезлар ўтгон. Сез Эзро Маллакопте эшетганме, зўр айткон!

– Ҳай, энди сизники бошқача-да, йўқ деманг, мана, Яшкаям илтимос қияпти, – дейди Ҳамидулла чол боёқишни ҳоли-жонига кўймаи.

– Ҳадеб “яшка”лайвермасдан, анави тайёрларини эшитмай-сизми, жўра! Нима қиласиз одамни ишдан қолдириб, – дейди Меҳриддин ранжиб.

Дарҳақиқат, чор тарафни мусиқапараст қавм босгандек, олис-яқин ҳовлилардан мусиқа садолари ёпирилиб келарди. Бир ёнда – “Абба” гуруҳи, бошқа ёқда – Насиба Абдуллаева, яна бир томонда Шерали Жўраев хониш қилади. Ора-орада кеча Москвада бўлган съезд иштирокчиларининг гап-сўзлари, баҳслари эшитилиб қолади.

– Ай, жўра, жим тулинг, буларни ҳар кун эшитасиз, ана, кўча тўла кассета, бобо эса ҳаммага ҳам кўнглини очавермайди. Айтинг, бобо, айтинг.

– Шундайме? – дейди чол жиндак хаёлга чўмиб. – Аммо-локен овоз нест, память тоже кеткон.

Чол арра дастасини бўшатади, ғўлага ўтирган ҳолда, ортига бир қараб, секин хиргойини бошлади:

*Келген, эй моҳелиқо, хусненгда қурбон ўлам,  
Ҳалқае зулфе парешонингда қурбон ўлам.  
Чашме масте лабе хандонингда қурбон ўлам...*

– Бас, қолгане эсдан чиққон, – дейди чол ўйчан ҳолатда. Сўн арра дастасига қўл чўзиб ғўлдирайди: – Қўйинг, пропессўр, ишлаш керак, ёшлик ўтде, энде қайтмайдў. Локен мақом ўлмайдў.

Дарчанинг шарақлаб очилгани эшитилади. Бобонинг набира-си, ўн тўрт-ўн беш яшар Давид-Довуд мактабдан қайтган. Бола улар томонга бир қараб қўяди-да, қўлидаги скрипка солинган ғилофни ҳавода тўлғаб “Привет, пропессўр!” дея ичкарига кириб кетади.

Ҳамидулла ҳали ҳам қўлларини белига қўйганча бобога нималарнидир уқтираётир.

– Жўра, гап сотмасдан, бундай ёрдам берсангиз-чи, – дейди терга пишган Меҳриддин тутақиб. – Қишлоққа бориб онамга қарашсам бўларкан... Сизнинг гапингизга кирган мен аҳмоқ!

– Жўра, иш битай деб қолди-ку, бир тўйга етадиган ўтин бўлди ўзиям! Мен энди овқатга қарай, кейин кинога борамиз, чипта менинг ҳисобимдан. Бугун шанба-ку, шундайми, бобо?

– Борсен, борсен, бугун мумкен! Духтаре зеболар ҳам борме? Бўлсен, бўлсен!

Мана шундай кунлари бобо ҳам, кампири ҳам сахий бўлиб кетади. Ёшлар кеч соат ўн иккига қадар кинома-кино дайдиса ҳам

финг дейиш йўқ. Дарвозани очиб ўтирмасдан – кеч қолган пайтда Рафка бобо рухсат берган – галма-гал девордан сакраб ўтишади. Зерикиб қолган Бельчик, борлигини билдириб, бир-икки акиллаб кўяди.

– Пропессўр, бу сезме? – дейди Рафка бобо деразадан ҳовлига мўралаб.

– Ҳа, биз, хавотир олманг, – дейди Ҳамидулла.

Рафка бобонинг ёлғиз ўғли Иосиф-Юсуф азонда шаҳарнинг аллақайси чеккасидаги пойабзал устахонасига кетади. Қолганлар кечроқ уйғонади. Рафка бобо турибоқ ҳовлидаги хўжаликни кўздан кечиради. Кейин Бельчикнинг хужраси ёнидаги кеча ўтин арраланган жойга бориб хаёл суради. Бир оз ўтиб эшик тарақлаб очилади ва ҳарсиллаганча Сара момо чиқиб келади.

– Рапка, ман мурам, ман мурам! – деганча тувак кўтариб ҳожатхона тарафга кетади.

Ана шундай доду войлар билан бориб, ҳожатхона эшигини қарсиллатиб очади. Деворга қаттиқ урилган эшик ўз зарби билан қайта ёпилса – ёпилди, йўқса, ланг очиқ қолаверади.

Кампир ташқарига чиқиб, қўлидаги матоҳни апил-тапил чайган бўладию яна дийдиёни бошлайди:

– Рапка, ту гужо, ман мурам, ман мура-а-ам, охе!

– Мур, мур-эй, касофат, офате жон! – деб Рафка бобо ҳам қўлини ҳавода сермаб, дағдаға билан эшикка яқинлашади.

Кампир аламига чидолмасдан алламбалоларни вайсайди. “Агар ман мурам, ту чи мекуне?” дейди яна ғзаби қайнаб. Чол уни қўлидан тортиб ичкарига итаради. Уйдан бақир-чақир садолари эшитилади.

Бир неча дақиқадан кейин шовқин тиниб, ҳовлига сукунат чўқади.

Чолу кампирнинг ғалвасидан уйғониб кетган Лаура келин эшик олдидаги супачада пайдо бўлади. Бўлиқ келбатли, бўйи ўртачадан тикроқ, юз-кўзи ва қоматини латофат аллақачон тарк этган жувон зинада туриб ҳовлига бир қур назар ташлайди. Сўнг эринибгина, бошмоғини судрагандек босиб ҳожатхона томон юради. Ҳалиги хонага етиб-етмай этагини баланд кўтаради, шундан кейин намоийишкорона кириб кетади. Эшикни ёпиш хаёлига ҳам келмайди.

– Буни қаранг, уят деган нарса йўғ-а, жўра! – дейди деразадан қараб турган Ҳамидулла.

– Кимни айтяписиз? – дейди одатдагидек эрталабдан қайсидир шоирнинг девонини хатм қилаётган Мехриддин.

– Кимни бўларди, анави келин ўлгурни-да! Лаънати, куппа-кундузи, номаҳрамнинг кўз олдида кетини яланғочлагани етмагандек, эшикни ҳам ёпай демайди-я!

– Сизни синаётган бўлмасин тагин? Лекин бировни пойлаш яхши эмас, ошна, билганини қилмайдими!

– Бобо шунинг учун доим кузатиб юрар экан-да. Тунов куни, агар бузуқчилик билан қўлимга тушса, бўғизлаб ташлайман, деди.

– Ҳар қалай ғурури бор экан, – деб қўяди Меҳриддин. Кейин дарҳол хушёр тортади: – Нима, бу масалада сиз билан маслаҳатлашадими у?

– ...

– Дарди ичида экан-да боёқишнинг. Эҳтимол шундандир, қачон қараманг, хомуш юради.

– Қўшиқни ҳам дард билан айтади-ей чол! Кўрдингиз-ку кеча. Бу бобо кўп балоларни кўрган. Отаси “халқ душмани” деган тавқилаънатга учраб, қатағон бўлиб кетган экан. Менимча, миллий мусиқадан дарс бергани, эски китобларни сақлагани учун. Бобонинг ёшлиги азобда ўтган. Мусиқага ҳаваси бўлса ҳам отасининг тақдири сабаб бу йўлдан боришга журъат қилмаган.

– Ўзи-чи, жўра, бошқа жой топсак бўларди. Бирон мардум йўқлаб келгудек бўлса, кейин қишлоққа бориб ғийбатимизни қилмасмикан, шаҳарда бир нобоп жойда, ғайридинлар орасида туришаркан, деб?..

– Э, ҳозир ҳовлида ҳеч зоғ йўқлигини билиб шундай қияпти бу, бошқа маҳал ҳаддини билади. Қўйинг-эй, шунгаям бош қотирамизми энди! Бу ер ўқишга яқин, тинч жой. Бундан яхшисини қаердан топасиз?

– Ҳай, айтдим-қўйдим-да, бўлмаса, шу касофатнинг ойинадек барқ урган сийнайи софини томоша қилиб ўтираверинг.

Жанжалдан сўнг бобо билан момо бозорга отланади. Момо кетишдан олдин бир нарса ундириш илинжида ижарахона томон келади. Унинг одатини яхши билган Ҳамидулла чалғитиш учун олдиндан савол тайёрлаб қўяди:

– Хола, сиздан бир нарса сўрасам майлими?

– Сўранг, пропессўр, сўранг, сез яхше одам.

– Нима учун мана буни Яшка деб чақирасиз? – деб Меҳриддинни кўрсатади. – Яшка ким ўзи?

– Яшкаме? Ў манга маллем бўлгон. Ман кечкена қизча бўлгон. Ўзбеклар очгон янге мактапка урок берешга боргон, забони русийдан. Сўғен уне репрессия қилгонлар.

– Ҳа, жадид мактабда дарс бергани учун репрессия қилинганми? – дейди Ҳамидулла.

– Ҳа, бале, сез билгон, пропессёр, ҳамин жадед мактапка боргон. Бўям русча яхши билгон, шунга Яшка дегон.

– Эй бўлди, тушунарли-тушунарли, – дейди Ҳамидулла худди Америка очгандек хурсанд бўлиб.

Сара момо қўққисдан бир нарса эсига тушгандек шитоб билан Меҳриддинга ўгирилиб сўрайди:

– Сез пулни қачон берасез?

– И-би, бир ҳафта олдин бердим-ку! – дейди бундай саволларга кўникиб кетган Меҳриддин пинак бузмай.

– Тўлаган, мана, мен – гувоҳ, – деб гапга қўшилади Ҳамидулла.

– Шундайме, манга калла нест, калла кеткон. Пропессёр, сезга ишонса бўладе! – деб маънос тортади момо.

– У тебя давно крыша поехала, – деб захарханда қилади ҳовли саҳнида гапга қулоқ солиб турган Рафка бобо тескари қараб.

– Иди ты к черту, старый придурок, монде девоно! – деб ғазаб сочади момо ҳам. Кейин яна ҳужумга ўтади: – Ўзенгез-чи, пропессёр, қачон берасез?

Ҳамидулла ток ургандек қалтираб дейди:

– Кечагина бердим-ку, тўғрими, Рафка бобо, олдингизда топширдим-а?

– Тўғре, тўғре! Он уже дал, – дейди Рафка бобо.

Момо пул унмаганидан ўксиб, “Ман хаста шудам, ман мурам! Пул нест. Яшка наметият, пропессёр наметият” дея дарвоза томон йўл олади. Сўнг ҳовридан тушибми, Рафка бобо билан нималарнидир муҳокама қила-қила чиқиб кетади.

Кечга яқин доимий эрмаги – скрипкасини кўтарган Давид-Довуд эшикдан мўралайди.

– Пропессёр, мумкенме? – дея изн берилишини кутмай кириб келаверади.

Қўшни девор оша кўнгилни орзиқтирадиган наво таралади:

*Ёрдин ҳижрон чекар ушшоқи зор, эй дўстлар!..*

– Хуш омадед, ҳазрати Довуд! – деб болани хушҳол қарши олади Ҳамидулла.

– Сен нега берухсат кирасан? – дейди кўшиқни сел бўлиб тинглаб ўтирган Меҳриддин.

– Мен сендан сўраб ўтираманми, профессордан сўрадим – бўлди-да! – дейди Давид-Довуд русчалаб.

– Профессор ўзи учун жавоб беради, мен ўзим учун. Қани, тез туёғингни шиқиллат-чи, йўқса, қулоғингдан тортиб деразадан улоқтираман!

– Сен менга кўпам дағдаға қилаверма!..

– Ҳали менга гап қайтарадиган бўлдингми, тирранча! – дейди Меҳриддин ҳам кескин оҳангда.

– Кўп катта кетма, сен бор-йўғи профессорнинг малайисан, кўрдим кеча молдай ишлатганини!

– Ўзинг молсан! Ҳеч бўлмаса, бобонгни ҳурмат қил, номард! Уям арра тортди-ку! Ҳаддингдан ошма, бола!

– Сен ҳаддингдан ошма, бу – менинг уйим! Қонуний уйим!

Ҳамидулла ҳазил-ҳазилдан бошланган баҳс жиддий тус олаётганини кўриб, ўртага тушади:

– Жўра, қўйинг, шугина шумтака билан тенг бўлманг, маза қилиб қўшиқ эшитмайсизми тоза ҳавога чиқиб! – Кейин болага қараб насиҳат қилган бўлади: – Сен бўлғуси мусиқачисан, қўшиқ тинглаётган одамга халал бериш яхши эмас. Ана, эшит, қўшни тарафдан қандай ёқимли овоз келяпти!

– Э, қўйсанг-чи, бунақасини кўп эшитганман, бобомнинг матоҳи-ку бу! Мақом – ўтмиш сарқити, – дейди Довуд ҳамон русчалаб.

– Ўзинг сарқитсан! – дейди Меҳриддин жаҳл билан. – Яна бир марта шу гапингни эшитсам, дабдалангни чиқараман!

Кейин ташқарилаб, ғиштин йўлак четига бориб ўтиради.

Давид-Довуд скрипкада қушларнинг нағмаси, итнинг ҳуришига ўхшаб кетадиган овозлар чиқариб, ҳунар кўрсатишни яхши кўрарди. Бундай “кўргазмали чиқишлар” одатда Сара момонинг “ман мурам, ман мурам” деган алқашию Рафка бобонинг “мур, мур-эй, офате жон” деган замзамаси билан тугар, ҳазил-мутойибага ўч Ҳамидулла бундан маза қилиб кулар эди.

Неварасининг ичкарида анча қолиб кетганидан хавотир олиб, Сара момо ижарахона тарафга кела бошлайди.

– Давид шу ергаме? – деб сўрайди Меҳриддиндан. У тасдиқ ишорасини қилади.

– Олеб кетай бачоне, кечқурун меҳмонга борамез.

Орқама-кейин ичкари киришди. Меҳриддин не кўз билан кўрсинки, Давид-Довуд бошмоғи билан унинг тўшаги устига чиқиб, созини зўр бериб ғийқиллатар эди. Ман мурам, ман мурам, ғийқ, ғийқ-ғийқ... ман мурам, ман мурам, ғийқ, ғийқ-ғийқ... Ҳамидулла ҳар сафар маза қилиб кулганида созанда ҳам сакраб, муқом қилиб қўярди. Меҳриддиннинг жон-пони чиқиб кетди, момони бир

четга суриб, боланинг қўлидан матоҳини юлиб олди-да, деразага қараб улоқтирди.

– Сен, ифлос, зотипаст этикдўз, Амир Темур авлодига хурматинг шуми?!

Соз зарб билан урилиб, деразанинг ўнг табақасини чилпарчин қилди. Кейин найзага айланган ойна қиррасига илиниб, “ғинг-нг-нг” этганча уни ўчди. Кампир жиддий тараддудга тушиб, “яшка” лашга ҳам тили айланмай қолди.

– Балам, жон балам, даркор не, ў ҳоле бачо-ку, кўп нарсага ақле етмайдў. Сез катта, оғер бўлиш – сездан. Каттага – хурмат, кечекка – эззат, дегонлар.

– Бунақаси кечирилмайди, момо! – деди Меҳриддин. Сўнг Ҳамидуллага қараб ўшқирди: – Сен, номард, дўст бўлсанг, нега жим қараб турибсан, шуми жўрачилик?!

– Эй, мен нима қилай, боланинг шўхлиги-да бу! Шунга ҳам ота гўри – қозихонами? Тўшагингизни ювдириб, тозалатиб бераман, ташвиш чекманг.

– Гап тўшақда эмас, ғурурда. Ғурур борми сенда ўзи? Бўпти, шу жуҳудбачча билан даврингни суравер, мен кетаман!

Меҳриддин жўраси билан жиқиллашаётганидан фойдаланиб, кампир набирасини олдига солганча жуфтакни ростлади. Ҳовлидан Рафка бобонинг “Че гап, жанжалме?” деган овози эшитилди. Кампир ижарахонага ишора қилиб, талабалар ўзаро гап талашаётганини айтди.

Меҳриддин кўрпа-тўшагини ўраб, ашқол-дашқолини жомадонига жойлади-да, дарвоза томон йўл олди.

– Ҳа, нема бўлде? – деб сўради Рафка бобо рўбарў келиб. – Пропессўр хапа қилдеме? Хапа бўлгонга арземайдў, ҳаммасе ўтаде.

– Кетмасам бўлмайди, ётоқхонадан жой топаман.

– Ҳозерча уларне бу ерда қўйенг, шу ерга тўхтасен, жой топелса келасез, опкетасез, бемаҳалга бундой юргон маза топмайдў.

– Менам шуни айтяпман-да, – деди орқадан Ҳамидулла.

Қоронғи тушиб қолгани учун нарсаларини қолдириб кетишга мажбур бўлди. Ётоқхонага яқинлашган маҳали “Меҳриддин ака, қаерлардан сўраймиз, нима, свиданияга боряпсизми?” деган овоз эшитилди. Ўгирилиб қаради: кечки бўлимда ўқийдиган, кундузлари вилоят газетасида ишлайдиган Холбой Мадамин экан.

– Вақтингиз бўлса, юринг, олиб кетаман, яқинда янги квартирага кўчиб ўтдим, болалар қишлоқда, ўзим ёлғизман, – деди Хол-

бой. Кайфияти чоғлиги, озгина сархушлигидан зиёфатдан чиққани билиниб турарди. – Туғилган кун бор эди, озгина ўтирдик, дарсга бормадим.

Тошкентдаги катта нашриётлардан бирида бош муҳаррир бўлиб ишлайдиган машҳур ёзувчининг укаси бўлгани учун факультетда уни ҳамма яхши танир эди. Шу пайтгача дорилфунун ётоқхонасининг биринчи қаватидаги хос хоналардан бирида турарди.

Меҳриддин ётоқхонадан жой олмоқчи эканини унга айтди.

– Вақт алламаҳал бўлиб қолди-ку, сизни у ёққа киритишармикан? – деди Холбой. Сўнг қўшиб қўйди: – Анчадан буён кўришмадик, баҳонада бир оз гурунглашардик... Бўлди, юринг, ётоқхона масаласини эртага ўзим ҳал қилиб бераман, комендант билан танишман.

Холбой чорраҳадан сал нарида турган ГАИ ходимини чақирди:

– Оғайни, мени танийсиз-а, газетада ишлайман.

– Э, Холбой ака, ассалому алайкум! – деб ўнг қўлини пешонасига тираб “честь” берди ходим. – Қани, буюринг, ака!

– Биронта машина тўхтатиб берсангиз, меҳмон билан Сағдиянага\* кетаётувдик.

– Ҳозир есть қиламиз-да, ака!

Ходим ҳуштагини чуриллатиб, оқ “Жигули”ни тўхтатди, бу икковлонни манзилга ташлаб қўйишни тайинлади.

Квартира беш қаватли уйнинг биринчи қаватида экан. Ҳақиқатан ҳам уйда ҳеч ким йўқ эди. Холбой товоқчада узум ювиб, столга қўйди. Телевизор мурватини буради. Андижон вилоятининг республикада биринчи бўлиб пахта режасини бажарганига бағишлаб концерт берилаётган экан.

– Бугун сал кўпроқ олиб юборибмиз шекилли, уйқу тортяпти. Сиз бемалол телевизор кўриб ўтираверинг, ётишга анави хонага ўтасиз, жой тайёр, – деб бўш хоналардан бирини кўрсатди Холбой.

– Эрталаб... – деб Меҳриддин гапга оғиз жуфтлаган эдики, ижара уй соҳиби нима демоқчи эканини пайқади:

– Эрталаб дарсга шошилсангиз, ана, газга чой қўйиб, нонушта қилиб кетаверасиз. Холодильникда ҳамма нарса бор. Эшикни кулфлаш шарт эмас, бегона одам бу ёққа кирмайди.

Меҳриддин барвақт туриб, апил-тапил юзини чайди-да, дарсга отланди...

\* С ў з д и ё н а – Самарқанд шаҳридаги мазеа.

Холбой гапида турди, ўша куниёқ бир муддат ўзи яшаган хос хонани тўғрилаб берди.

– Ҳаш-паш дегунча ўқишни ҳам тугаллайсиз. Сиз ҳам маза қилиб яшанг-да бундай, фақат бошқалар даврон сураверадими? – деди у.

Орадан йиллар ўтди. Меҳриддин ўқишни тугатганидан сўнг Холбойнинг акасини орқа қилиб Тошкентга борди. У раҳбарлик қилаётган нашриётда иш бошлади. Мустақилликдан кейин 25 йилча ўтиб бир гал йўли Самарқандга тушди. Бу вақтда у нашриёт директори эди. Ҳайдовчиси – рус йигит шаҳарга киришлари билан: “Рухсат берсангиз, бир неча дақиқага жухуд маҳаллага кириб чиқсам. У ерда отамнинг эски қадрдони яшайди, унга берадиган нарсаларим бор эди”, деди. Меҳриддин рози бўлди. Ўзи ҳам баҳонаи сабаб ила талабалик йиллари ўтган ҳовлини ташқаридан бўлса-да бирров кўрмоқчи эди. Ўша таниш кўчага бурилишлари билан ҳайдовчига ишини бемалол битиришини, ўзи бир жойга кириб чиқмоқчи эканини айтди.

Мана, ўша яшил дарвоза! Чол-кампир яшаган уй ҳам ўзгармабди. Фақат кунчиқар тарафдаги очиқ майдонда икки қаватли иморат қад кўтарган, қурилиш давом этарди.

Бир маҳал эшиқдан пўрим кийинган уч киши чиқиб келди. Улар орасида қоп-қора узун сочи орқага силлиқ таралган, яшил кўйлак-қора нимча кийган қирқ ёшлар нари-берисидаги, кўзойнакли бўйдор киши алоҳида ажралиб турарди. Шериклари билан ўзбекча, инглизча, русча аралаштириб гаплашганидан чет эллик бўлса керак, деб ўйлади Меҳриддин.

Торкўчалар кесишган сайҳонликда турган автоулов томон юришар экан, ҳалиги жаноб ногаҳон Меҳриддинни кўриб, босим тикилди. Кейин ҳамроҳларидан ниманидир сўради. Улар елка қисиб қўяқолишди.

Шу тобда Меҳриддиннинг телефони жиринглаб қолди. Ҳайдовчиси хавотирланиб рақам ураётган экан. Телефондан қўнғироқ ўрнига “Ёридин ҳижрон чекар ушшоқи зор, эй дўстлар” деган қўшиқ янграрди. Меҳмон туйқус тараддудга тушди. Кейин ниманидир эслагандек, дадил яқинлашиб келди.

– Жаноб, ман узер сўрайман, сез, ҳалеге, шу ерга яшайсезме? – деди у.

– Бир замонлар яшаганман, талабалик йилларимда...

– Эби, сез охе Яшка эмасме?! Бу – ман, Даведман, Рафка бобоне наберасе!

Кучоқлашиб кўришдилар. Давид-Довуд кечмишини гапириб берди. Рафка бобо Ўзбекистон мустақилликка эришган йили оламдан ўтибди. Вафотидан олдин набирасига васият қилиб, “Ман ҳопез бўлмоқчи эдем, локен шаройет оғер эде, энде сан шу эшне қилешенг керак”, дебди. Кейин ўзбек мақомлари ёзилган ўнта кассета берибди: “Мана, ман тўплагон бойлек, қаерга бўлсанг ҳам уларне сақла”. Орадан бир йил ўтиб Сара момо ҳам бандаликни бажо келтирибди. Шундан сўнг оила АҚШга кўчиб, Нью-Йорқда яшай бошлабди.

– Ў ерда бобом берган кассеталар кунемга яраде. Ўзем ансамбел тузед, мақомлар айтдем. Одамларга ёқде. Аста-аста ўзбеклар ҳам кўпайде, тўйларга мане-да айта бошладелар. Шу-шу, ишем юрешед кетде. Ҳозер Нью-Йорқка мане деса, ўзбекча, туркча билгон ҳамма танийдў. Мана, қандай замонлар бошланде! Ўзбекистон – манга Ватан, азез Ватан, бугун у тамоме башқача, демократиёлик бўлгон. Шаҳресабезга мақом фестевалега келдем, қатнашдем. Зўр бўлде! Сўғен ота уйемни зиёрат қилай деб бунда келдем. Насед эткон экан, сезне-да кўрдем. Раҳмат, Яшка!


Кейин ўша олис ёшлиқда бўлган скрипка воқеасини эслаб узр сўради.

– Ёшлиқда нималар бўлмайди, – деди Меҳриддин. – Муҳими, мана, сени соғ-омон кўрдим. Ҳўв ўша олисларда ўзбек санъатини, мақомини тарғиб этиб юрганинг учун... руҳимизни асраб юрганинг учун раҳмат.

– Руҳ ана у ерга! – деди Давид-Довуд эски ҳовлини кўрсатиб. – Фақат бир парчасе мана бу ерга. Мақом уне-да бутун қиладе! – деди кўксини сийпалаб. Кейин кўзига ёш олиб, ҳамроҳлари сари юрди.

Орадан бир ҳафтача ўтди. Меҳриддин тунги мутолаани тугатиб, ётмоқчи бўлиб турган эди, телефони жиринглаб қолди. “Ёрдин ҳижрон чекар ушшоқи зор, эй дўстлар...” Мумтоз садолар худдики зулматни парчалаб, юракка нур олиб киришга уринарди. Меҳриддин Давид-Довуд берган ташриф қоғозини эслади. Сездди: узоқдан, океан ортидан сим қоқаётган айнан у эди. Энди гап бошлайман деб турганида алоқа узилиб қолди. Ким билади, у юртларда довул-тўфон деган нарсалар кўп бўлади, халал берган бўлиши мумкин-да. Лекин шундоқ ҳам барчаси аён – бу соғинч қўнғироғи эди.

Нодира ОФОҚ



## ZAMINGA PAYVANDLANGAN ARSH

### Орзу ва насиб

Ниҳоят, муяссар айлади.  
Ниҳоят, мен ҳам Каъбани тавоф этдим!  
Нима қилибди, мутараққий XXI асрда бу оддий ҳол-ку, дерсиз. Еру осмону сув-локликлардаги уловлар у ёқдан-бу ёққа, бу ёқдан-у ёққа мунтазам бориб-келиб турган бўлса. Замон-замон бизнинг замон, даврон дориломон бўлса. Иқтисоддан-да нолийдиган жойимиз бўлмаса... Мен ҳам шундай ўйлар эдим. Ахир, ҳар йили миллион-миллион мусулмон дунёнинг турли бурчакларидан Маккаи мукаррама сари отланади. Каъба-туллоҳ теваарагида ҳамду наът, истиғфору муножот йил бўйи тинмайди; кеча ё кундуз демай вазмин-вазмин оқаверади. Истак бўлса, имкон ва вақт топилса, кетаверасиз-да, деб ўйлар эдим. Лекин...

Керакли ҳужжатлар тайёр, умра сафари нақд бўлганда турмушнинг кутилмаган таш-

вишлари ўртага чиқдию тараддудга тушдим: “Кейинроқ борсам-чи...” Бошқа истиҳолалар ҳам йўқ эмас эди. Оиламиздагилар сафар мен учун нечоғли аҳамиятли эканини яхши билишарди – ҳеч нимани ўйламанг, бора-веринг, дейишди. Рамазонда бориш орзум эди, деб баҳона қилдим. Насиб этса, яна борасиз, дейишди. Сираси, қайсарлигим ўтмади. Минг хаёлу андишада йўлга чиқдим...

Орадан икки-уч ой ўтар-ўтмас, бутун дунёда Covid-19 пандемияси эълон қилиндию Каъба эшиклари ҳам номаълум муддатга ёпилди. Маълумингизким, Байтуллоҳга кириш инсон ҳаёти қаттиқ хатар остида қолгандагина ман этилади. Бироқ ўтган йилнинг декабрида Макка 2020 йил Рамазони ни зиёратчиларсиз кутиб олиши на менинг, на бошқанинг етти ухлаб тушимизга кирган эди! Бориш-бормаслик одамнинг ўз имко-

ниятига боғлиқ, деб ўйлардим. Ташқи омил хаёлимнинг кўчасидан ҳам ўтмаган.

Энди-энди ўйлаяпман: ҳаётдаги ҳар бир ҳодиса белги, ҳар не сўз ё ҳаракат замирида ҳикмат ва сабоқ бўлиб, гап фақат уни англашда экан. Тақдир яқинларимнинг давату рағбати ила менга ишора берган экан. Ваҳоланки, қанча-қанча рамзий чақириқларни илғамай ёки назарга илмай йўқотишларга учраймиз.

Ҳар бир ишни ўз вақтида бажар, кечикма, ҳеч кимни боғлаб қўйган эмас – яна бир ибрат шу бўлди...

1901-1902 йил куз-қиш ойларида Лев Толстой аввал безгак, кейин ўпка шамоллаши, етмагандек зотилжам билан оғриди. Ёшини, антибиотиклар кашфига довер ҳали ўн йилларча вақт бўлганини инobatга олсак, улуғ адибнинг соғайиб кетиши даргумон эди. Лекин у буткул тузалди ва яна ўн йилча яшади. Ҳа, насиб қилгани бўлар экан. Агар шундай бўлмаганда, ҳаж сафари комил мусулмон Алишер Навоийнинг армонига айланмасди. Ахир, у шоҳ Бойқаронинг муқарраби ва ҳукмдорга пешкаш қилиш даражасида бадавлат киши бўлган. Шоирнинг уч марта отлангани ва уч гал ҳам ортга қайтгани маълум.

Нокамтарликка йўйманг, ўз-ўзим қарши турдим, лекин тақдир менга Каъбатуллоҳ дийдорини муяссар қилди.

*“Ҳажга ҳам, умрага ҳам бойлик билан борилмайди. Таниш-билиш билан борилмайди. Насиб билан борилади. Ният билан борилади. Ихлос билан борилади”* – куни кеча исломшунос олим Мубашшир Аҳмаднинг Фейсбук саҳифасида ўқиганим жумлалари ҳам юқоридаги мулоҳазаларимга қувват берди.

Тўғриси, бу ният-таманно кўнглимга қачон тушган – билмайман. Сайру саёҳатни унча хуш кўрмасам-да, фалон-фалон шаҳарларга бориш орзуси менга ҳам бегона бўлмаган; икрорманки, улар ичида Макка-Мадина йўқ эди. Айни чоқда, мен ҳам, албатта, ўзимча бир муслима эдим: имон рукнларини қаттол замонларда ҳам ибодатини қанда қилмаган Қиличпошшо бувим ўргатган.

Шукру тавбага ҳаётнинг бахту шодлиги эмас, ногаҳоний мусибатлари олиб келди. Аммо, афсус-афсус, дунёнинг алам ва оғирчиликлари қаршисида чорасиз қолганда кўнгилга иштибоҳ шарпа



солгани-да рост. Амал ҳам мунтазам эмас эди. Хаёл ва саёйда кўпинча дунё ҳою ҳаваси ғолиб келарди. Ҳаж-умра нияти ҳам кўнгилга сўнг йиллардагина – ёш улғайгач тушди, деб ўйлар эдим. Аслида...

Маккага ярим тунда кириб келдик. Еру Осмон ёғдулари узвийлашган муҳташам ойдинликда ранги янаям тиниқлашиб, қора юлдуз каби чарақлаган улуғвор Каъбатуллоҳга кўзим тушдию айтилиши лозим бўлган жумлани унутдим. Файриихтиёрий шошқинлик билан нигоҳимни қуйи индирдим. Вожабо, Каъбани худди илгари ҳам кўргандек эдим!

Айни шу лаҳзада туйқус англадимки, Байтуллоҳни тавоф қилиш орзуси юрагимнинг чуқур-чуқур ерларида олис йиллардан бери яшаб келган. Эҳтимолки, шўро мактабида билиб-билмай “Худо борми, йўқми?” дея баҳслашиб юрган кезларим ҳам руҳ хилватларида заиф бир оқим кўр чашмадек милдираб турган. Ўтган асрнинг 90-йиллари миёнасида Мисрда ўқиб келган бир танишим билан шунга ўхшашроқ масала-мавзуда қилган мунозараларимни ҳозир эсласам, ҳар қанча афв сўраб, истиғфор айтмай, кўрқиб кетаман. Ваҳоланки, ўша суҳбатлардан етти-саккиз йил олдин сидку ихлос билан қуйидаги сатрларни ёзган ҳам ўзим эдим: *Эсимдадир, бобом ҳар саҳар / Эрта туриб олгач таҳорат, / Қилар эди Қуръон тиловат / Ё Машрабдан ўқирди ғазал. / Билмас эдим ғазаллар таъмин, / Ё неларни сўйлагай бобом. / Уйғотарди оҳанглар лекин, / Уйғотарди муқаддас калом...*

Энди-энди ўйлаяпманки, Каъбатуллоҳ суврати узоқ йилларда, эҳтимол, илоҳий ҳақиқатларга осийларча ақлий далил излаганим маҳалларда ҳам хаёлимда юксалиб тургандир? Қонимдами, руҳимдами ғайри-ихтиёрий тарзда, куртак миқёсича бўлса-да, очилиш фурсатини кутгандир? Ва ё мен шундай бўлиб чиқишини истаётгандирман... Билмадим.

Дарвоқе, "Лайли ва Мажнун"да шундай сахна бор: Қайсни ишқ балосидан кутқариш учун ҳажга олиб боришади. Достоннинг шу ўрнида Байтуллоҳ манзаралари берилган. Алишер Навоий уни шу қадар илоҳий шавқ билан чизганки! Худди ўз кўзи билан кўрган-дек. Яъники, Каъба чопон кийиб, чордана қуриб ўтирган сўфийга ўхшатилади. Либоси кўз сингари мотам рангида. Боши узра кечалари фаришталар худди шапалақдек учиб юради. Шарофатидан Ерни худдики Осмон, Байтуллоҳнинг ўзини эса ўша Осмонга пайвандланган Арш дейсиз... Ҳазрат Каъбанинг салобатию маҳобатидан беҳуд бўлган, селдек ёш тўкиб, оҳ урган ва чоқиндек сакраган Қайснинг ҳолини ўз жисму руҳида ҳис этганига шубҳа қилмайман. Ҳа, ниятнинг бениҳоя кучлилиги ботин кўзини ақл бовар қилмас даражада ўткирлаштириб юборган! Ўша байтлар мутасаввиф шоир қалбида кейинчалик армонга айланган жозиб таманонинг садои акси ўлароқ жаранглайди.

Психологияга оид китобда ўқиганим бор: кимдир бирон нимани қаттиқ истаб, унга бор руҳий кучи билан интилса-ю, етолмаса, йиллар ва ҳатто баъзан асрлар ўтиб-да, ўша орзу авлодлардан бирининг ҳаётида рўёбга чиқар экан. Ким билсин, Навоийга ўхшаган бир бобокалонимнинг орзуси менинг қисматимда воқеликка айлангандир? Жамиятдаги ҳодисалар ҳам олис-яқин замонлардаги хоҳиш-истакларимиз рўёби-ку, ахир.

Булардан ибрат шуки: ниятни эзгу қилайлик. У яхши бир кунда, майли, бошқалар ҳаётида бўлса-да, албатта рўёбга чиқади. Ўзимиз, оиламиз ва элимизга фақат яхшилик соғинайлик. Орзу-ниятнинг руҳий майдони борлигига имоним комил.

## Ассалому алайка, ё Расулуллоҳ!

Мен сап олдинлаб кетдим. Аслида биз Жиддадан дастлаб Мадинага бордик. Тун ярмига яқинлашаётир, меҳмонхонага жойлашиш ташвишида эдик. Негадир кимлардандир эшитганим каби ҳолатга тушмадим; мен мўъжизавий бир ҳолни кутган эдим. Эҳтимол, йўл чарчоғи, вақтнинг бемаҳаллиги сабабдир, деб ўзимга таскин бердим.

Дарвоқе, Сафо ва Марва тоғлари ўртасидаги саъй чоғи ҳам кўнглимга бир ўксиниш тушди. Ҳаммаёқ теп-текис, мрамар ётқизилган, чироқлар порлаб турибди, майдоннинг усти ёпилиб, қуёш ва ёғиндан ҳимояланган. Албатта, бу шароит ва енгилликларнинг ҳаммаси нозиклашиб кетган замон одамлари манфаатига. Мен эса икки оралиқда очик осмон остида, пойабзалларимиз емирилиб, оёқларимиз қонаб тош-тиканларда юрамиз деб ўйлаган эканман (сурату видеоларни ҳам кўрмаганимни қаранг). Йўқ, бу шакколик эмас: инсоннинг ҳар ерда ибтидони ғайриихтиёрий соғиниши рост.

Эртаси эрталабдан ибодат, саёҳат, тижорат ҳаммаси аралаш кетаверди. Кўзда Масжиди Набавийнинг ҳайбат ва мунавварлигидан ҳайрат, жисмда Мадинанинг салқин шабадасидан фароғат, кўнгилда кўр-кўрона бир ғурур бор эди, албатта.

Пайғамбаримиз Муҳаммад салоллоху алайҳи васалламнинг қабрларини зиёрат қилиш учун эркак ва аёлларга алоҳида-алоҳида тарзда маълум вақтда рухсат берилар экан. Иккинчи кун тун маҳали биз ҳам издиҳом ичида навбатда турдик.

Мадинада ҳам, мийқотда ҳам, Маккада ҳам, меҳмонхонадаги бўлмангиздан бошқа ҳамма жойда тумонат, тиқилинч. Шу гавжумликда қалбан Оллоҳ билан боғланиш керак; чин маъноси ила хилват дар анжуман... Ҳаммаёқ озода-саришта; куннинг иссиғига қарамай салқинлик аъло даражада таъминланган; лекин бошқаларни билмадим-у, менинг ёдимга ўқтин-ўқтин маҳшар келди. Ҳамма ўз дарди-қайғусида, бировнинг биров билан иши йўқ. Фаррош ё ҳукмдормисан, мулкдор

ё фақир олиммиан – ҳамма қаторисан; на кийимда, на мақомда ажралиб туриш йўқ, тоифаланиш ва имтиёз йўқ. Ҳар бир юракда иқрор, қўрқув ва истиғфор...

Ҳа, мен кутган мўъжиза ўшанда содир бўлди. Рўйи заминдаги энг афзал ва улуғ жой – Муҳаммад салоллоху алайҳи васаллам мангу қўним топган ернинг фавкулудда жазбаси қалбимни парвозга тўлдирди! Мен тумонат ичида сиқилгандан-сиқилиб тик оёқда турар, кўзёшларим юзимни ҳижобдай тўсар эди. Минг-минглаб аёл – ҳаммамизнинг юрагимиз ягона мақсад билан урмоқда. Биз ҳамшира каби бир-биримизга меҳрибон, туртиб-суриб олдинга ўтишни хаёлимизга ҳам келтирмасдик. Малайзиялик аёл мени мазаси қочди деб ўйлади шекилли, сув берди. Юзларимни ювди, елпиди. Ўз тилида нималардир деди. Биров қўлимдан тутди, бошқаси рўмолимни тўғрилаб қўйди...

Йўқ, мен ҳар доимгидан кўпроқ саломат ва хушёрман, фақат ўзимча бир шавққа тўлган эдим. Қизиқки, бу шавқ қаттиқ гуноҳкорликка иқрор ҳиссидан отилиб чиқмоқда эди.

\*\*\*

Сен қандай Қодир зотсанки, ўзимизга ўхшаган бир банданг қабри қошида бизни издиҳом ҳолимизда оёққа қўйдинг, бир тўлқинда оқиздинг! Дунё маконидаги тафовутларимизни йўққа чиқардинг. Ё Муъизз! Ё Музилл! Шу лаҳзаларда қалбимиз фавкулудда хокисор ва ҳалим. Кўзёшларимиз кўксимизгача оқиб тушаётир. Гуноҳларимизга иқрормизки, афв тилаяпмиз. Бу дунёда ҳам, охиратда ҳам омонлик сўраяпмиз. Қалбимизни ҳасад ва мол-мулк ҳирсидан, ўзгалар мусибатидан шодлиниш балосидан халос эт! Уни муҳаббатга тўлдир!

Сенинг уйингда ҳаммамиз қанчалар тавозели инсонмиз. Қанчалар самимий, меҳру муҳаббатлимиз. Ташқарига чиқишимиз билан ўша одамиятдан асар ҳам қолмайди. Бир-биримизнинг ҳақимизга хиёнат қиламиз. Ёлғон ваъдалар берамиз. Тарих такрор-такрор шоҳид эса-да, дунё молига тўймаймиз. Қон тўкамиз. Тухмат ва зулмдан

қайтмаймиз. Сендан қўрқмаймиз! Бизни унутувчанликдан асра!

Меҳринг қаҳрингдан улуғлигига ишонамиз, эй Қаҳҳор!

Раҳмонсан, Роҳиймсан, Саломсан, Ғаффорсан, Самийъсан, Басирсан!

Ўзимизга зулм қилган бўлсак-да, Сенинг марҳаматинг, раҳматингдан умидвормиз. Зотан, Сен истамасанг, иқрор ҳам, шавқ ҳам, қаноат ва хотиржамлик ҳам, офияту амният ҳам йўқ. Буни олдин ақл ва билим ила билар эдик, энди жисму жонимизда ҳис этяпмиз. Сўрасак, берасан; истиғфор айтсак, афв қиласан...

Кошки, умримизнинг охиригача шу лаҳзалар сурурини туябилсак! Шу шавқ ичида қолсак! Қалбимизга туганмас парвоз бер!

Мана энди чинакамига қўрқяпмиз: эрта тонгла маҳшарда Сенинг қаршингда қандай тураммиз?!

\*\*\*

*Номаи аъмолим ул янглиғ қародур журмдин  
Ким, надомат ашкидин они оритмоқ ўлмағай.  
Балки гар Баҳри муҳит ичра солиб, йиллар*

*юсанг,*

*Ул қаро бўлғай саросар, лек бу оқ ўлмағай.*

Илгари бул сатрлардан ҳайрон-ҳайрон бўлган эдим: Навоийдек комил мусулмонки ўзини бу қадар гуноҳкор деб билган бўлса, биз нима дейлик? Заҳириддин Бобур ва Лев Толстой "...нома"ларини ўқиб ўйлаган эдим: булар қандай жасорат соҳибки, барини очиқ-очиқ ёза билади? Тарихлар бўйи ойдин сиймоларига соя тушишидан қўрқмайдиларми? Ўша тунда билдим: иқрорда ҳузур ва лаззат бор экан! Улар шунинг учун улуғвор экан. Ўзгаларга ибрат бўлсин деб ёзар эканлар, шунинг учун маломатдан қўрқмас эканлар. Биз шунинг учун ожиз эканмизки, ич-ичимиздан хатоларимизни тан олсак-да, сабабларни ташқаридан ахтарамиз. Жон-жаҳдимиз билан ўзимизни оқлашга уринамиз.

Ҳа, улуғ-улуғ масжидларда ибодат қилаётиб ҳам маиший ташвишлар, бола-чақанинг ўйлови, даромад-буромад нисбати хаёлни

чалғитиб турди. Ақл фурсат ғаниматлигини билди-ю, кўз дунё молининг томошасидан тийилмади. Не-не соатлар совға-салом қайғусида ҳайф кетди.

...кетдию, яна оқлов, асос топилди: дўсту биродарларни хурсанд қилишнинг нимаси ёмон? Бир-бирингизга ҳадя қилиб тулинг, дейилмаганмиди?

\*\*\*

Сел оқизган каби қабри муборак қошига бордик. "Ассалому алайка, ё Расулуллоҳ! Ассалому алайка, ё Ҳабибуллоҳ!" дердик ҳаммамиз йиғлаган кўйи. "Ваъдангиз бор, қиёмат кунда бизга гувоҳ ва шафоатчи бўлинг, эй башарият дохийси!"

Азиз ўқувчи, битикларим равзадаги қалблар жунбишидан кичик лавҳа, холос. Ҳатто жисмимиз билан ҳис этар эдикки, у нурли зот руҳлари ўзларига қайтарилган ҳолда бизнинг саломимизни эшитмақда ва алиқ олмақдадир.

Йўқ, Расулуллоҳ (с.а.в.) қабрлари қошида амалларни ўқиб-тайёрланиб келганим бўйича бажаролмадим. Тиқилинчда бунинг имкони йўқ, тез-тез ўрин бўшатиш лозим эди. Бошқалар нима қилса, ўшани такрорладим.

Ҳадисга кўра, Муҳаммад (с.а.в.) уйлари билан минбарлари орасида жаннат боғларидан бир боғ бор экан. Ернинг ушбу бўлаги қиёмат кунда беҳиштга кўчар эмиш. Риёзул жаннат саналмиш у жойларда ҳозир сабзаранг гиламлар тўшалган. У гиламларга қарасангиз, яшил-яшил майсазорларни кўрасиз, жилдираётган сувнинг овозини эшитасиз...

\*\*\*

Равзадаги қурбатни Мадинадан Маккага кетиш йўлида ҳам ҳис этдик. Айтадиларки, Каъба тавофи Оллоҳ қақирган бандаларгагина муяссар экан. Шунинг учун ҳам мийқотда эҳромга киргач, то Маккагача талбия айтиб борилади. Биз ҳам айтдик: "Лаббай, Оллоҳим, лаббай! Лаббай, Сенинг шерингин йўқ, лаббай! Албатта, мақтов, неъмат ва мулк ҳам Сеникидир. Сенинг шерингин йўқ".

Оллоҳ қақирди, мен унинг қақиригига жавоб беряпман, лаббай деяпман, У эшитяпти... – бу туйғу, бу илоҳий шавқни жисму жонимизда туйиш учун Маккаи мукаррама йўлларида "лаббайка"ни айтиш ҳаммамизга насиб қилсин!

Бу шавқ, қалбнинг парвози ўшандан кейин ҳам изчил бўлмаса-да давом этди. Ухудда Ҳамза (р.а.) ва бошқа шаҳидларнинг тупроқ остида ҳамон танасидан қон оқиб ётгани ҳақидаги ҳикояни эшитганда, Одам Ато ва Момо Ҳавво учрашган Арафотдан кўз тўқинмайдиған кенгликларга озод боққанда, Исмоил (а.с.) шайтонга тош отган Минода ва илк нусхаси ҳозир осмони фалакларда бўлган муқаддас Байтуллоҳда... Ичим беҳаду бепоян, ёруғ ва юксак бир нимага тўлган эдики, уни сўз билан тушунтириш мушкул. Ўшанда бу туйғу мен билан абадий қоладими ё муваққатми, билмас эдим. Табиийки, одатдаги ҳаётга қайтгач, у ҳис аста-аста сўнди. Лекин у ҳозир ҳам гоҳ-гоҳ қайтиб келади. Бир замонлар қоқ иккига бўлинган Ой тўлганда ва ёки сершамол кечаларда дарахтлар юриб келаётгандек туюлганда... Инчунин, ҳозир икки муқаддас масжидни, Саъй майдонини, Байтуллоҳни ва бошқа-бошқа азиз масканларни эсласам, кўз олдимга жимирлаб турган қайноқ ҳавога ўхшаган бир нарса келади, алланечук қувват ҳис қиламан...

### **Яхши йўлдош, асл инсондўст**

Сафар давомида Сурайё билан доим бирга бўлдик. Уй-рўзгор, бола-чақа ташвишини ҳаммасидан олдин қўядиган оддий аёл экан.

Менга қолса, меҳмонхонадаги бўлмағни ҳам тополмай, адашиб юравераман. Устига-устак, унча киришимли ҳам эмасман. Тили нотаниш мардум ичида, расм-таомиллари мутлақо бўлакча мамлакатда ҳолу аҳволимни тасаввур қилинг энди. Бахтимга, Сурайё ажабтовур тийрак ва абжир экан. Мусофирчиликда мен, таъбир жоиз бўлса, ҳаётий-маиший масалаларда доим унинг етовида юрдим.

Сираси, Сурайё яхши сафардош чиқиб қолди. Меҳрибончилиги билан жонингга тегиб ҳам кетмайди – ташлаб ҳам қўймайди; камгап, қўли очиқ; кетдик деганда ҳамиша тайёр; кўнглингга қарайди; ташаббус ҳамиша менда бўлсин демайди...

Мен ҳам унга муносиб йўлдош бўлишга ҳаракат қилдим, албатта. Лекин... мутлақ деб билганим не бир ҳақиқатлар мезони ила ич-ичимда ўзимни ундан устун қўйдим. Худбинона асосларим ҳам бор эди: китоблар, шеърлар, дипломлар, фикрлар...

Сурайё сўрайди, мен умра амаллари, ибодат қоидалари ҳақида ўқиган-билганимча жавоб бераман. Мен "лаббайка"ни ва ёки бошқа дуо-илтижоларни ёддан айтаман – у такрорлайди. Мен сиёсатдан, санъат ва адабиётдан, фалсафадан гап сотаман, у менга айрича ҳавас ва армон билан қарайди.

Ибодатдан бўшаганда у яқинлари билан телефонда узоқ сўзлашади. Талаба қизининг имтиҳонлари, умра дастурхонига таклиф қилинадиганлар, оқми-қизилми – қанақа картошка олиш, сутчи хотиннинг пулини бериш... – хуллас, минг хил майда-чуйда ташвишлар.

Мен эса китоб ўқийман, мухташам-мухташам ҳаёллар сураман, теран фикрга бериламан... "Ўзлари бир нима қилишар... умрада шуларни муҳокама қилиш шартмикан? Нима учун келганмиз, ахир!.." – ўзимча ху-ув ўша устунлигимга яна ҳаво бераман.


Қайтиш куни аэропортда бир гуруҳ андижонликларга дуч келдик. Ҳаммаси офтобда куйган оддий қишлоқ одамлари. Улар Алишер Навоийнинг "ўрду кўрган рўстойи"сига ўхшаб "самалўтхона" ажойиботлари томошаси билан овора.

Биз паспорт назоратидан ўтиб, уочққа чиқиш жойига олиб борадиган лифтни кутиб турган эдик. Бирданига Сурайё безовталаниб қолди. Худди тўлқин қирғоққа чиқариб ташлаган балиқ дейсиз. Нима гап экан, деб бошқа ҳамроҳлар ҳам залга қарадик. Кўзимиз ўриндиқларга жойлашиб олиб, бемалол ўтирган водийлик юртдошларга

тушди. Вақт жуда оз, у содда ҳожиларнинг эса рейсдан қолиб кетиши ҳеч гап эмас. Сурайё бир жойда туrolмас, у ёқдан-бу ёққа бориб-келар, гўлдираар, дам ўтмай қўллари ни байроқ қилиб, андижонликларни чақираар эди. Залдагиларнинг парвойи фалак, кимдир мудраган, кимдир қизгин гурунг билан банд. "Қолиб кетади... қолиб кетади... кейин нима қилади..." дерди Сурайё тинимсиз. Ахийри, унда тоқат қолмади. Шартта залга қараб отилди. Вазият нозик, у назоратдан қайтиб ўтолмаслиги, ўзи қолиб кетиши мумкин эди. Лекин дугонам, менимча, ҳеч нимани ўйламас, фикру зикри бизга еттиёт бегона одамларда. Ёши етмишдан ошган бир ҳамроҳимиз, биров миясига ургандек, қайт, деб қичқирди... Агар Сурайё бўлмаганда, ким билади, юртдошларимизнинг холи нима кечарди? Шукрки, ҳаммаси яхшилиқ билан тугади.

То Тошкентга келгунча ва ундан кейин ҳам неча фурсатлар шу саргузашт хотирамдан кетмади. Мазмуни мунофиқлик, шакли олийжаноблик бўлган хатти-ҳаракатларни, сохта қаҳрамонликларни кўрганим сари хаёлимда қайта-қайта айланди. Ҳаммамизнинг фитратимизда истисносиз мавжуд бўлган, аммо биз ўзимиз бўғиб ташлайдиган инсондўстлик, фидойилик Сурайёда қандай бус-бутун сақланибди! У менинг назаримда шу қадар юксалиб кетдики, бир неча кун олдинги таққослардан кўнгилга ойдин бир хижолат тушди. Муқаддас зиёратлар боис ҳозиргина онадан туғилгандек бўлдим, деб ўйлаган эдим. Қайтадан тафтиш бошланди...

Сурайё бир сония бўлсин, ақл билан ҳисоб-китоб қилиб ўтирмади, ўзини ўйламади. Мен-чи, мен шундай қила олармидим? Ибодатлар, жумладан, умра ҳам фақат ўзимиз учун қилинадиган амаллардир. Ўзгалар манфаати учун ҳам бир-икки қадам ташлай оламизми? Ўз нафсу нафимиздан кеча оламизми? Одамлар учун беғараз, бетама кори амал қила оламизми? Бу саволлар жуда оғир, лекин уларни ўзимга бермасам, умра сафарининг ҳам, бу ёзганларимнинг ҳам маъноси қолмайди...



## RO'YXATLARDA YO'Q EDI NOMI

1964 йил кузида кейинчалик "Октябрь тўнтариши" деб ном олган тарихий воқеа содир бўлди: Никита Хрущёв ҳокимиятдан четлатилиб, КПСС МҚ сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳада янги дастур эълон қилди.

1941 – 1945 йиллар урушида қозонилган ғалабанинг 20 йиллиги яқин, лекин шу чоққача бу тарихий сана мамлакатда кенг нишонланган эмас, 9 май одатдаги иш кунларидан бири эди. Албатта, рўзномаларда махсус мақолалар, телевидениеда хужжатли солномалар берилар; собиқ фронтдошлар ўзаро йиғинлар уюштирар – байрам бор-йўғи шундангина иборат бўларди.

1965 йилнинг баҳор кунлари кечагидек эсимда. Ўшанда барча газеталар КПСС МҚнинг "Улуғ Ватан урушида қозонилган ғалабанинг 20 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарорини эълон қилди. Мазкур хужжатда совет халқининг фашизм устидан

қозонган тарихий ғалабасига янгиланган ҳукумат томонидан биринчи марта атрофлича баҳо берилгач, тарғибот-ташвиқот борасида аниқ вазифалар белгиланиб, 9 май умумхалқ байрами деб эълон қилинди. Тантаналар арафасида ҳукуматнинг 9 май – Ғалаба кунини дам олиш кунини деб эълон қилишга доир қарори чиқди, бир қатор шаҳарларга "Қаҳрамон шаҳар" фахрий унвони берилди...

Тепадагилар эътибор қилмадимиз ё маблаг масаласи чатоқроқмиди, хуллас, тарихий ғалабага улкан ҳисса қўшган аскар ва зобитларнинг эҳтиёжи, турмуши, кундалик ташвишларига оид муаммолар бу шов-шувли дастурга кирмай қолди. Оила, маҳалла-кўйдан бошқа ҳеч ким танимаган бу қаҳрамонларнинг аксарияти эса ҳали-ҳамон саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда қора тер тўкиб меҳнат қилар, барак ва умумий-коммунал хонадонларда фақи-

рона ҳаёт кечирар эди. Бинобарин, ватан-дошларимиз ҳам урушдан қайтиб, гарчанд оила қуришга муваффақ бўлган эса-да, бир этак бола-чақаси билан ота-она уйда тикилиб-сиқилиб яшашга мажбур; кимдир оёғидан, кимдир қўлидан ажраган – сон-саноксиз ногиронлар ишлашга қурби етмай, арзимас нафақа билан зўрга жон сақлар эди. “Фронтвик”, “уруш қатнашчиси”, “блокадачи” деган тушунчалар кейинроқ истеъмолга кирган бўлиб, айрим имтиёзлар ҳам уларга ўтган асрнинг 70-80-йилларидангина белгиланган.

Урушда қанча одам иштирок этган, уларнинг қанчаси яраланган ёки контузия бўлган, чамаси, бу борада ҳукуматнинг ўзида ҳам аниқ-равшан ҳисоб-китоб йўқ; фақат ўшанда – ғалабанинг 20 йиллиги арафасидагина рўйхат шакллантириш ишлари бошланган эди. Ҳисобга олиш тоифалар бўйича амалга оширилди: аскар ва зобитлар алоҳида, яраланган ва яраланмаганлар ҳамда контузия олганлар алоҳида. Афсуски, “перепись” нардан-бери ўтказилди; устига-устак, бу амалиёт энди-энди пайдо бўла бошлаган, ҳали етарли малака ва тажриба шаклланмаган эди. Буларнинг бари жуда кўп одамларнинг қисматини чалкаштириб юборди. Бу қисмат менинг отамни ҳам ўн уч йилгача ўз гирдобада айлантирди.

1965 йил баҳор кунларининг бирида отам ишдан вақтлироқ қайтди. Аламзада қиёфада, қовоғи уюлган; саломимизга тарки одат қилиб ҳатто алик ҳам олмади. Чўнтагидан қип-қизил ҳарбий билетини чиқардию уйдаги якка-ёлғиз сандигимиз турадиган бурчакка отиб юборди. Туз ҳам тотмай ётиб олди. Кечки овқат маҳали маълум бўлдики, ишхонадаги барча собиқ жангчиларни эрта-лабданоқ маҳаллий военкоматларга чақириб олишибди – ҳарбий гувоҳномага “Улуғ Ватан уруши қатнашчиси” деган муҳр уриб берилармиш. Ҳамма борибди, дафтарчасини топшириб, даҳлизда кутиб турибди...

Тушликка яқин навбат оёқлаб, отам ҳам ҳужжати олибди, варақлабди – не кўз билан кўрсинки... ҳарбий юришда бўлгани муҳр билан тасдиқланиши керак бўлган 18-вараққа қўлда: “Урушда қатнашмаган” деб ёзиб қўйибди. Бу қанақаси? Унинг фронтвиклигини бутун маҳалла биллади; ишда ҳам, ҳужжатларда ҳам уруш қатнашчиси дея қайд этилган. Энди бўлса, ҳаммаси ёлғонга айланиб турса! Алам қилиб кетар экан одамга. Унинг жанггоҳдан қайтганини кўрганлар ҳали тирик-ку, ахир! Урушда олган орден ва медаллари, уларнинг ҳужжатлари ҳам бор-ку! Энг ёмони, бу касофат муҳрдан дарров ишхонада ҳамма хабар топибди.

Эслатиб ўтай, отам хизматдан бўшаши биланоқ Самарқанддаги “Кинап” заводида ишлай бошлаган. “Кинап” уруш маҳали Ленинграддан кўчириб келтирилган. Бундоқ қараганда, оддийгина бир завод. Кўпчилик, у ерда канопдан нимадир ишлаб чиқарилади деб ўйлайди. Аслида эса у собиқ СССР машинасозлик вазирлигига қарашли ёпиқ корхона бўлиб, Иттифоқ парчалангандан кейингина биз унинг ракета-ядровий қуролланиш ва фазо тадқиқига мўлжалланган асбоблар тайёрлайдиган завод эканидан хабар топдик. Бирда-ярим эса кинотеатрлар учун зарур проекторлар ҳам ишлаб чиқарилган.

Ўша кезлар отам ва унга ўхшаган кўпгина оддий ишчиларга махфий чизмалар билан ишлагани учун биринчи даражали ходим сифатида заводга кириш рухсатномаси берилган. Отам военкомат хулосасидан кейин ўзини КГБнинг (Комитет госу



ной безопасности – Давлат хавфсизлиги қўмитаси) заводдаги куратори чақириб қолишдан, урушга бордим деб алдаб юрганликда айбашлари, ҳар турли сўроқ-тергашлар, энг камида, махфий ҳужжатларга дахлдорлик учун бериладиган 30 фоизли устамадан махрум бўлишдан хавфсираб-қўрқиб юрган. У бу ҳақда бизга узоқ йиллардан кейин ёрилди. Худога шукри, ундай бўлмади. Завод раҳбарияти отамдек зарурат туғилганда ишдан кейин ҳам, дам олиш ва байрам кунларида ҳам бетама ишлаб берадиган ходимини ташлаб қўймади.

Хўш, адолатсизликка барҳам бериш учун эса нима қилиш керак, кимга мурожаат этилади? Ўша маҳалда буни на отам ва ҳали гўр мактаб боласи бўлган на мен билар эдик.

Қасдига олгандек, май ойи яқинлашган сари радио ва телевидение ғалаба мавзусида роса бонг ура бошлади. Газеталарда собиқ жангчилар ҳақидаги мақолалар, уларнинг суратлари пайдар-пай босилар, “фронтвик” дегани аста-секинлик билан кундалик оддий сўзга айлана бораётганди. Шундай кунларнинг бирида мен, ўзидан сўраб ҳам ўтирмай, отамнинг ҳарбий билетини олдим-да, Самарқанд шаҳри военкоматига бордим. Ўшанда 14 ёшда эдим-у, лекин давлат идораларида иш битиришнинг ҳавосини хийла олган, дейлик, қишлоқ совети, комсомол идораси, халқ маорифи бўлимига ҳар хил ишлар билан кўп кириб-чиқиб юрардим.

Қизил дафтарчани кўрсатиб, нимага келганимни айтишим билан, эшикбон йигит дарҳол ичкари киритиб юборди. Қабулда йигирма чоғли одам навбат кутиб ўтирибди; военком Бобокалонов деган киши экан, фамилияси, негадир, хотирамда қаттиқ ўрнашиб қолган... Навбатим келгач, муддаомни айтиб, отамнинг ҳарбий билетини кўрсатдим, орден ва медаллари гувоҳномаси ҳам бор эди. Бобокалонов ҳужжатларни олиб ҳам кўрмади, қовоғини очмай:

- Нима иш қиласан? – деб сўради.
- Ўқийман.
- Қаерда?
- Еттинчи синфда.
- Ўқувчи бўлсанг, бор, мактабинга жўна!

Мўйлови Будённийникига ўхшаб кетадиган бу ҳайбатли зобитнинг муомаласидан эсанкираганча ғизза изимга қайтдим. Орқамдан унинг овози эшитилди:

– Сендақалар битта эмас, тиқилиб кетган. Эҳ-ҳэ, шунақа кўпки!

Тоза гангиб қолдим: бу гапни менга ҳамдард бўлиб айтяптими ёки хурсандлигиданми? Билмайман. Лекин шу-шу, бу идорага қайтиб йўламадим.

Катталар билади, ўша маҳалда газетчилар аралашса, анча-мунча муаммо ҳал бўлиб кетар эди. Мен ҳам тўғри шаҳар кутубхонасига бориб, марказий газета тахламларини сўраб олиб, кўздан кечира бошладим. Улар орасида ҳарбийларнинг “Красная звезда”си ҳам бор эди. Газетада ҳарбий архивларнинг манзили ҳам эълон қилинган экан.

СССР Мудофаа вазирлигининг Москва вилояти Подольск шаҳрида жойлашган марказий архивига ўз номимдан хат ёздим. Унда: “Отам фалон-фалон. Шу-шу орден-медаллари бор. Шунга қарамай, унинг урушда қатнашгани тан олинмади”, дея арз қилдим. Рус тили ўқитувчимиз Раиса Герасимова жуда яхши ўқитгани учун аризани ўзим ёздим. Лекин муаллимамиз эринмай-оғринмай маттни текшириб, хатоларини тўғрилаб берди. Хатни ўз қўлим билан оққа кўчиргач, Самарқанд почтасидан “буюртма” қилиб, Москвага жўнатиб юбордим. Бирон йилча ўтиб жавоб келди. Мен мактабда эдим. Почтачи марка ёпиштирилмаган ҳарбий пакетни олиб келибди; уйдагилар хатни очиб ўқиб, исм-фамилиядан бошқа ҳеч нимани тушунишмаган. Хайриятки, отам ишдан келгунча уни ўзим ўқиб улгурдим: “1923 йил Самарқанд вилояти Самарқанд туманида

туғилган Аҳмад Султонов Улуғ Ватан уруши қатнашчилари рўйхатида йўқ...” Ана холос! Отам яна асабийлашмасин деб, жавобни унга кўрсатмадик, албатта. Лекин хат бир кун барибир унинг қўлига тушди; боёқиш ўқиди-ю, лом-мим демади.

Бувимнинг уч ўғли урушга кетиб, фақат отамгина тирик қайтган. Ўшанда бувим 80 яшар эди. Бир куни менга:

– У ёқларда амакиларинг ҳақида, эҳтимол, бирон нима билишар. Қани, тагин бир ёз-чи, – деб қолди.

Яна архивга хат тайёрладим. Раиса Михайловнанинг маслаҳати билан амакиларимнинг ҳар бири ҳақида алоҳида-алоҳида ёздим. Тагин бирон йилча ўтиб жавоб келди: “1917 йилда туғилган, 1940 йилда Қизил армияга ҳарбий хизматга чақирилган самарқандлик оддий аскар Аҳрорқул Султонов 1943 йил 7 августда немис-фашист босқинчилари билан бўлган жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Курск областининг Ржавецк районидаги Козловка қишлоғида дафн этилган”. Сал ўтиб, иккинчи жавобни ҳам олдик: “1919 йили туғилган Асрорқул Султонов 1941 йил ҳарбий хизматга чақирилгач, дом-дараксиз йўқолган”.

Яралар янгиланиб, кўзёшлар яна дарё бўлди. Қанча қариндош-уруғ, кўшнилари урушдан қайтмаган яқинлари учун аза очиб, қора кияр, бувим эса умид узмай, сўнг нафасигача ўғилларини кутиб яшади... (Ҳар икки амакимнинг номи ҳозир Тошкентдаги Хотира майдонида самарқандликлар қаторида битилган.)

Унгача бувим, Аҳрорқул амаким ҳақдаги маълумотномага асосан, ҳалок бўлган ўғли учун 28 сўм нафақа олар, кейинроқ урушда дом-дараксиз кетган Асрорқул амаким ҳам инобатга олиниб, нафақага яна 10 сўм қўшилди.

Мен мактабни битиргач, ТошДУнинг Журналистика факультетига ўқишга кирдим. Аввал Қаршида ишлаб, кейин Москвага яна

ўқишга отландим. Орада ҳар йили турли архивларга хат ёзишни қўймай, гоҳо “Сиз ҳам қўл қўйинг” десам, отам шўрлик “Ёзиб, мени беҳаловат қилма!” деб уришиб берар эди. Жавоблар эса ҳамон ўша-ўша: қатнашмаган, рўйхатларда йўқ...

Ҳар гал Москвадан Самарқандга келсам, отам билан уруш ҳақида гурунг қилардиг-у, лекин у кўпда очилиб сўзламади. Хуллас, билганим шу: Волхов ва Болтиқбўйи фронтлари, Ленинград қамалида бўлган. Ладога кўли бўйидаги жангда бутун полқдан фақат икки тирик жон – отам ва от қолган. Аскарлар ўзлари билан 500 кишилик овқат сиғадиган идиш – котёл-бричкани олиб юришар экан. Отам ўшани ювиш учун отга миниб, қўлга тушади ва муқаррар ўлимдан қутулиб қолади. Ўша маҳал немислар тирик жон қолмасин деб, рота жойлашган ҳудудни бомбабардимон қилади. Кейин-кейин бир нарсани сезиб қолдим: уруш кинолари берилса, отам казо-казо ҳарбий бошлиқлар телефонда гаплашаётган саҳналарни диққат билан кўрар, ўша ери келганда ҳатто “Жим туринглар!” деб бизни койиб ҳам қўяр эди.

1975 йили ғалабанинг 30 йиллигига тайёргарлик қизғин, телевизорда узлуксиз бадий ва ҳужжатли фильмлар берилар, Иосиф Сталин сурати тез-тез кўрсатилар, отам эса бу дохийни ёқтирмаслигини яширмас ҳам эди. Негаки, ўтган асрнинг 30-йилларида НЭП (новая экономическая политика – 1921 йил 14 мартда компартиянинг X съездида қабул қилинган, қисман хусусий тадбиркорлик ва бозор муносабатларига асосланган янги иқтисодий сиёсат) сабаб бобомнинг Самарқанддаги 7 та теричилик корхонаси вайрон қилинган, юзлаб одам ишсиз қолиб, бобомнинг ўзи узоқ муддат НКВД ертўласида ўтирган ва қулоқлаштиришдан мўъжиза туфайли қутулиб қолган. Отам Сталинни урушгача бўлган оммавий қатағонлар, урушнинг дастлабки йилларида ўлиб кетганлар,

аскар ва зобитлар арзир-арзимас айби учун жўнатиб юбориладиган жазо батальонлари борасида бош айбдор деб билар эди. У бир куни кино кўраётиб “Ҳаммаси ёлгон, ҳеч ҳам бунақа бўлмаган”, деди.

– Хўш, аслида қандай бўлган эди унда? – деб сўрадим мен.

– Мана эшит, битта мисол айтаман. Бир куни Волхов фронтига Сталин келиб-кетгач, СМЕРШ (1941 – 1945 йиллар собиқ Иттифоқда бир-биридан мустақил бир неча контрразведка ташкилотининг номи. Бевосита Сталинга бўйсунган) уни ва ҳамроҳларини кўриқлаган ҳамма аскар-зобитларни отиб ташлади. 300 нафардан кўп эди шўрликлар. Айби нима дейсанми? Айби – Сталин бежавфу бехатар ўтиши учун жонли коридор бўлиб тургани. Неча йиллардан кейин бу ҳақда ёзувчи Эдвард Радзинский ҳам телевизордан айтди. Билмадим, балки китобларида ҳам ёзгандир.

– Сиз қандай қутулиб қолдингиз унда?

– Мен ўшанда алоқа узелида эдим. Узел бош штабдан 10 километрлар узоқда, алоқани таъминлаш керак экан. Лекин Сталин ҳеч кимга кўнғироқ қилмади, йиғилиш ўтказдию қаёққадир ғойиб бўлди.

Ана шу суҳбатдан кейин “алоқа узели” деган жумла миямда қаттиқ ўрнашиб қолди.

1977 йил баҳори. Мен Москвадаги Касаба уюшмалари олий мактабида ўқир эдим. КГБ музейига саёҳат уюштирилди. Борадиганлар танлаб-танлаб олинган, уларнинг ичида камина ҳам бўлиб, ўша вақтда ҳарбий кафедра мудири ўринбосарларидан бири КГБнинг истеъфодаги полковниги эди. Бу музей махфий идорага қарашли ёпиқ муассаса бўлиб, тингловчилар рўйхати анкеталари билан 1-бўлим орқали ярим йилча бурун тақдим этилган.

Алҳосил, “Дзержинский” метро бекатидан чиқиб, шу номдаги майдонда қад кўтарган машхур кулранг бино ёнидан ўтдик; кираверишида “Фуқаролар 24 соат қабул

қилинади” деган ёзув тахтачаси осилган долон ҳам, яна бир нечта квартал ҳам орқада қолди. Бирор белги ёки ёзув тахтачаси бўлмаган 2-Лубянск тор кўчасидаги уйлардан бирининг долонига кирдик. Паспортларни текширишди, кейин яна рўйхат бўйича ҳисобдан ўтгач, шундан сўнггина махфий музейга қадам қўйдик.

Музейда ўта қудратли СССР махсус хизмат ташкилотининг бутун тарихи қамраб олинган. Дейлик, олмон, инглиз, АҚШлик ва бошқа хуфялардан тортиб олинган, бир замон СССРга қарши йўналтирилган курул-анжомлар, ватан хоинлари ҳақидаги материаллар; машхур разведкачиларга оид ҳужжатлар бор эди у ерда. Кўпгина экспонатлар қора мато билан ёпиб қўйилган, уларни ўз ходимлари, курсант ва талабалари келгандагина очишар экан.

Бутун бошли бир зал шўронинг биринчи кунларидан бошлаб, барча давлатда бўлгани каби махсус хизмат тасарруфидаги ҳуқуматга дохил алоқа тизимига ажратилган. Бу ердаги анча-мунча кўргазма 1941 – 1945 йилларда кечган урушга оид эди. Шундагина мен отамнинг қайси хизматда бўлганини тўла англаб етдим. Доҳий ва ҳукумат вакиллари телефон-телеграф алоқаси билан таъминлаш айнан уларнинг зиммасида бўлган-да. Ҳукумат алоқа тизими аввал НКВД таркибида бўлган, кейин эса КГБ тасарруфига ўтган.

Пайт пойлаб, экскурсоводга отамнинг уруш йилларида шахсан Сталин ёнида ишлагани, шунга кўра, ҳукуматга дохил алоқа тизимида хизмат қилган бўлиши мумкинлиги, лекин уруш қатнашчиси ҳисобига ўтмагани, имтиёзлардан батамом қуруқ қолганини айтиб бердим.

– Военкоматлар билан боғлиқ ишқал масала бу, – деди у. – Улар Мудофаа вазирлиги тасарруфида бўлгани учун бизни, негадир, назардан четда қолдиришади. Аслида, КГБ ветеранлари турли идораларга

сочилиб кетган. Уруш вақтида хизмат қилганлар военкоматга, кейингилар эса КГБнинг вилоят ва республика бошқармаларига; фуқаролик ишларида ишлаб, нафақага чиққанлар бўлса, собесга (ижтимоий таъминот идоралари) қарайди. Аслида, бизниклар ҳам ҳарбий хизматга военкоматлар орқали чақирилади. Сиз раисга хат ёзинг, ҳал қилиб беришади.

Ҳайрон бўлдим. Аниқлик киритиб олишим шарт эди. Шунинг учун ундан:

– Қайси раисга? – деб сўрадим.

– Юрий Владимирович Андроповга-да. Шахсан ўзи аралашса, тез ҳал бўлади.

Анг-танг бўлиб қолдим. Ахир, биз ўн йиллаб ҳарбий архивларга ёздиг-у, аммо мудофаа вазирга бир марта ҳам мурожаат қилганимиз йўқ-да! Ўша вазирсиз ҳам амакиларим ҳақида билиб олдик, бувимга нафақа тайинланди. Энди бўлса тўғридан-тўғри кимга денг – КГБ раиси, устига-устак, КПСС МК сиёсий бюроси аъзосига арз қилиш керак! Аввалига андак иккиланиб юрдим-у, барибир, Ю.Андроповга ёздим. Матнни қайта-қайта таҳрир қилиб, бир неча бор кўчиргач, ҳарбий кафедра мудирининг босари, полковник Ю.Черкасовга ўқитдим. У нималарнидир тузатаркан, ҳайрон бўлар, чунки хатда на манзил, на ҳарбий бўлинма, на командирнинг фамилияси бор, умуман, ушлаш мумкин бўлган бирон ҳалқа йўқ эди.

Хатни Дзержинский майдонидаги кулранг бинога ўзим олиб бориб топширишим ҳам мумкин эди-ю, лекин почтадан жўнатдим.

Ёзги таътилни ҳар доимгидек Самарқандда ўтказдим. Бир куни мактабдаги ўқитувчим, маҳалла раиси А.Салоҳиддинов мени кўриб қолдию отамдан шикоят қила кетди:

– Уруш қатнашчилари фахрий тахтасига расмини бермаётган

эмиш... Суратгирни жўнатишган экан, ҳайдаб юборибди. Бир йил-ярим йил урушда бўлганлар савлат тўкиб юрганда, саккиз йиллаб қон кечган одам бундай қилиб ўтирса...

– Военкомат билан боғлиқ машмашалардан хабарингиз бор, шекилли? – дедим.

– Жин урсин уларни! Отанг урушда бўлганини ҳаммамиз яхши биламиз-ку.

Маҳалла раисига:

– Ҳарбий бўлимга яна бир марта бориб кўраман, – деб ваъда бердим. Ҳарбий бўлимга бораманми?! Бу масала билан шахсан КГБ раиси шуғулланаётган бўлса!..

Куз ўтди. 1978 йил ҳам кириб келди. Не ниятлар билан ёзган аризамга ижобий жавоб келишидан умидимни уздим ҳам ҳисоб. Бир маҳал, февралда бўлса керак, қишки таътил тугагач, илк ўқиш кунларида деканнинг котиби менга ғалати қараб:

– Сизни 1-бўлимга чақиришяпти, – деди. – Нима, бирон ишқал қилиб қўйдингизми?

Ҳозир ҳам бор, ўшанда ҳам шундай тасаввур мавжуд эди: КГБнинг ҳар бир ташкилот-муассасадаги филиали мақомидаги 1-бўлим гўё одамларнинг сиёсий эъти-мод-эътиқодини назорат қилади. Ўша бўлимларни нуқул истеъфодаги КГБчи ёки махфий хужжатлар билан ишлаган собиқ



ходимлар эгаллаб олгани бу хил шубҳаларни янада оширар эди. Лекин уларнинг архив ишлари, махфий ҳужжатлардан фойдаланиш учун ходимларга рухсатнома расмийлаштиришга ўхшаган юмушлар билан шуғулланиши ҳам бор гап. Мен кейинчалик 15 йилча ишлаган СССР давлат телерадиосида эса 1-бўлим Кремлда ўтадиган ёки, умуман, олий даражадаги мансабдорлар қатнашадиган йиғинларда иштирок этувчи журналистларни рўйхатга олар эди.

Ўшанда Касаба уюшмалари олий мактаби маъмурияти жойлашган 2-қаватга чиқдим. Бутун бошли бинонинг биттагина эшиги бўлиб, зирҳланган ўша эшик орқасида 1-бўлим бошлиғи бўлмиш истеъфодаги полковник М.Соловьёв ўтирарди.

– Кеч бўлиб қолди, эртага КГБга бор, 8-подъезд, қабулхона ўша ерда, – деди у. Мен унинг муддаосини тушундим. У:

– Жиддий бир иш, деб ўйламайман, – деди гапида давом этиб. – Бирон нима бўлганда, шаҳар бошқармаси шуғулланган бўлар эди. Балки кейин кириб, нималигини айтарсан.

Бу билгич Михаил Иванович масаланинг биз учун қанчалик муҳимлигини билса эди!

Эртаси куни эрталаб нақ соат тўққизда хув ўша – ўзиям Дзержинский давридан қолиб кетганми, “Фуқаролар 24 соат қабул қилинади” деган ёзув тахтачаси осиклик долонга бордим. Қўриқчилардан бири паспортимни текшириб, қўлидаги рўйхатга солиштирди, бошқаси кимгадир қўнғироқ қилиб, фамилиямни айтди. Прапорщик бўлган учинчиси 7-кабинетга олиб кирдию ўзи чиқиб кетди. Чекистча яшил форма кийган хипча подполковник ўрнидан туриб, мулозамат билан кўришаркан, ўтиришга таклиф қилиб, тантанавор оҳангда:

– Отангиз масаласида шахсан раис, генерал Юрий Владимирович Андроповга арз қилган экансиз, – деди. – Унинг топшириғи билан архивлар текширилиб, отангизнинг

Улуғ Ватан урушида иштирок этганини тасдиқловчи ҳужжатлар топилди. Сизни қўмитанинг жавоб хатини олиш учун чақирган эдик.

– Раҳмат! – дедим ҳаяжонимни зўрға босиб. – Шу ҳужжатни 13 йилдан буён сўроқлаймиз. Лекин жавоб менга ёзилган, у военкоматда отамни уруш қатнашчиси деб расмийлаштириш учун асос бўлолмайди, менимча.

– Жавобни ўзингиз хатда кўрсатган манзилга жўнатишимиз ҳам мумкин эди. Лекин сизни чақиришдан мақсад отангизнинг Ўзбекистондаги аниқ манзилини олиш. Ҳужжатлар чегара қўшинлари марказий архивида турибди. Военкоматга ҳам, отангизга ҳам белгиланган тартиб асосида хат жўнатилди. Лекин бунинг учун аниқ адрес керак.

Подполковник қоғоз узатгач, мен унга Самарқанддаги уйимиз манзилини ёздим. Шундан кейин ўша тарихий хат қўлимга тегди. Кулранг конверт елимланмаган, хат СССРнинг қизил герби ва КГБнинг махсус грифи туширилган оқ қоғозга ёзилган, охирида фуқароларни қабул қилиш бўлими мудири фамилияси қўйилган, лекин негадир унвони кўрсатилмаган эди. Хатни кейинчалик Касаба уюшмалари олий мактабининг 1-бўлими бошлиғига, дўстларим, танишларимга кўрсатдим. Бироқ беш-олти йилдан кейин, ҳали Москвада эканимда хат йўқолиб қолди. Бундан қаттиқ қайғурдим.

Ўқиётганингиз мақолани аллақачонлар ёзишим мумкин, бунга сабабу баҳоналар ҳам бисёр эди. Лекин айнан хатнинг йўқолиб қолгани ёзиш иштиёқини сўндирди.

Подполковник билан хайрлашаётиб:

– Мен Касаба уюшмалари олий мактабини тугатяпман. Лекин, аслида, журналистман. Сизга бир савол берсам... – дедим.

– Аризангизга дахлдор бўлса, марҳамат.

– Наҳотки, хатим Андроповнинг ўзига етиб борган бўлса, у ёзганларимни шахсан ўқиган бўлса?

– Очиғи, буни мен билмайман. Мана, ҳозир отангизнинг манзилини архивга жўна-таман, қолгани билан улар шуғулланишади. Шу билан мен бу ишни ёпаман. Аризангиз бошлиқнинг резолюцияси, раис котибиятининг “фишка”си билан ижрога юборилган. Ўзи ўқиганми-ўқимаганми, сизга барибир эмасми. Тепадагилардан кимдир ўқигани аниқ. Муҳими – отангизнинг ҳужжатлари топилгани. Ҳа, энг муҳими шу!

Метрога кетаётиб, Горький кўчасидаги марказий телеграфдан отамга – заводнинг 6-цеҳига сим қоқдим. Фақат цех бошлиғида телефон бор эди. Иш жойига кўнғироқ қил-сак, отам доим бизни уришиб, худа-бехуда-га телефон қилманглар, дер эди. Янгиликни цех бошлиғи Евсей Самойловичга айтдим. У хурсанд бўлиб кетиб, адолат қачондир қарор топишига ишонардим, деди. Хушха-барни отамга ҳам Евсей Самойлович етказибди. Отам анча оғир-босиқ одам эди, ўта ҳаяжонланиб кетмаган бўлса керак.

1978 йилнинг апрелида тегишли хат Самарқандга етиб боргач, военкоматда отамнинг ҳарбий дафтарчасига узоқ кутилган муҳрни босиб беришди. Отам шу маълумот-номага асосан, 1981 йили “Уруш қатнашчи-си” деган гувоҳнома ҳам олди.

Шундан кейин отам кўп мукофот билан тақдирланди. 2005 йили унга биринчи дара-жали “Ватан уруши” ордени берилди (қолган барча даражаларини олиб бўлган эди). Шу муносабат билан журналистлар интервью олгани келишди. Лекин отам тайинли гап айтмади: уруш оғир кечди, лекин биз ғалаба қилдик... Тамом.

2008 йил августи. Отамнинг 85 ёшини нишонладик (у уч йилдан кейин дунёдан ўтди). Ўшанда мен:

– Ҳукуматга дохил алоқа тизимида ишлаганингизни нега ҳеч айтмагансиз? – деб сўрадим.

– Нима кераги бор? – деди.


– Керакли ҳужжатларни топиш осон бў-ларди-да ўшанда.

– “Ҳеч қачон, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳукумат алоқа тизимида ишлаганимни айт-майман, ёзиб бермайман” деб махсус бў-лимга муддатсиз тилхат берганман...

Ажабо! Нима бу – ҳарбий интизомми ёки қасамёдга садоқат? Ўзини вояга етказган ва аллақачон йўқ бўлиб кетган тизимдан қўрқувми ёки?.. Буни қандай тушуниш ўзин-гизга тан, азиз муштарий...

Ушбу хотираларни ёздим-у, ўйланиб қолдим: ўзим-чи, ўзим нега ўша олис 60-йил-ларда Москва вилояти Пушкино шаҳридаги чегара қўшинлари архивига мурожаат қил-мадим? Шу мулоҳазалар гирдобиди эрин-масдан Алишер Навоий номидаги миллий кутубхонага бордим. “Красная звезда”нинг 1965 йил тахламларини сўраб олдим. 55 йил олдинги газеталарни бирма-бир ва-раклаб, амин бўлдимки, КГБга қарашли че-гара қўшинлари архивининг манзили у ерда йўқ эди. Ўз кўзларим билан кўрдим: фақат Мудофаа вазирлиги архивлари манзили эълон қилинган, холос. Нима бу, идоралар-аро низо-ихтилофми? Ёхуд қудратли КГБ ўшанда архивлари манзилини ҳатто ўз фронтвиклари учун ҳам махфий тутганми?

Дарвоқе, ўтган асрнинг 70-йилларида Борис Васильев шу мавзуда “Рўйхатларда йўқ эди номи” деган ажойиб роман ёзди. Бу қайғули драма немис армияси СССРга бос-тириб кирган илк кунларда Белоруссиядаги Брест қалъасининг қамал қилиниши воқеа-си билан бошланади... Иттифоқ парчалан-гач маълум бўлдикки, адиб ҳарбий цензура талаби билан асардаги НКВД қўшинларига оид гап-сўзларни олиб ташлаган. Ҳа, айни ўша аскарлар номи мудофаа вазирлиги рўйхатларида бўлмаган. Уларнинг ҳаммаси ҳалок бўлган. Ҳаммасининг исм-фамилия-си, эҳтимолки, то ҳозирга қадар ҳам урушда қатнашганлар рўйхатида йўқ.



## QUYOSH AKSLANGAN DERAZALAR

### *Dilfuza KOMIL mutolaa qiladi*

Китоблар одамларга ўхшайди. Улар билан танишар экансиз, ё хурсанд бўласиз, ёки пушаймон ейсиз. Баъзилари сиз билан содда тилда, очиқ-ойдин, дўстона суҳбатлашади, турли тақдирлар мисолида ҳаётнинг паст-баландини кўрсатиб беради, яқин маслаҳатгўйингизга айланади. Баъзилари эса ичимдагини топ хилидан: уларни англаш, ишораларини уқиш учун ақл-заковатни ишга солмоқ даркор. Айримлари чечанлик билан одамни алдайди, иблистабиат кимсалар сингари тўғри йўлдан оздирмоқчи бўлади – улар билан танишиб қолганингиз учун тавбалар қиласиз. Яхши китобларда эса ёлғон йўқ – ичингизни ағдар-тўнтар қилса-да, ҳақиқатни англаш, ҳаётнинг маънисини уқишга қўмак беради. Бири оддий, бири минбарда туриб халқни чалғитадиган нотикддек жимжимадор сўзлайди. Бирининг сирти ялтироғ-у, ичи бўш; бири одми-ю, ичи тўла хазина. Бирининг умри узун, бошқасиники қисқа...



### **ҚҲЙНИМИЗДАГИ ИЛОН** Sabahattin Ali. İçimizdeki Şeytan. “Ayrinti”, 2019.

“Гапларинг бари ҳақиқат, аммо буларни бошқа ҳеч ерда айта кўрма!” дейётган ғофиллар менга номуссизлик таклиф қилаётганларини ўйлаб ҳам кўрмайдилар”. Бу жумлалар турк адиби Сабоҳиддин Алига (1907 – 1948) тегишли. У Туркия ҳукумати раҳбарларини танқид қилгани, жамиятдаги зиддияту фожиаларни аямай очиб ташлагани учун ҳали ишидан, ҳали эркидан мосуво этилиб, таъқибга учраган.

Ёзувчининг "Ичимиздаги шайтон" ("İçimizdeki Şeytan") романи 1940 йил босмадан чиққан. Ҳитлер, Сталин ва Муссолини жаҳон урушига дамба-дам мой сепаётган; ҳар ёнда ҳақсизлик, зўравонлик; шайтоний кучлар оёққа турган; Туркияда ҳитлерчилик ёйилаётган бир давр. Зулми ёқламаслигини очиқ айтаётгани учун Сабоҳиддин Алига "коммунистик ғоя тарғиботчиси" деган тухмат билан жиноий иш очадилар...

Роман бош қаҳрамони Умар – зиёли инсон. Аксар ёшларга насиб бўлмаётган бахт соҳиби, яъни университет талабаси. Фалсафа факультетида ўқийди. Атрофидаги дўстлари, танишлари ҳам чакана одамлар эмас: номи чиққан ёзувчи-шоир, журналисту сиёсатчилар. Романи ўқир экансиз, кўз олдингизда халқ хизматидаги маънавияти юксак одамлар эмас, кези келса, ўз дўстларининг молигаю номусига хиёнат қилишдан ҳам қайтмайди; ресторанларда мақтаниб кўкракка уриш билан бошланган ароқхўрликдан сўнг, маишатнинг пулини ким тўлаши борасида жанжаллашадиган; сўзи бошқа, амали бошқа кимсалар гадаланади. Зиёли ниқобида югани учун ҳам одамлар уларга (бунақалар ҳар ерда, ҳамма замонда бор!) ишонади.

Умар бу мунофиқларни яхши билади, ўзи ҳам тобора уларга ўхшаб бораётганидан виждони қийналади, аммо бу даврани ташлаб кетолмайди. Иродасизлик ва моддий қийинчилик кўрқуви йўл бермайди бунга.

Романда сизни яна Умарнинг рафиқаси ва дўстлари: консерватория талабаси, пианиночи қиз Мажида; олийгоҳ ўқитувчиси Бадрибей, ёш йигит Ниҳат ва бутун сиёсий-ижтимоий-иқтисодий ғавғолари билан Истанбул қаршилайди.

Умарнинг дўсти Ниҳатнинг бошида ҳам йўқчилик савдоси бор. У пул учун энг яқин дўстига таҳдид қилишдан ҳам, ҳитлерпарастлардан фойдаланиб, соядаги кучлар билан ҳамтовоқ бўлишдан ҳам қайтмайди йигит. Ниҳат ҳам, унинг атрофидаги "зиёли"лар ҳам асл мақсадларини ватан ва миллат сўзлари кўп-кўп қўлланадиган оташин нутқлар билан пардалайди. Улар хатарнок тарғибот таъсирига тушиб, жувонмарг бўлиб кетаётган ғўр ёшлар фожиасини хотиржам кузатадилар.

Турк дўстларимизнинг айримлари романи "Умар ва Мажданинг муҳаббат ҳикояси" дея таърифлайдилар. Менинг бунга эътирозим бор: тўғри, Умар ва Мажида бир-бирини севди, лекин романда ҳеч қандай муҳаббат ҳикояси йўқ. Билъакс, кулфат ҳикояси бор: ўзининг ожизлиги, кўрқоқлиги, иродасизлиги ортидан содир қиладиган гуноҳларини шайтонга тўнкаб таскин топадиган одамларнинг кулфати ҳикояси!

Умар Мажидага уйланмасидан аввал атрофидаги "зиёли" дўстларидан қарз олиш ҳисобига кун кечирар эди, кейин ҳам ҳаёт тарзини ўзгартирмади. Кунларини яна ўша давраларда, фалсафа ва сиёсатдан қуруқ баҳс этишлар билан ўтказди. Оила масъулиятини ҳис этмади, Мажданинг ишончини оқламади. Сиёсий қарашлари ортидан қамалиб ҳам кетди. Бу тутқунлик асида унинг учун бир имконият эди: ҳаёт тарзини очиқ кўз билан таҳлил қилиб, ўзи учун хулосалар чиқариши, жазо муддати тугаганида Мажданинг ёнига бутунлай бошқа одам бўлиб қайтиши мумкин эди. Аммо бунга ҳам иродаси етмади. Ва... оиласига доимий моддий ёрдам бериб келаётган дўсти Бадрибейга Маждани тухфа қилишгача борди. "Истасанг уни бир рафиқа, истасанг бир сингил сифатида ёнингга ол. У дунёнинг энг чиройли хилқати", дейди Умар зулм урчиган даврда ҳам одамийлигини сақлаб қола билган муаллим Бадрибейга.

Романда ҳар биримизнинг ичимизда мавжуд бўлган шайтон – ожизлик, кўрқоқлик, иродасизлик ва жаҳолатдан баҳс этилади. Унга таслим бўлган одам ҳақиқатнинг



номини эшитишдан ҳам қўрқади; олим бўлса ҳам, одам бўлолмайди; минбарларни эгаллаганча “халқим”лаб шеър ўқигани билан, халқ ичида шараф тополмайди; элнинг нонини еб туриб, унга нонкўрлик қилади; сиёсатчиман дейди-ю, мустақил фикри йўқ... “Оддий емакхона официанти ёки оддий бир қайиқчи ҳам ҳаётда кўрган-билганларидан хулоса чиқара олади. Улар ўз шахсий фикрига ҳам эга ва бу жиҳатлари билан бизнинг зиёлилардан устун”, дейди Сабоҳиддин Али. “Ичида мустақил фикр бўлмаган бошни елкасида ташийдиган мен каби инсонлардан кўрқиш керак” дейди Умар. Ҳа, қилган гуноҳлари, хато-қусурлари учун ҳеч қачон ўзини айбламайдиган, “мени шайтон йўлдан урди. Шайтон васаваса қилди. Буни у қилди...” дейдиган ўша Умар айтади буни. “Биз эшқаксиз қайиқда оқим бўйлаб сузадиган ва ағдарилиб кетгани ҳамоно айбни кўзга кўринмас кучларга тўнқайдиган заифлармиз” – у ақли бошига келган онларда шундай дейди-ю, аммо барибир тавба йўлига қайтмайди.

Бу тавсифлардан кейин Умардан ҳафсалангиз пир бўлиши мумкин. Лекин романи ўқисангиз, Сабоҳиддин Алининг теран психологик таҳлиллари боис, қилмишларига қарамай, Умарни ёмон кўролмайсиз. Унинг ожиз жиҳатларида туйқус ўзингизнинг ички оламингиз, феъл-атворингизга дахлдор жиҳатларни кашф эта бошлайсиз. Ҳақиқатни кўриш, уни тан олишдан қочиш одатимиз ҳақида усталик билан эслатади ёзувчи.

Айни чоқда, муаллиф мени баъзи воқеаларнинг ҳаётий эканига ишонтиролмади. Дейлик, Бадрибей билан Мажданинг тоза одамлар экани шу қадар куюк бўёқларда берилдики, тасвир ҳаётийликдан йироқлашади; қизни худди эртақлардаги мўъжизалар мамлакатидан келиб қолган пари дейсиз. Мен буни ёзувчининг тозақалб одамларга бўлган соғинчи деб қабул қилдим.

Асар хотимасида ёлғиз қолиб кетган Умарнинг кечмиши Қуръоннинг ушбу оятини ёдга солади: “Шайтон инсонни ёрдамсиз ташлаб кетгувчидир” (“Фурқон”, 29-оят). Ва ихтиёрсиз такоррайсиз: “Эй Роббим, Сендан шайтонларнинг васвасасидан паноҳ сўрайман!” (“Мўъминун”, 97-оят).

...Таҳдиду тайзиқларга қарамай, ўз маслагидан воз кечмаган Сабоҳиддин Али ҳажвий-сиёсий газета нашр қилади. Унинг бошига шундай кўргиликларни соладиларки, юртпарвар бу инсон Булғория томон қочмоқчи бўлади. Туркиядан чиқиб кетаётган чоғида уни хоинларча ўлдирдилар. Ўшанда адиб бор-йўғи 41 ёшда эди.


## КУЛФАТЛАРНИНГ БОШИ – ҚЎРҚОҚЛИК

Михаил Булгаков. Мастер и Маргарита. Москва, “АСТ”, 2009.

Михаил Булгаковнинг “Уста ва Маргарита” романи енгил ўқилмайди, осон ўқилмайди. Асар моҳиятини тўлиқ тушуниш учун китобхон фалсафа, адабиёт, тарих, психологиядан маълум даражада хабардор бўлиши лозим.

Мен бу романи мактаб йилларида ўқиганман. Ўшанда рус тили ва адабиёти ўқитувчимиз асар мағзини чақиш учун Гётенинг “Фауст”, француз файласуфи Жозеф Эрнест Ренаннинг “Исонинг ҳаёти” асарини ўқиб чиқиш, умуман, Исо (а.с.) билан боғлиқ маълумотларни ўрганиш, Кант фалсафаси билан танишиш кераклигини айтган эди. Тавсиялари учун ўқитувчимдан ҳали-ҳануз миннатдорман.

“Уста ва Маргарита” сюжетини жўнгина қилиб тушунтираман деган одам унинг оҳорини тўкиб қўяди. Ёзувчи икки минг йиллар олдин Исо (а.с.) ва у зотни ўлимга ҳукм қилган Иудея прокуратори Понтий Пилат билан боғлиқ тарихий кечмишни, худосизлар Москвасида шайтон иштирокидаги фантастик воқеаларга моҳирона



боглайди. Адиб романни ёзишни 1920 йилда бошлаб, уни умрининг охиригача тамкомиллаштириб борган. Вафотидан бир неча кун олдин ҳам, оғир хаста ётганига қарамай, қўлёмани қайта-қайта сайқаллашга уринади.

Роман эътиқод душмани бўлмиш коммунистик партия ҳукмронлик қилиб турган, Сталиннинг қатагон машинаси бор қудрати билан ишлаётган, адабиёт ҳам тўлиғича ташвиқот қуролига айлантирилган, қулоқлаштириш сиёсати роса кучайган бир даврда ёзилади. Худосизлар яратган тузум узоққа бормаслигини башорат қилган асар шўроча адабиёт қолипига сиғмаслиги аниқ бўлган.

Михаил Булгаков умр бўйи моддий муҳтожликда яшаган бўлса-да, тўкин ҳаёт илинжида виждонини сотмай, ўзини ташвиқот қуролига айлантиришларига йўл қўймайди. Бошқа қаламкашлар каби махфий идоранинг дастёрига айланиб қолиб, ҳукуматга ялтоқлик қилмайди. Ҳамкасблари худосизлар ҳукуматини шарафлаш ортидан шоҳона яшаганда, у эътиқод ва виждонни асрайди. Шунинг учун ҳам ҳаммаша кузатувда бўлади, таъқибу тазйиқларга учрайди. Китоблари чоп этилмас, пьесалари театр репертуаридан олиб ташланар, асарлари ғаразғўй адабиётшунослар томонидан аёвсиз танқид қилинар, ўзини адабий давралардан четлаштиришар, ишдан ҳайдаб, муҳтожликка маҳқум этишарди...

“Уста ва Маргарита” ана шундай талотўплар ичида яратилди. Қаҳрамонлар ҳаётдан олинган, аксарининг прототиби бор. Булгаковшунослар журнал муҳаррири Берлиоз образида Россия пролетар ёзувчилар уюшмаси раиси Леонид Авербахга; Иван Бездомнийда Демьян Бедний, Иван Приблудний, Михаил Голодний, Максим Горькийга ишоралар бор, дейдилар. Чунончи, Д.Бедний уюшма буюртмаси асосида атеистик дoston ёзган экан. Танқидчи Латунскийда эса адиб ўзининг ашаддий танқидчиси, “Булгаковчиликка қарши” сарлавҳаси остида мақолалар ёзган Осаф Литовскийни гавдалантирган.

Маргаританинг қиёфаси ва сифатлари ёзувчининг рафиқаси Елена Сергеевнадан олинган экан. Эвакуация пайтида Анна Ахматова жойлаштирилган хонада ундан олдин шу аёл яшаган. 1943 йилда шоира “Бу хонада авваллари бир ёсуман яшаган, тўлин ой кечалари мен унинг шарпасини кўраман” деган мазмунда шеър ҳам ёзган. Владимир Лакшиннинг хотираларида баён қилинишича, 1960 йилда “Новый мир” журнали бош муҳаррири Александр Твардовский Елена Сергеевнага кўнғироқ қилиб, адиб асарининг чоп этилиши бўйича келишиб олиш учун уни тахририятга таклиф этади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, у худди Булгаков Маргаритани тасвирлаган қиёфада кириб келади. Анчагина масофадан бу қадар қисқа вақтда етиб келганидан ҳайратланган Твардовский қандай транспортда келганини сўраганида, аёл оддийгина қилиб “супургида” дейди...

Айтишларича, Елена Сергеевна танқидчи Осаф Литовскийнинг Булгаковни бадном қилишга қаратилган яна бир мақоласидан сўнг уни заҳарлаб ўлдиришга онт ичган экан. У Булгаковни қаттиқ ардоқлаган. Адиб вафотидан кейин унинг барча қўлёмаларини йиғиб-тахрирлаган, “Уста ва Маргарита”ни нашрга тайёрлаган ҳам шу аёл бўлади.

Асар Худонинг йўқлиги ҳақида баҳс юритиб турган Берлиоз ва шоир Бездомнийнинг шайтонга йўлиқиб қолиши воқеасидан бошланади. Берлиоз шоирга Исо пайғамбар ҳақидаги инончларнинг афсона экани ҳақида дoston ёзишга буюртма берган бўлиб, асар яқин орада матбуотда чоп этилиши керак эди. Бу жоҳилона режага шайтоннинг ўзи нуқта қўяди. Ҳа, Берлиознинг “бизда ҳеч ким Худога ишонмайди” деган гапидан сўнг ботаётган қуёшнинг сўнгги нурлари акс этаётган деразаларга, худди уларнинг ҳар биридан биттадан атеист қараб тургандек хавотир билан кўз

югуртирган, “билиб кўйинг, у бор” дея пичирлаган шайтон! Рус адиби Гётенинг “Фауст”идаги “мен ҳаргиз ёмонлик тилаб, яхшилиқ қилгувчи кучнинг бир қисми” деган тезисни эпик талқин этгандек.

М.Булгаков ўз романини яширин сақлайди, шу боис адибнинг ғоявий душманлари, ғаразгўй ҳамкасбларию ичи қора танқидчилар муҳташам асар яратилганидан бехабар қоладилар. Бундан махсус хизматлар ҳам бехабар эди, деб бўлмайди. Чунки чекистлар Булгаковнинг квартирасида бир неча марта тинтув ўтказгани ҳақида маълумот бор...

## ГУЛХАНДА ЁНМАГАН АСАР


**Борис Пастернак. Доктор Живаго. Москва, “Эксмо”, 2017.**

Ёзувчи Борис Пастернак “Доктор Живаго” романида шифокор ва шоир Юрий Живагонинг 1917 йил инқилобига ва ундан кейинги ҳаёти воситасида тузумнинг чиркин томонларини очиб берган. Асар қаҳрамонларидан бири тарихий давр тўғрисида “Инқилоб инсониятнинг ярми устида ўтказилган тажриба бўлди. У бойнинг ҳам, қашшоқнинг ҳам ҳаётини бўрондек супуриб кетди, деярли барчани бахтсизликка маҳкум этди” дейди. Бутун роман мана шу хулосанинг ҳаққонийлигини исботлашга йўналтирилган.

Асар тақдирдан хавотирланган Борис Пастернак 1956 йилнинг май ойида чет эллик журналист Сержио Д’Анжело билан ўзининг Москва яқинидаги далаҳовлисида учрашиб, унга кўлёзмаларни топширади. Хорижликнинг хотирлашича, адиб унга “Хулласи калом, менинг отиб ўлдирилишимда ҳозир бўлишингизни илтимос қиламан” деган ачиқ киноя билан. У ўша ҳафтадаёқ Москвадан Берлинга учиб кетади ва кўлёзмаларни италиялик ношир Жанжакомо Фельтринеллига топширади. Бундан хабар топган совет ҳукумати ва Италия компартияси раҳбарлари ноширдан романини чоп этмасликни қатъий талаб қиладилар, аммо Фельтринелли уларга қулоқ солмайди ва 1957 йил ноябрь ойида роман италян тилида босмадан чиқади.

Турган гапки, Октябрь инқилоби, социализм ва коммунистик ғоя моҳиятини “бузиб” кўрсатган асар муаллифига ҳужумлар бошланади. Бир гуруҳ таниқли ёзувчилар Пастернакка очиқ хат ёзиб, уни буржуа мафкурасига ён босишда, ватанга хиёнат қилишда айблайдилар. Партия топшириғига кўра, собиқ иттифоқ таркибидаги барча республикаларнинг ёзувчилар уюшмасида, жумладан Ўзбекистонда ҳам Борис Пастернак ва унинг асарини қоралаб йиғинлар ўтказилади.

Профессор Озод Шарафиддинов бундай хотирлайди: “Бугунги кунда бундай йиғинлар ўтганининг ҳеч ажабланидиган жойи йўқ, деб қараймиз. Зеро, шўролар замонида қолипга сиғмаган ёзувчи ҳамма вақт ҳар хил йўллар билан қораланиб келган. Мени лол қолдирган нарса бошқа эди – бизнинг уюшмамиздаги йиғинга бел боғлаб келганлар ичида Пастернакни биладиган одамларгина эмас, умрида унинг номини эшитмаган зотлар ҳам бўлиб, улар зўр ҳужумга шай туришарди. Улар “Доктор Живаго” романини умуман ўқимаган эдилар. Шунга қарамай, сўзга чиқиб “Мен “Доктор Живаго”ни ўқиган эмасман, лекин Пастернакни бутунлай қоралайман, бунақа хоинга совет ёзувчилари сафида ўрин йўқ!” деб ҳайқирдилар. Мажлис Пастернакни яқдиллик билан қоралади. Ёзувчилар, яъни халқ назарида энг пешқадам, энг фикри очиқ, энг халқпарвар зиёлилар йиғинида бир одам топилмадики, “Эй биродарлар, асарни ҳеч қайсимиз ўқимаган бўлсак, гап нима тўғрисида бораётганидан бехабар бўлсак ва умуман, Пастернакнинг ўзини тузукроқ билмасак, унинг фикр-мулоҳазаларини эшитмаган бўлсак, қандай қилиб уни қоралашимиз мумкин?



Бу виждонга, инсофга хилоф иш-ку!" деса... Йўқ, биз жоҳиллик билан Пастернакнинг юзига тупурдик. Энди аён бўлмоқдаки, ўшанда... Пастернакнинг эмас, ўзимизнинг башарамизга туфлаган эканмиз".

Романни ўзбек тилига таржима қилган профессор Санжар Содиқнинг билдиришича, ўша кезлар адабиётга мутлақо алоқаси йўқ мажлисларда ҳам нотиклар аввал шу асарни қоралаб олиб, кейин асосий масалага ўтар экан.

Атрофида шу хил ғавғолар кетаётган вақтда асар дунё бўйлаб бестселлер бўлишга улгурди, аксилшўроча роман Ғарбнинг нуфузли нашрларида қизгин муҳокамаларга сабаб бўлди. 1958 йили француз адиби Альбер Камю Борис Пастернакни Нобель мукофотига номзод этиб кўрсатди. Швеция академияси буни қўллаб-қувватлади ва у нуфузли мукофотга лойиқ кўрилди.

Адибнинг келини Наталья Пастернакнинг ҳикоя қилишича, қайнотаси иззат-икром ва шон-шухратдан боши айланмайдиган, мулоҳазали одам бўлгани учун хушxabарни ниҳоятда хотиржам қабул қилган. Адибнинг рафиқаси эса қаттиқ қувонган бўлса ҳам, турмуш ўртоғи тақдиридан хавотирга тушиб қолган.

Б.Пастернакнинг Нобель мукофоти лойиқ кўрилиши саркотиб Никита Хрущёвни қаттиқ ғазаблантирган ва у партия арбоблари йиғилган бир даврада адиб шаънига ҳақоратли гап айтган. Партия нашрларида Пастернакни "фoш қилувчи" мақолалар босилади. "Сиёсий хушёр" ёзувчи-шоирлар адибни ватанга хиёнатда айблаб, уни шўро фуқаролигидан маҳрум этишни таклиф қилади. Алалоқибат, адиб СССР Ёзувчилар уюшмасидан ҳайдалади, унга мамлакатдан чиқиб кетиш талаби қўйилади. "Бу асарим учун ҳар қандай қурбонликка розиман!" дея кўргиликларга мардонавор чидаб келаётган адиб азбаройи юртпарварлигидан сургун ҳақидаги гапларни кўтаролмайди. Никита Хрущёвга мактуб ёзиб, мамлакатдан чиқариб юбормасликни илтимос қилади. "Мен тақдиримни ватанимдан айро тасаввур қилишга ҳам қодир эмасман" дейди у. Таҳдид ва босимлар шу қадар кучаядики, адиб Нобель мукофотидан воз кечишга мажбур бўлади. Бундай хўрликлар соғлиғига жиддий путур етказди. У хасталаниб, икки йил тўшақда ётади ва вафот этади. Тартиб-қоидага кўра, воз кечилган мукофот пули Нобель жамғармасига қайтарилади, мукофотни эса 1989 йилда ёзувчининг тўнғич ўғли Евгений Стокхольмга бориб олади.

Вафотидан сўнг мухлислар Пастернак яшаган далаҳовлини бориб кўришга, унинг оила аъзолари билан учрашишга ошиқдилар. Адибнинг рафиқаси Зинаида Николаевна уларни далаҳовли бўйлаб айлантириб, адиб ҳақида ҳикоя қилиб берар эди. Турган гапки, бу ҳам ҳукуматга маъқул келмади. Далаҳовли Ёзувчилар уюшмасига тегишли экани рўқач қилиниб, суд ижрочилари ва ҳуқуқ-тартибот ходимларидан иборат гуруҳ у ердаги ҳамма буюмни кўчага улоқтирди, адибнинг оила аъзоларини ҳайдаб чиқарди. Ҳовли узоқ йиллар бўш турди. 1987 йилда эса унга ўт қўйиб юборишди...

1999 йил ЮНЕСКО томонидан "Пастернак йили" деб эълон қилингангина, адиб яшаган ўша уй адабиёт музейи филиалига айлантирилди. "Доктор Живаго" дунё бўйлаб турли тилларда чоп этилди, миллионлаб нусхаларда сотилди. Роман асосида ишланган фильм 1965 йилда "Оскар" мукофотини олди. СССРда у фақат қайта қуриш ислохотлари даврида – 1988 йилдагина нашр этилди.

"Доктор Живаго" – оламшумул асарларни ўз виждонига хилоф иш қилмаган, тузумлар ва сиёсатлар малайига айланмаган, ялтоқликдан нафратланиб, адолат талаби билан яшаб-ижод қилган шахсларгина ярата олишининг ёрқин мисолидир.





## Jahoniy hukmronlik mafkurasi

Неоконсерватизм чуқур ижтимоий-маданий ва тарихий илдизга эга. Бирламчи вазифаси ташқи сиёсий жараёнга таъсир ўтказиш бўлган бу мафкура ярим аср мобайнида АҚШ ички ва ташқи сиёсати аънаналарига салмоқли таъсир кўрсатиб, турли даврларда етакчи мавқега даъвогарлик қилди. АҚШ неоконсерватизмининг шаклланиш тамойилларига эътибор қилсак, унинг интегртив кўринишдаги мафкура эканини кўрамиз. Чунки у ўз таркибига ҳам ўнг, ҳам сўл ғояларни қамраб олган; асосий базасининг шаклланиш жараёни сўл социализмдан ўнг консерватизмга, демократлардан республикачиларга ўтиш тадрижи билан боғлиқ ҳолда кечди.

Неоконсерватизмнинг муҳим тамойиллари Сэмюэл Хантингтон ва Фрэнсис Фукуяма каби америкалик машҳур сиёсатшуносларнинг назарий концепциясида акс этган. Унга кўра, Вашингтондаги сиёсий бошқарув жамоасининг ўзгариши неоконсерваторларнинг сиёсатдан кетишини англатмайди. АҚШдаги ҳар қандай партиявий ҳукумат даврида неоконсерватизм партияюсти, миллий, у ёки бу ташқи сиёсий вазифани ҳал қилишнинг муқобил ечими сифатида мавжудлигини сақлаб қолади.

Неоконсерваторлар сиёсий ҳамда публицистик фаоллиги, турли даражадаги ақлий марказ ишларида иштирок этиши, ҳар хил лоббистик ташкилотлар тузишда жонбозлик кўрсатиши билан ажралиб туради. Шу жиҳатида кўра, классик консерваторлардан фарқ қилади (*Пайнс Б. Назад к асновам // США: консервативная волна. Пер с англ. / Введение и общ. ред. А.Ю.Мельвиля. Москва, "Прогресс", 1984. Стр.28*).

Неоконсерватизм намояндаларининг ташқи сиёсатга муносабати ўзига хос. Айнан шу сабабдан улар АҚШ ва чет эл оммавий ахборот воситалари назарига тушди.

Совуқ урушнинг тугаши билан сиёсий майдонга неоконсерваторлар иккинчи авлодининг кели-

ши АҚШ ички ва ташқи сиёсий ёндашувини қайта мафкуралаштириш эҳтиёжини юзага чиқарди. Эндилқда улар юзага келаётган бир қутбли тизим барқарорлигининг кафолати сифатида АҚШнинг глобал ҳукмронлик ғоялари билан узвий боғланган. Неоконсерватизмнинг асосини АҚШнинг жаҳоний етакчилигига эришиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, демократияни ёйишда АҚШ фаоллигини кучайтириш, зарурат тугилса, буни тажовузкорлик билан бўлса ҳам амалга ошириш кабилар ташкил этади.

Неоконсерватив сиёсий доктринанинг бош тамойили – АҚШ миллий манфаатлари тушунчасининг юқори даражада кенг эътирофига эришишдан иборат. Уильям Кристолнинг ёзишича, буюк ҳокимият учун миллий манфаатлар геосиёсий тушунча ҳисобланмайди. Фақат кичик давлатларнинг манфаатлари ўз чегараси доирасидан чиқмайди ва уларнинг халқаро сиёсати кўпинча мудофаавий хусусиятга эга бўлади, холос. Йирик давлатларнинг манфаатлари ҳам йирик бўлади. АҚШ ҳар доим нодемократик қучлар таъсиридан демократик тузумларни ҳимоя қилиш мажбуриятини ҳис этади (*Дрязунов К. Неоконсерватизм как идеология мировой гегемонии США. <http://rossiyanavsegda.ru/read/561/>*).

Асримиз бошидан АҚШда неоконсерватизмнинг сиёсий жараёнларга таъсири яққол намоён бўлди. 2000 йилги президентлик сайловида ғолиб чиққан кичик Жорж Буш аслида неоконсерваторлар номзоди бўлмай, улар ўз қарашларига анча яқин бўлган Жон Маккейнни қўллаб-қувватлашган эди. Аммо Маккейн ғолиб бўла олмади. Неоконсерваторлар кейинчалик Ж.Бушни қўллаб-қувватлашди ва Буш уларнинг таъсирида мазкур йўналишда фаолият юрита бошлади. Ҳукуматнинг концептуал ёндашувини акс эттирган "Буш доктринаси" неоконсерватив ғоялар таъсирида шакллантирилди. У тўлиқ ҳолда 2002 йилги Миллий хавфсизлик стра-

тегиясида намоён бўлди. Унда АҚШнинг ҳам иқтисодий, ҳам ҳарбий соҳадаги етакчилиги эътироф этилиб, мавжуд дунё тартиботи ҳимояси зарурлиги ҳам баён қилинди.

Мураккаб халқаро вазият шароитида коммунистик тизим устидан ғалаба қозонилгандан сўнг Америка янги таҳдид билан тўқнашди. XX аср мафқурасидан кескин фарқ қилувчи диний фанатизм юзага келди. Лекин беқарорлаштирувчи манба бўлмиш сабрсизлик, тоқатсизлик, тажовуз, террор ва қатагонлар ўзгармасдан қолмоқда. Асосий душман сифатида халқаро терроризм тан олинди ҳамда “ноқобил давлатлар” тушунчаси расман эътироф этилди. 2002 йил сентябрида Ж.Буш БМТдаги чиқишида Ироқдаги оммавий қирғин қуроли борасида хабар бериб, ҳал қилувчи таъсир заруриятини таъкидларкан, Ироқ халқининг озодлиги юксак ахлоқий асос ва буюк стратегик мақсадга эга эканини айтади (*Transcript of George Bush's*

*speech to the UN general assembly. // The Guardian. 12.09.2002).*

АҚШда кичик Ж.Буш президентлиги даври якунига келиб неоконсерватив қарашларга бўлган танқидлар кучайди. Илмий жамоатчилик томонидан давлатнинг ташқи сиёсий амалиётга таъсири салбий баҳоланиб, радикал мафкура сифатида талқин қилина бошлади. Неоконсерватизм таъсирида шаклланган сиёсат АҚШнинг глобал етакчилик имижига салбий таъсир кўрсатди.

Умуман, АҚШда шаклланган неоконсерватизм сиёсий мафқураси сўнгги ярим аср мобайнида бутун дунё халқаро муносабатлар тизимига ўз таъсирини ўтказиб келмоқда. Хусусан, бу давлатнинг Яқин Шарқ минтақасидаги ташқи сиёсати айна шу йўналишда амалга оширилди.

**Аброр Тўраев,**

*Жиззах давлат Педагогика институти  
катта ўқитувчиси*

## Qanday yashamoq kerak?

Қадим-қадимдан жамиятда тенглик ва адолатни таъминлаш, фуқароларга бирдек фаровон ҳаёт тарзи яратиш муаммоси устида бош қотирилган. Афсуски, бу борада ҳаммани қаноатлантирадиган ягона тўғри ечим топилганча йўқ. Шунинг учун бу масала ҳамон долзарб.

Афлотунга кўра, тенглик тамойили умумийлик тамойили билан уйғунлашиб кетади. У ижтимоий муносабатларда адолат принципларининг бузилиши негизда хусусий мулкнинг айрим олинган кишилар қўлида кўпайиб кетиши ётади, деб ҳисоблайди. “Бой деб жуда катта маблағ билан баҳоланадиган мулкни ўзлаштирган айрим одамларни айтадилар, гарчи у яхши одам бўлмаса-да” (*Афлотун. Қонунлар. Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2002. 153-154-бетлар*). Кўриниб турибдики, файласуф хусусий мулкка салбий муносабат билдирган. Бироқ бой одам борки, барини ёмон деб баҳолаш адолатдан эмас. Худди шунингдек, камбағал одам борки, барини яхши деб ҳам баҳолаб бўлмайди. Чунки инсониятнинг бирон-бир тоифа, табақа ёки касб-хунар вакилларини ёппасига яхши ёки ёмон деб ҳисоблаш мантиқсизлик.

Арасту фикрича, “Аксар зиддият мулкка умумий тарзда эгалик қилиб, ундан биргаликда фойдаланадиганлар орасида юз беради” (*Аристотель. Сочинения. Т. 4. Москва, “Мысль”, 1983.*

*Стр. 411*). Бунинг исботини инсоният ўз бошидан кечирган бир неча минг йиллик тарих силсиласида, хусусан, 74 йил ҳукм сурган собиқ Иттифоқ мисолида яққол кўришимиз мумкин. Тўғри, ибтидоий жамоа тузумида одамлар бир муддат барча нарсага биргаликда эгалик қилиб, аҳилликда яшаган. Бироқ вақт ўтиши билан орада зиддият, низолар келиб чиқиб, олтин давр инқирозга юз туттади. Оқибатда бир вақтлар тенг ҳуқуққа эга инсоният бойиб кетган ҳукмрон табақа ва камбағаллашиб қолган қуйи табақага бўлиниб кетган. Бир томонда бойлар роҳат-фароғатда яшаса, иккинчи томонда камбағаллар машаққат билан кун кечирган. Улар ҳаётидаги “қашшоқлик эса нафрат ва жиноят манбаи” (*ўша манба, 416-417-бетлар*) сифатида жамият ҳаётида зиддият кучайиб боришига асос бўлади. Кундан-кунга камбағаллашиб борган қуйи табақа вакиллари мол-мулки тобора кўпайиб бораётган юқоридагиларга доимо адоватда бўлиб, вужудга келган ноҳақликка барҳам бериш йўлини излаган. Улар мақсадга эришиш учун баъзан очикча, гоҳо эса пинҳона кураш олиб бориб, қулай фурсат келишини узоқ кутишади. Бу жараёнда қуйидан чиқиб ҳукмрон табақага айланганлар ҳам бўлган, албатта. Лекин улар ҳам аввалги ҳолатини унутиб, жамиятда адолатни таъминлай олмасдан, ўз ўтмишдошлари хатоси-

ни давом эттиришган. Натижада тарих гилдираги яна бошқатдан айланишни бошлайди.

Хўш, кишилик жамоаси тенгликда, ахилликда яшаши учун нима қилмоқ керак? Биринчидан, одамда муайян миқдорда хусусий мулк бўлса, у меъёрида ҳаёт кечирши учун етарли. Мулкни сақлаб қолиш ва кўпайтириш учун эса, албатта, тинимсиз меҳнат қилиш зарур. Иккинчидан, кимда хусусий мулк бўлмаса, у сабр-қаноат билан ҳаракат қилса, келгусида унга албатта эга бўлади. Учунчидан, жамиятдаги бошқа ижобий жиҳатларни шакллантириш учун одамлар орасида ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик зарур. Бунга эса фақат узоқ мушоҳада юритиш ҳамда изчил саъй-ҳаракат орқалигина эришиш мумкин.

Дастлабки қарашда содда бўлиб кўринадиган, аммо моҳиятан инсонлик жамиятининг энг муҳим талабларини ўзида мужассам этган юқоридаги каби тамойиллар ҳозирги жамиятимизда кечаётган жараёнларга ҳам бирдек алоқадор. Бугун баланд-парвоз, мужмал, оддий одамларга тушунарсиз широрлардан воз кечиш, одамларнинг моддий турмуш тарзини яхшилашга хизмат қиладиган, уларнинг орзу-умидларини реал ифодалайдиган ғоялар илгари сурилиши лозим. Бу ғоялар кишилар қалби-

даги эзгу мақсадларни ўзида мужассамлаштириб, уларни рўёбга чиқаришга кўмаклашмоғи зарур.

Абу Наср Форобий бундай ёзади: "Инсоний вужуддан мақсад – энг олий бахт-саодатга эришмоқдир. Аввало, у бахт-саодатнинг нима ва нималардан иборат эканини билиши, унга эришмоқни ўзига ғоя ва энг олий мақсад қилиб олиши, бутун вужуди билан мафтун бўлиши керак. Кейин бу бахт-саодатга олиб борадиган иш-амал ва воситаларнинг нималардан иборат эканини билиб олиши зарур. Сўнгра эса бахт-саодатга эриштирадиган ишларни шахсан бажаришга киришмоғи лозим" (*Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. Тошкент, "Халқ мероси", 1993. 189-бет*).

Сирасини айтганда, ҳамма фаровон яшаш учун етарли моддий бойликка эга бўлишни, оиласи, яқинлари даврасида тинч-осойишта, эмин-эркин ва тўкин-сочинликда, Оллоҳ ато этган ҳаёт неъматларидан тўлиқ баҳраманд бўлган ҳолда умргузаронлик қилишни истайди. Бунинг учун эса барчамиз ягона эзгу мақсад йўлида бирлашиб, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилмоғимиз шарт.

**Баҳриддин САЛИМОВ,**

*Тошкент Темирйўл муҳандислари институти доценти, фалсафа фанлари номзоди*

## Maqom allomasi

Халқимиз мусиқий мероси ниҳоятда бой. Оҳангдор қуйларимиз дилга қувонч, таскин бағишлайди, оғир дамларни енгил қилади; ранг-баранг инсоний туйғуларни ғоят инжа ифодалай олади. Бу хусусиятлар халқимизнинг ўлмас маънавий хазинаси бўлмиш мақом жанрида, айниқса, яққол инъикос топган. Мақомлар ўзбек халқ мусиқий меросида алоҳида ўрин тутади; Шашмақом эса Ўрта Осиё халқларининг кўп асрлик маданий-тарихий тараққиёти маҳсули. У XVIII аср ўрталарида шаклланган бўлса ҳам, яратилиши ва ривожига жуда қадим замонлардан бошланган. Мақомлар давр ўтиши билан йириклаша бориб, унинг дастлабки ўн икки шакли олтига бирлаштирилган; Шашмақомда Ўрта Осиё халқлари яшаган шароит, тарихий ҳодисалар ўз изини қолдириб, улар ҳатто шўъбалар номида ҳам акс этган.

Мақомлар қадимдан қомусий олимлар томонидан ўрганилган бўлса-да, уларга оид асарларнинг жуда оз қисми бизгача етиб келган. Мусиқий рисолалар мақомнинг пайдо бўлиши, тарихи, шаклланиш ва ривожланиш жараёни ҳақида маълум тасаввур беради.

Мақомларни илмий ўрганиш XX асрда ҳам давом этди. 1927 йилда туғилган Исҳоқ Ражабов шу соҳада чуқур изланишлар олиб борган кам сонли олимлардан биридир. Унинг "Мақомлар" номи фундаментал монографияси нашр этилган. И.Ражабовнинг илмий-ижодий фаолияти ўзбек мусиқа илми ривожига жуда катта таъсир кўрсатди. Бинобарин, олимнинг хизматлари туфайли мақомларни тадқиқ этиш янги босқичга кўтарилди; соҳанинг нисбатан мустақил йўналишлари бўлган мақомшунослик ва мусиқий манбашунослик тармоқларига асос солинди; улар айни пайтда ўрта ва олий махсус таълим тизимида алоҳида фан сифатида ўқитилмоқда. И.Ражабов эришган натижалар мумтоз мусиқамизнинг Ўзбекистон ҳамда хоржида тадқиқ этилишида, жумладан, мақом бўйича республикада ўтказилиши йўлга қўйилган халқаро илмий-амалий конференцияларда алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Бундан ташқари, олимнинг қўлёзма ҳолдаги бир қатор асарлари, жумладан, "Мақомлар", "Шарқ мусиқа атамалари луғати", "Маҳмуд аш-Шерозий", "Дуррат ут-тож ли-гуррат ид-дебож" қомусидан "Дар илми мусиқий" ("Мусиқа илми ҳақида") қисми-

нинг форсчадан ўзбек тилига изоҳли таржимаси, "Трактат средневековых ученых о музыке в фонде Института востоковедения АН Узбекистана", "Амир Темур ва темурийлар даври мусиқа маданияти" катта борки, улар нафақат кенг ўқувчилар оммаси, балки соҳа мутахассисларига ҳам яхши маълум эмас. ЎзФА қошидаги Санъатшунослик илмий тадқиқот институти кутубхонасида, олимнинг шахсий архивида сақланаётган ушбу қўлёзмаларни нашрга тайёрлаш соҳа мутахассислари олдидаги муҳим вазифалардандир.

Исҳоқ Ражабовнинг фундаментал асари, шубҳасиз, "Мақомлар" ҳисобланади. Унинг қўлёзма нусхаси Санъатшунослик илмий тадқиқот институти кутубхонасида 843-инвентарь рақами билан сақланмоқда. Муаллифнинг докторлик диссертацияси асосида юзага келган бу кенг қамровли тадқиқотни жанр нуқтаи назаридан мақомлар қомуси деб аташ тўғрироқ. Зеро, унда бу мумтоз санъат билан боғлиқ кўпгина муаммолар, жумладан, мақомларнинг қадим, ўрта асрлар ва яқин ўтмишдаги тарихи, назарий ўрганилиши, турлари, тузилиш қонуниятлари, ўзаро таъсири ҳамда ижрочилик анъаналари ёритилади. Ани чоқда, тадқиқотда муаллифнинг "Мақомлар масаласига доир" монографиясидан ўрин олмаган илмий кузатишлари, мақомот тизимида қўлланиб келаётган намудларнинг тўлиқ жадвали ҳам берилган. ЎзФА Шарқшунослик ҳамда Тил ва адабиёт институтлари китоблар захирасида сақланаётган мусиқий рисолалар рўйхати, ўтмишда Шашмақомда қўлланган газаллардан намуналар илова этилган. Монография 2006 йилда ЮНЕСКО ва Ўрта Осиё мумтоз мусиқаси – Шашмақомни асраш бўйича Япония "Траст" жамғармасининг ҳамкорлиқдаги лойиҳаси асосида Санъатшунослик илмий тадқиқот институти томонидан чоп этилди. Унда "Мақомлар" тадқиқотининг қўлёзма матни маълум даражада таҳрир этилди, И.Ражабовнинг ўзига хос жонли баён этиш услуби тўлиқ сақланган ҳолда фақат айрим сўз ва иборалар ҳозирги давр мусиқашунослигида қабул қилинган атамалар билан алмаштирилди.

Олимнинг қайд этишича, "Ўрта Осиё халқларининг мусиқа маданияти тарихи ҳали етарли ўрганилмаган. Шу жумладан, мақомларнинг тараққиёт йўлини изчил ёритиб берадиган яхлит асарлар яратилмаган. Умуман, мусиқа маданиятига доир тарихий материаллар турли тилларда ёзилган манбаларда ва бошқа характердаги асарларда сочилган ҳолда бўлиб, уларни тўплаб, Ўрта Осиё халқлари мусиқа маданияти тарихини яратиш зарур" (*Ражабов И. Мақомлар. Тошкент, "Санъат" нашриёти, 2006. 15-бет*).

Китобда Ўрта Осиё халқлари мусиқа назариясини асослаб берган Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Ал-Хоразмий, Сафиуддин Урмавий, Маҳмуд Шерозий, Мавлоно Жомий, Зайнуллобиддин Хусайний, Алишер Навоий каби буюк сиймолар ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар келтирилган.

XIV – XV асрларда яшаб ижод этган жуда кўп бастакорларнинг номлари тарихда сақланиб қолган. Уларнинг ҳаёт-ижоди ҳақида ўша давр тазкираларида, тарихий, адабий, мемуар характердаги асарларда қимматли маълумотлар бор. Шундай манбалар жумласига Мухаммад Авфийнинг "Лубоб ул-албоб", Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис", Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкират уш-шуаро" тазкиралари; Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг "Бобурнома", Зайниддин Восифийнинг "Бадое ул-вақоеъ", Дарвешали Чангийнинг "Рисолаи мусиқий" асарларини киритиш мумкин. И.Ражабов монографияни ёзишдан аввал жуда кўп изланган, юқоридаги каби қадимий манбаларни синчиклаб ўрганган. Бинобарин, олим Кавкабий ва Дарвешали Чангий рисолаларида қўлланган атамалар, келтирилган далиллардан фойдаланади ва уларга батафсил изоҳ беради. "Шарқ мусиқа назариясига бағишлаб ёзилган кўпгина ёзма манбаларда мусиқанинг, хусусан, мусиқа товушларининг пайдо бўлиши ҳақида фикр юритилади. Бу ўринда Маҳмуд Шерозий "Дуррат ут-тож" қомусининг мусиқага бағишланган қисмида ҳамда Абдурахмон Жомийнинг "Рисолаи мусиқий" асарида келтирилган маълумотлар диққатта сазовордир" дейди муаллиф "Мақомларнинг назарий асослари" деб номланган бўлимда.

Ёзма манбаларда кўрсатилишича, биринчи яратилган мусиқа ритми "Зарби қадим" ("Қадимий зарб") деб аталади. У инсоннинг томир уришидан олинган бўлиб, жуда содда шаклда бўлган; бора-бора мураккаброқлари юзага келган. Улар мусиқа асарлари билан бирга пайдо бўлиб, сўнграқ Шарқ халқларида мустақил доира усуллари тарзида ажралиб чиққан. Монографиянинг юқорида зикр этилган бўлимида яна интерваллар, уд чолғуси ҳақида маълумотлар, товушқаторлар жадвали келтирилган.

Атоқли олим Исҳоқ Ражабовнинг "Мақомлар" монографияси мутахассислар эътиборига молик илмий манба ҳамда мумтоз мусиқий қадриятларимиз тарихи ва тақдирига бефарқ бўлмаган маърифатсеварлар учун қизиқарли китоб бўлиб қолишига ишонамиз.

**Машрабжон ЭРМАТОВ,**

Ўзбекистон халқ ҳофизини, Санъат ва маданият институти доценти

## Ham olim, ham qalandar

Мақомнинг беназир билимдони, санъатнинг турли соҳалари тамал тошини қўйган мусиқашунос Нажмиддин Гавҳарий Кавкабий Бухорий 1480 йилда туғилган. Болалигидан қай гузардан куй-қўшиқ эшитилса, ўша жойда ҳозир нозир бўлган Кавкабий куй, оҳанг ва овоз билан бирга улғаяди. У қўшиқчилик, бастакорлик, мусиқа тарихи олис ўтмишга бориб тақалган Бухорода ўша фурсатда беҳад юксалган санъатнинг устунларидан бири бўлган. Эллик беш йил умр кечирган Кавкабий балоғат ёшидаёқ куй чалиб, қўшиқ айтиб, ғазаллар битиб халқнинг сеvimли санъаткорига айланади. Шу билан бирга мусиқа илми, назариясига бағишланган рисола ва манзумалар ёзади; улар ўша даврдаёқ дарслик сифатида ўқитилган. Унинг ўзбек ва тожик халқларининг маънавий мулкига айланган “Мусиқа ҳақида рисола”, “Ўн икки мақом баёни ҳақида”, “Мусиқа илми ҳақида киромия рисоласи” асарлари ҳамон санъатшунос олимларни қизиқтириб келмоқда. Нажмиддин Кавкабий, шунингдек, “Ўн икки мақом” матни ва такмилини тузишда ҳам жонбозлик кўрсатади.

Мусиқа илмида пир мақомига кўтарилган Нажмиддин Кавкабий Самарқанду Бухорода мусиқа ва унинг тарихини илмий жиҳатдан ўрганиш, истеъодларни тарбиялаш, мусиқий асарлар яратиш мақсадида алоҳида мактаблар очган. Кейинчалик мазкур мактаблардан кўплаб санъаткорлар етишиб чиқади (*Исломов Д. Мозийдан садо. Тошкент, “Экстремум пресс” нашриёти, 2015. 73-бет*). Кавкабий қаламига мансуб “Зарб ул-фатҳ” мураккаб

асар саналса-да, уни чуқур ўрганган киши мусиқа илмининг номаълум сирларидан хабардор бўлган. Шу боис бу асар созанда ва хонандалар учун муҳим китоблардан бирига айланади. У мазкур асарини икки тарона рубоий шаклида ёзган. Нажмиддин Кавкабий тарих қатидан игна билан жавоҳир қазиб, уни авайлаб-асраб халққа етказди, бу китоб келажақда юзлаб истеъодларнинг камолга етиши учун хизмат қилди.

Кавкабийнинг “Рост” мақомига бағишлаб ёзган “Куллиёт”и мақомхонлик ўзанлари, овозу сознинг такмили учун янгилик саналади. Бинобарин, созанда ва ҳофизлар ундан ўз хатосини топиб, тузатишга ҳаракат қилган. Шу боис бу асар санъат аҳли орасида кенг ёйилади. Мақомнинг шеърини Кавкабийнинг ўзи ёзган бўлиб, у ғазал, рубоий, қасида ва маснавийда бирдек қалам тебратган; мусикадан ташқари фалакиёт, риёзат ва тиббиёт илмида машҳур бўлган. Нажмиддин Кавкабий нафақат улкан санъаткор ва назариётчи, балки қалбида Оллоҳга чексиз муҳаббат барқ урган қаландар мақомига ҳам эришган.

Мамлакат тараққиётининг энг муҳим шартларидан бири қадим маънавий қадриятларни асраб-авайлаш, уни бус-бутун ҳолда авлодларга етказиш эканини англаган ҳар бир ватандошимиз шоир, ҳофиз, бастакор ва олим Нажмиддин Кавкабий каби салафлар ижодини ўрганишга масъулдир.

**Дилмурод ИСЛОМОВ,**

*Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият институти профессори*

## Huquq shuni taqozo qilur

Одамлар ижтимоий-сиёсий жиҳатдан қанча фаол, ҳуқуқий маданияти ва ислохотларга дахлдорлик туйғуси қанча баланд бўлса, давлат ҳам, жамият ҳам шунча тез ривожланади. Бу кеча ё бугун пайдо бўлган ғоя эмас.

Ўтган асрнинг 1914 – 1915 йилларида чоп этилган “Садойи Туркистон” газетасининг бир неча

сонида “Убайдулло” имзоси билан ўндан зиёд бош мақола чоп этилган. Уларни XX аср ўзбек журналистикаси тараққиётига муносиб ҳисса қўшган публицист, билимдон ҳуқуқшунос, Туркистон мухториятининг ҳарбий вазири, кейинроқ шўро ҳукумати томонидан қатл этилган ватандошимиз Убайдулла Асадуллаҳжаев ёзган.

XX аср бошларида Русия истибдоди кундан-кун ортади; ўзбек ёшларининг зулмга қарши кураши кучаяди. Бу ҳаракатга Саратов адлия институтида ўқиб, замонавий ҳуқуқ соҳасини эгаллаган, рус тилини яхши билган Убайдулла Асадуллахўжаев ҳам қўшилади. Ёш адвокат Мунаввар қори ва Абдулла Авлоний ҳамкорлигида 1914 йилнинг 4 апрелида “Садойи Туркистон” газетасига асос солиб, бош муҳаррир сифатида долзарб мавзуларни кўтариб чиқа бошлайди. Газетанинг биринчи сониди бош муҳаррирнинг “Мақсад ва маслак” (1914 йил 4 апрель) сарлавҳали мақоласи чоп этилиб, унда муаллиф “Бизнинг бу жаридамиз Туркистон мусулмонларининг аҳволини ислоҳ ва ҳуқуқини мудофаа қилиш мақсади ила чиқорилган” деб ёзади.

Туркистоннинг Россия билан темирйўл орқали боғланиши ўлкадаги табиий бойликларни ташиб кетиш имконини яратади. Пахта, қорақўл, ипак, қуруқ мева сингари хомашё ва озиқ-овқат марказга оқа бошлайди. Амалда Туркистон Русиянинг хомашё манбаига айлантирилади. Боз устига, у ёқдан минглаб мужикларни келтириб, Туркистоннинг энг серҳосил ерларига жойлаштириш, маҳаллий халқни бу жойлардан сиқиб чиқариш ҳаракати авж олади. Манбаларга кўра, 1887 йилнинг ўзиде Россиядан 196 оила кўчиб келган бўлса, 1913 йилда бу рақам 2005 тага етган (*Турон. 1-тўплам. Тошкент, 2004. 55-бет*).

Убайдуллахўжа чор ҳукумати юргизган бу машъум сиёсат қаҳида: “Бошқалар туфроғимиздан олтин олгонларини кўриб, бармоғимизни тишласак ҳайҳот!!! Бизим бу ғафлатимиздан кўзи очиқ халқлар тезлик ила фойдаланмақдалар” (*“Садойи Туркистон”, 1914 йил 4 апрель*), дея надомат чекади. У яна маҳаллий аҳолининг замонавий хўжалик юритиш илмидан ниҳоятда йироқ эканидан ўқиб дейдики: “Рус мужиклари шул қадар узоқ ерлардан келуб, ўн йилга етмасдан шунча боюб, нашъу намо қиладур”.

“Саноатимиз қўлдан кетур” мақоласида эса оғзидаги ошини бегоналарга олдириб қўяётган ватандошларини сергакликка, ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиши учун билим ва саводли бўлишга чақиради. Мустамлакачилар ўлкада ишлаб чиқариш тизимини тобора эгаллаб олаётган бир пайтда “Биз бу ҳол ила кетсак саноатимиз ҳам қўлдан кетар, амалларимиз (ишчи) ишсиз қолур” дейди ва маҳаллий ҳукуматга фалокатдан қутулишнинг бирдан-бир чораси сифатида “Болаларимизни ҳар хил ҳунар мактабларига берайлук ва замонча тарбият қилайлук” деган таклиф беради.

Чор Русияси Туркистонни босиб олгач, барча ерлар подшолик мулки деб эълон қилиниб, қонун билан мустаҳкамланган. 1917 йил июлида Қозонда бўлиб ўтган Бутунроссия мусулмонлари қурултоида У.Асадуллахўжаев сўзга чиқиб, “Шу кунгача Туркистон рус капиталистлари учун говмиш сигир бўлиб келмоқда. Бугун Туркистон Россияга пахта етказувчидир. Туркистонда йилига 10-12 миллион пуд пахта етиштирилса, у ҳолда бизнинг пахтакорлар томонидан ишлаб топилган 100 миллион сўм ҳар йили рус капиталистлари чўнтагига тушмоқда” (*“Хуррият”, 1917 йил 4 июнь*) дейди. Ерларнинг подшолик мулки қилиб олинганига қарши исён руҳи публицистнинг “Бизга ёлғуз гадолик ёки ўғрилик қолур” сарлавҳали мақоласида ҳам акс этган. Бутун Туркистон иқтисодини эгаллаб бораётган текинхўр рус буржуа сармоядорларининг қудрати нимадалигини аниқлашга уринган муаллиф “Айб – ўзимизда!” деган аламли хулосага келаркан, “Ўқимак ва ўрганмак билангина бу азоблардан қутулиш мумкин” (*“Садойи Туркистон”, 1915 йил 1 апрель*) деб ёзади.

“Бизда шаҳар солиқлари” мақоласида эса солиқ тизими маҳаллий халқни эзиш учун сиёсий ниқоб эканини фош этиб, “Мол ва мулкларимизни ҳеч битмайдурғон, деб билиб, кўп ишондук ва алдандук. Мазкур қутуришлардан қутулмак учун биз ҳаётнинг, замон ва маданиятнинг кучоғига отулиб, онинг талабларини бажо келтурмакка мажбуримизми?” (*“Садойи Туркистон”, 1915 йил 27 февраль*) деган савол қўйган.

1914 йил 26 ноябрида Тошкент шаҳри думасининг учинчи йиғилишида сўзга чиқиб, ер ва ҳовлиларга солинадиган шаҳар солиғини оширмасликни, баъзи рус полиция маъмурлари бу борада қонунга хилоф ҳаракатлар билан мусулмонларга айбсиз жабр қилаётганини таъкидлайди. Унинг ташаббуси билан дума қошида тузилган етти кишилик ҳуқуқ комиссиясининг фақат бир аъзоси – У.Асадуллахўжаевнинг ўзигина маҳаллий аҳоли вакили эди. Петербург давлат думасига чақириладиган 35 вакилдан лоақал 10 нафари туркистонлик туб маҳаллий аҳоли вакили бўлиши керак деган қатъий талаб ҳам унинг тарафидан ўртага қўйилди (*“Ҳуқуқ шунга тақозо қилур” // Садойи Туркистон, 1914 йил 23 декабрь*).

Ўша пайтларда Тошкент шаҳрида юра бошлаган трамвай ҳайдовчилари руслар бўлган. Шаҳар думаси йиғилишида газета бош муҳаррири У.Асадуллахўжаев дума аъзоси сифатида трамвай ҳайдовчиларининг мусулмонларга тазийқи, нописандлиги боис йўлда бир неча бор ўлим ҳолатлари

юз берганига тўхталиб, уларни доимий равишда тафтиш қилиб туриш масаласини кўтарди. Ҳатто рус мужиқлари ва мусулмон аравакашларига бир хилда солиқ белгилаш кераклиги, акс ҳолда, бу маҳаллий аҳолининг камситилишига олиб келишини дадил айтади (*“Садоий Туркистон”, 1914 йил 3 декабрь*).

Русияда 1905 – 1907 йиллар инқилоби туфайли илк бор парламент – давлат думаси ташкил топган. 1905 йил 11 декабрида қабул қилинган сайлов қонунига кўра, барча маҳаллий хотин-қизлар, икки миллион ишчи, ҳарбий хизматчи, ўқувчи, умуман 25 ёшга етмаган аҳоли сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинади. Ушанда “Туркистондаги сайлов қоидалари лойиҳаси мулкдор табақа ва маҳаллий маъмурият манфаатини ўзида мужассам этган”, деб ёзади Убайдуллаҳўжа таҳририят номидан эълон қилинган бош мақолада. Унда яна шундай сўзларни ўқиймиз: “Мусулмонлар нуфуси жиҳатига бир неча ҳисса кўп бўлгонлари ҳолда, руслардан йигирма саккиз, мусулмонлардан йигирма иккигина гласний (депутат) сайланур. Бу жиҳатдан қараганда, бизни камситув киби кўринса ҳам, ҳозирги аҳволга қараганда, қонун ва қонидани бир тарафга

кўюб, фақат ўзимиздан шикоят қилмакка мажбурмиз” (*“Садоий Туркистон”, 1914 йил 25 апрель*).

Ўз нафси, шахсий манфаати йўлида эртақ кеч чор маъмурлари билан ҳамтовоқ бўлаётган маҳаллий амалдор ва бойларнинг миллат тараққиёти йўлида ҳеч бир эзгу ишга бош қўшмаётгани Убайдуллаҳўжани изтиробга солади. “Давлат думаси шаҳар бюджетидан ажратган пулларга руслар мактаб, боғча, театрлар очиб фойдаланишарди. Бизнинг гласнийлар-чи?” дея савол ташлайди ва ўзи “Мана бу хусусда ким айбли? Ҳукуматми? Ўзимизми? Эмди кўзимизни очиб, гласнийликка чин миллат ходимларини ва манфаати умумиядан хабардор холис кишиларни топиб сайломогимиз керак” дея жавоб беради.

Бор-йўғи бир йил мобайнида нашр этилган бўлса-да, миллий матбуотимиз тарихидан муносиб ўрин олган “Садоий Туркистон” газетаси 66-сонидан сўнг (1915.10.04) У.Асадуллаҳўжаевнинг ҳуқуқий ва сиёсий мақолалари туфайли чор ҳукуматининг тазийқи билан чоп этишдан тўхтатилади.

**Сайёра ҲАЛИМОВА,**

*ЎзЖОКУ катта ўқитувчиси,  
филология фанлари номзоди*

## Islom qadrshunoslari

Хиванинг кўнғирот сулоласига мансуб маърифатпарвар хонлар мамлакатда муайян маданий-маърифий ўзгаришларни амалга оширганлари маълум. Улар, хусусан, исломий илм аҳлига ҳурмат-эҳтиром кўрсатган.

Мунис Хоразмий (1778 – 1829) Хива хонлигида кўнғиротлар сулоласининг тамал тошини қўйган Мухаммад Амин Иноқни “Уламо ва фузалонинг тавқир ва таъзимиди (иззат-икром ва улуғлашда – А.И.) муболаға кўргузур эрди” (*Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол. ЎзФАШИ Қўлғезмалар хазинаси, инв. №5364/І. – 125<sup>а</sup>-125<sup>б</sup>-бетлар*) деб таърифлаган. “Фирдавс ул-иқбол”да, шунингдек, Мухаммад Раҳим I нинг (хукмронлик даври: 1806 – 1825) ўсмирлик палласи ҳақида бундай дейилади: “Чун синни тамйизга уруж қилиб (оқ-қорани ажратадиган ёшга етиб – А.И.), маротиби шабобга тараққий топди, улуми диний ва фазойили яқиний иктисобиға майл кўргузуб, илму фазилатда фариди замон ва нодири даврон бўлди” (*Ўша манба, 199<sup>а</sup>-бет*). Қайд этилишича, бу ҳукмдор қуръонхонликка катта эътибор қаратган, болалар қироатини шахсан ўзи текшириб, сарой масжидида ўқувчиларга тажвиддан дарс берган.

“Риёз ад-давла”да эса Аллоҳқулихон (хукмронлик даври: 1825 – 1842) томонидан илм аҳллариға бўлган илтифот қуйидагича таърифланади: “Чун ул ҳазратнинг туғма табиати ва одати ул эрдиким, ҳамма уламо ва фузалони қутлуғ давлатхонасиға ундаб, хилма-хил зиёфатлар бериб, уларнинг жаннатмисол мажлисларидан баҳра олиб, ҳаловат ҳосил қилур эрди” (*Огаҳий. Риёз ад-давла. ЎзФАШИ Қўлғезмалар хазинаси, инв. №5364/ІІ. – 280<sup>а</sup>-бет*).

Руслар билан Хивага келган журналист Януарий Мак-Гахан ўз саёҳатномасида бундай ёзади: “Хива шаҳрида 30 қадар масжиди жомеъ ва араб тилида шаръий илмлар ўқитиладиган 22 мадраса бордир. Бу мадрасаларда Истанбулдаги жомеълар каби бепул ўқитилгани учун илм талабиди мадрасаларда яшаётганлар ҳаддан ташқари кўп эди” (*Хива саёҳатномаси ва тарихи. Мустафо Саъдибек ва Али Афанди таржимаси. Истанбул, “Басират”, 1875. 270-271-бетлар*). У қаламга олган даврдан кейин ҳам мадраса ва масжидлар сони бир неча баробар кўпаяди. 1909 йилги маълумотга кўра, Хива шаҳрида 1500 та мактаб бўлган.

Мухаммад Раҳимхон II Феруз (хукмронлик даври: 1864 – 1910) ўз саройида тез-тез “Ал-ҳисн

ал-ҳасин" ("Мустаҳкам кўрғон") китобини ўқитиб туради. Китоб дунёга машҳур олим, ҳофиз ва қори Шамсиддин Муҳаммад ал-Жазарий (1350 – 1429) томонидан 1388 йили ёзилган бўлиб, саҳиҳ ҳадислар асосида тузилган. Мазкур китобни ўқиш мусулмонлар орасида узоқ асрлик анъана ўлароқ бало ва офатларни даф қилади деган қараш вужудга келган. "Ал-ҳисн ал-ҳасин", айниқса, теурийлар даврида шуҳрат қозонади. Чунки Ал-Жазарий соҳибқирон Амир Темур даврида Самарқандга келиб, илмий фаолият олиб борган. Хива саройи архив ҳужжатларида ушбу китобни ўқитишга сарфланган маблағлар қайд этилган. Жумладан, 1867 йилнинг ражаб ойида уни ўқиган муллаларга 20 тиллодан берилган. "Хоразм тарихи" номи билан қайд этилган муаллифи номаълум китобда 1870 йилги сарой харажатлари қаторида "Ал-ҳисн ал-ҳасин"ни ўқиганларга минг тилло берилгани қайд этилади (*Хоразм тарихи. ЎзФАШИ Ҳ. Сулаймонов мажмуаси, инв. №280. 26<sup>б</sup>-бем*).

"Хоразм тарихи"да "Хон ҳазрат даргоҳига бўлгон харажат" деган сарлавҳа остида 1285 – 1287/1868 – 1870 йилларнинг сарой харажатлари қайд этилган. Улар орасида "Китоб учун Раҳмонқули охундга 15 тилло; мулло Авазга Қуръонни жадвалига 10 тилло; Раҳмонқули қориға китоб учун 10 тилло; Нурниёз халифага тафсир учун 10 тилло; домла Раҳмонқули қориға китоб учун 10 тилло; Раҳмонқули қориға китоб учун 15 тилло; китоб учун Раҳмонқули қориға 25 тилло; "Ал-ҳисн ал-ҳасин" учун хонлар бирлан корхонадин олингон олтун ва пухта тиллонинг даркидин 1000 тилло; Ёқуб девон билан Мулло Авазга Каломуллоҳ учун 15 тилло берилди" деган маълумотларни ўқиймиз.

Ушбу рўйхатда кўп тилга олинган Раҳмонқули қори саройнинг Қуръон ҳофизи бўлган. У моҳир таржимон сифатида кўпгина асарлар, жумладан, Абдураҳмон Жомийнинг "Нафаҳот ал-унс мин ҳазарот ил-қудс" таъкирасини ўзбек тилига таржима қилган.

Хива хонлигидаги қорихоналар фаолиятини ўрганиш диний маданият тарихини ёритишда муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, мадраса ва қорихоналар фаолияти вақф таъминоти билан боғлиқ бўлган. "Хоразм тарихи"да ёзилишича, Шоҳмуродбой қорихонасига 1500 тилло вақф қилиниб, ҳар жума ва душанба кунлари бир хатми сағир, 11 марта салавот айтиш; Собиржон девон қорихонасига эса 500 тилло вақф қилиниб, вақф қилувчининг ота-онаси ва вафот қилган ўғил-қизларига ҳар жума хатми сағир қилиш шarti қўйилади. Хон томонидан барпо қилинган қорихонанинг бош қорисига йилига қирқ ярим ботмон буғдой берилган. Унинг шarti "...ҳар куни бир рубъ Каломуллоҳ, моҳи шарифи рамазонда бир ўлтурма хатм эркан. Ани бажо келтурмак керак, мувофиқи вақфнома қилмоқ керак, баъдазон ҳалоли тайийб айланғусидур!" (*ўша манба, 177<sup>б</sup>-бем*).

XIX асрда Хива хонларининг қорилар ва қорихоналарга ижобий муносабати ўлароқ 10 дан ортик тажвидга оид асар битилган. Улар бугун ҳам қориларга асқатмоқда.

Мусулмон жамиятини Қуръон ва унга боғлиқ илмларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. XIX аср Хива хонлигида исломга бўлган муносабат фикримизга ёрқин далилдир.

**Абдуманнон ИСМАТУЛЛАЕВ,**  
Ўзбекистон халқаро Ислам  
академияси таянч докторанти

## Bobolardan ulgi olib

Юксак жанговар руҳ, ўзига ишонч, сабот, қатъият, матонат, фидойилик, билим, маҳорат – ҳарбий соҳа вакиллари учун зарур бўлган сифат-фазилатлар. Шулар ичида энг муҳими – жанговар руҳнинг баланглигидир. Барча даврларда армия жанговар руҳини кўтариш қўшинбоши зиммасида бўлган; қандай тадбир қўллаш эса командирнинг билими, иқтидори, уddaбуронлиги, нотиклиги, закийлиги кабиларга боғлиқ. Бу борада буюк аждодларимизнинг бебаҳо мероси бизга муҳим дастуриламалдир.

Лашкарбоши масъулиятини донишманд шоир ва давлат арбоби Юсуф Хос Ҳожиб "Қутадғу билиг" (XI аср) асарида бундай таърифлаган: "Лашкарга

бош бўлиш – оғир иш. Ахир, у ёв билан юзма-юз туради, шунинг учун йигитлар орасидан сара, мард ва кучли, мерган ва саховатли кишини ажратиш лозим. Аммо ғофил кишилар бу ишга ярамайди. Дастурхони кенг, қўли очиқ кишилар кўпчиликнинг бошини қовуштира олади. Саховат кўрган лашкар ҳам бир-бирининг қўлидан қаттиқроқ ушлайди. Уларнинг жипслиги ортади. Лашкарбоши кўп нарсадан тийилиб, ўзи учун бир от, тўн, қурол билан кифоялангани маъқул. Ўзини ўйлаб дунё йиғиш, ер-сувим, боғ-роғим деб олтин-қумушга кўнгил берш унга бегона бўлгани яхши. Унинг ёнига йиғилган баҳодир, ботирлар жонларини фидо этиб, тоғ қояларида ётган чоқларида қўшинбошидан ўрнак

олади. Бунда эс-хуш, билим, алпзўрлик ва жасорат уларнинг зийнатидир” (*Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Тошкент, Чўлпон номидаги нашриёт матбаа шохидий уйи, 2007. 80-бет*).

Қўшиннинг жанговар руҳини кўтариш учун султон Жалолоддин Мангуберди, соҳибқирон Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби аждодларимизнинг ҳарб санъатини ўргансак арзийди. Мана бир мисол: Жалолоддин Мангуберди Кавказ заминидан сон жиҳатдан ўзиникидан икки баробар кўп қўшинга дуч келади; тепалиқда истеҳком кургани боис душман тактик жиҳатдан ҳам устун эди. Мураккаб вазиятда қолган султон қўшинбошиларни тўплайди. Айримлар чекиниш, сулҳ тузиш ёки жанг қилишдан воз кечишни маслаҳат беради. Бир қараганда, тўғридек, аммо... ориятни ҳар нарсадан устун қўйган баҳодир ҳеч қачон майдонни жангсиз тарк этмайди. Тагин у кимсан – Чингизхондек даҳшатли ғаним юрагига қўрқув солган Жалолоддин бўлса! Сон ва тактик жиҳатдан устун рақиб томон энди ваҳима уйғотиб, руҳий устунликка ҳам эришишни ўйлай бошлайди. Ўз саркардасига ишонган хоразмликлар эса Жалолоддинни кутарди, чунки унинг танг аҳволдан омон чиқиб, ғалаба қилганига кўп бор гувоҳ бўлишган. У Чингизхон билан Ҳинд (Синд) дарёси бўйидаги жангда онаси, рафиқаси, ўғлидан, энг сара ва мард йигитларидан жудо бўлган бўлса-да, яна курашишга куч топа олган. Аммо султон режасини ошкор қилишга шошмайди. Душман қўшини чор-атрофга даҳшат солиб, қаттиқ бақаришга тушади. Бу ҳақда Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавий бундай ёзган: “Атрофни осмонни тешиб юборгудай, қар қулоқ ҳам эшитгудек қичқирикча тўлдирдилар. Султон улардан заррача ҳам қўрқмади... У тунда қўшинини душман қаршисига сафлантириб чиқди...” (*Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Султон Жалолоддин Мангуберди. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2006. 138-бет*). Жалолоддин чекинади ёки ўлпон тўлаб, сулҳ тузади деб ўйлаган ғанимлар жанг муқаррар экани, тадбирлари уни заррача чўчитмаганидан ҳайратга тушади.

Қадим анъанага кўра, жанг олди ҳар икки томоннинг энг зўр жангчилари ўртага чиқиб, яккама-якка олишув бўлар, бу эса жанг тақдирига катта таъсир кўрсатарди. Рақиб кўшинидан саккиз паҳлавон от ўйнатиб чиқиб, биз тайёр, деган мазмунда хабар йўллайди. Шунда улар билан курашга султон Жалолоддиннинг шахсан ўзи чиқади. Саккиз аскарнинг барчасини ер тишлатган баҳодирнинг жасорати рақибга қўрқув солиб, мусулмон қў-

шини руҳини кўтариб юборган: улар шиддат билан душман устига ёприлиб, ғалабага эришадилар.

Соҳибқирон Темур ҳам бирон мамлакатга қўшин тортгудек бўлса, ўша юрт ҳукмдорини яккама-якка жангга чорлаб, элчи юборар экан. Бу тадбир кўп қон тўкилишининг олдини олиш, жанг тақдирини осон ҳал қилиш, ким ғолиб чиқса, ғалаба тўласича унга ўтиши ҳақидаги аҳдлар билан қувватлантирилган. Бироқ эллик аскар мақомида турувчи доврўқдор саркарда билан яккама-якка курашга ким ҳам журъат этарди?! Турли баҳоналар билан таклифни рад этган ҳукмдорлар бу билан мағлубиятдан қутулиб қолмай, қўшин жанговар руҳининг синишига ҳам сабабчи бўлган. Мовароуннахр лашкарининг эса ўзига ишончи ва шахду шижоати янада ортган.

Машхур Панипат жангида (1526 йил, апрель) Деҳли султони Иброҳим Лўдийнинг юз минг лашкари ва икки минг жанговар филига 12 минглик қўшини билан рўпара бўлган Заҳириддин Бобур ҳам ақл бовар қилмас ғалабани қўлга киритган. Бу унинг ҳарбий санъати нақадар юксак эканидан далолат беради. Уста нотиклар қадимги Римда саркардалар билан тенг кўрилгани бежиз эмас – Мирзо Бобур ҳам жанг олдидан қўшин қаршисидан оташин нутқ сўзлаб, жанговар руҳни бекиёс даражага кўтарган: “Беклар ва йигитлар! Ҳаёт мажлисига кирган одамнинг ҳар бири охир-оқибат ажал қадаҳидан ичади ва тириклик манзилига келган ҳар бир киши охири дунё ғамхонасидан кечиб кетади. Ёмон ном билан тирик юргандан яхши ном билан ўлган афзал...” (*Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент, “Ўқитувчи”, 2008. 234-бет*).

Яқин ўтмишда ҳам юксак жанговар қобилияти ва баҳодирлиги билан тарих саҳифаларидан жой олган ватандошларимиз кўп.

1942 йил 1 сентябрда урушга қақирилган каттақўрғонлик Рашид Очилов Калинин вилоятининг Новосело қишлоғидан жангга кирган. У тўрт марта яраланиб, тузалиб чиққач, яна урушга қайтади. 1943 йилда разведка бўлимига ўтказилади. Разведкачи сифатида у келтирган маълумотлар қўшиннинг номаълум ҳудудлардан беталафот ва беэиён ўтиб олиб, зарур тактик усул қўллашида асқатган. Р.Очилов урушда кўрсатган жасоратини бундай эслайди: “Кунларнинг бирида бизни самолётда фронт чизигидан душман ортига олиб ўтиб, парашютда ҳар 50-60 километр масофага биттадан ташлаб чиқишди. Маълумот тўплаб, душманга сездирмасдан ўзимиз томонга ўтиб олишимиз керак. Тириклайин қўлга тушиш асло мумкин эмас. Ҳудудда бир ҳафтага яқин қолиб кетдим.

Озиқ-овқатим аллақачон тугаб, ўқ-дориларни ҳам сарфлаб бўлганман. Ниҳоят, фронт чизигига яқинлашганимда кутилмаганда бир гала фашист аскарига дуч келсам денг... Бекинишга сира имконият йўқ. Қолаверса, душман ҳам мени пайқаб бўлган, ammo негадир ўт очмасди. Билдимки, уларнинг ҳам ўқи тугаган. Ўлсам ҳам курашиб ўлай, дея наъра тортиб уларга ташландим. Қўлида пичоқ тутган биттасининг бўйни аралаш чаккасига жуда тез, ҳаракатланишига имкон бермасдан чунонам мушт туширдимки, йиқилиб ўрнидан туролмай қолди. Шакар томири узилиб кетган экан чамамда, бир оздан сўнг тинчиди. Овози чиқмаганидан қолганларига ҳам яхшигина кўрқув солганимни тушундим. Шундай қилиб, бир оздан сўнг тўлиқ куролсизлантирилган 24 та душман менинг қаршимда тиз чўкиб турарди. Барчасини олдимга солиб ҳайдаб келдим. Буни кўриб ўзимизникилар жуда ҳайрон қолишди. Командиримиз старшинага дарров мени суратга олишни буюрди. Ўша суратни ҳамон асрайман". Рашид ота шундай дея сарғайиб кетган

суратни менга узатди. Уни олиб қарадим. Ростдан ҳам тиз чўкиб турган 24 асир қаршисида қорақош, қорақўз ёшгина ўзбек ўғлони жилмайиб турарди.

Рашид отанинг ҳикоясини тинглаб, "Темур тузуклари" ёдимга келди: "Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, хушёр, жанг кўрган, мард, шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир" (*Темур тузуклари. Тошкент, 2019. 10-бет*).

Хуллас, аждодлар мероси – беқиёс қўлланма. Ўрхун-Энасой битикларидан то бугунгача бўлган манбаларни ўргансак, кўплаб ёрқин сиймоларга дуч келамиз. Уларнинг ҳар бири – алоҳида тарих. Миллий армия сафида хизмат қилаётган ҳар бир ўғлон ўзини ватан тақдирига масъул, қисмати юрт келажаги билан чамбарчас боғлиқ эканини теран англаса, боболар жасоратидан ўрнак олса, жанговар рух албатта юксалажак.

**Ёшин ҲАКИМОВ,**  
илмий тадқиқотчи,  
подполковник

## Demografik siyosat: kosa tagida nimkosa

Муайян ижтимоий-сиёсий жараён моҳияти ўша макон ва замонда истиқомат қилувчи аҳоли сони, миллий таркиби, кундалик турмуш тарзи, бандлик даражаси, демографик ривожланиш кабиларда акс этади. Бинобарин, турли зиддиятлар кучайган XIX аср охири – XX аср бошларидаги тарихий жараён Ўзбекистоннинг нафақат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида, балки демографик жабҳасида ҳам чуқур ўзгаришга сабаб бўлди. Истило сиёсати ўлка ҳаётини мустамлака қонун-қоидаларига бўйсундирар экан, махсус мақсадлар билан аҳолини рўйхатга олиш ўша фурсатда муҳим сиёсий аҳамият касб этди.

Бой, лекин ҳарбий жиҳатдан заиф бўлган туш янги ҳудудларни босиб олиш ғояси асрлар давомида Русия империяси ва кейинчалик шўро ҳокимиятининг ташқи сиёсатида муҳим ўрин эгаллаган. Чор ҳукуматининг Туркистон истилосидан кўзлаган бош сиёсий, стратегик мақсади Ҳиндистонда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун тегишли шароит яратиш бўлган. Дастлаб кучли армия ва полиция тизими, сўнг эса кўплаб рус оилалари Туркистонга кўчирилиб, кейин аҳолини рўйхатга олиш бошланди.

Ўлка ҳудудида дастлаб чор империяси (1897), сўнгра совет даврида ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбири (1920, 1926) якуний натижалари чоп этилган бирламчи статистик манбалар сақланиб қолган. Ҳар икки даврда ҳам ҳокимият ўлканинг қайси ҳудудида қанча аҳоли истиқомат қилиши, миллий таркиби, тили, кундалик турмуш тарзи, бўш ерларнинг умумий ҳисоби, мавжуд ишчи кучи ва деҳқонлар сони, қанча аҳоли иш билан бандлиги каби статистик маълумотларга таяниб, Россияда миллий низоларга сабабчи бўлаётган аксар рус ва турли миллат вакилларини Туркистонга мажбурий равишда кўчиради. Уларга ҳам ҳарбийларга берилган имкониятлар, катта ваколатлар берилади.

1897 йилда Марказий статистика бошқармаси ва унинг мустамлака ҳудудлардаги бўлинмаларига дастлаб аҳоли сони бўйича рўйхат шакллантириш, кейинчалик эса ўлка ҳудудидаги ерости бойликларини аниқлаш, қазиб олиш, қайта ишлашни ташкил қилиш, бу борада йиллик маълумот тайёрлаб, статистик тўпламларни мунтазам равишда чоп этиб бориш вазифаси топширилади. Ўша йили Туркистон аҳолиси 4064754 нафарни ташкил этиб, шундан 3443686 нафари қишлоқ, 621068 нафари эса

шаҳарда истиқомат қилиши қайд этилган (*Первая всеобщая перепись населения Российской империи 1897 года. Общий свод по империи результатов разработки данных первой всеобщей переписи населения, произведенной 28 января 1897 года. Т. I. Петербург, 1905. Стр. 12*).

1920 йилда Туркистон АССРнинг умумий аҳолиси 5221963 нафарни ташкил этган (*Материалы всероссийских переписей 1920 года. Перепись населения в Туркестанской Республике. Ч. I. Ташкент, 1923. Стр. 17-19*). 1926 йилги рўйхатга кўра эса, ЎзССР таркибида бўлган Тожикистон АССРни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, ўлкада 5274998 киши истиқомат қилган (*Материалы по районированию Узбекистана. Вып. I. Краткая характеристика проектируемых округов и районов. Самарканд, 1926. Стр. 162*). Аммо аҳоли сонига оид ушбу маълумотлар тўғрилигида шубҳа бор. Чунки мазкур йилларда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирларида барча ҳудудлар қамраб олинмаган. Бунга белгиланган муддатнинг камлиги, ҳисобчи етишмаслиги, тоғли ҳудуддаги қишлоқлар узоқлиги, темирйўл тизими ривожланмагани кабилар сабаб бўлган.

Русия империяси ички ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш учун янги ҳудудларни босиб олиш, мустамлака ўлкаларнинг табиий бойликлари ва аҳоли меҳнатидан фойдаланишни кўзлаган. Ҳар томонлама серунум ерлари ва табиий бойликлари билан қимматли ҳисобланган Туркистонни ўз мустамлакасига айлантириш, бу ердаги арзон ишчи кучидан фойдаланиш, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги устидан тўлиқ ҳукмронлик ўрнатиш мустабид империя учун катта аҳамият касб этган. Аҳолини рўйхатга олиш худди шу каби мақсадларни амалга ошириш учун йўлга қўйилади.

1897 ва 1920 йиллари ўтказилган бундай тадбирлардан халқ ваҳимага тушган; чунки рўйхатга олишдан муддао солиқларни ошириш, Россия ва бошқа ҳудудлардан яна аҳоли кўчириб келтириш эмиш, деган мишмишлар кенг тарқалган. Ҳатто 1897 йилда ўлкадаги диний уламо аҳолини рўйхатга олувчиларни “кофир хизматкори” деб эълон қилиб, “улардан иложи борича нарироқ юриш керак”лигини уқтирган. Бу тадбирларга оид бирламчи манбаларда “эски урф-одатларга қатъий риоя қил-

ган маҳаллий аҳоли орасида ўзини ёқиб юбориш ҳоллари” ҳам учрагани тўғрисида маълумотлар қайд этилган (*Материалы всероссийских переписей 1920 года. Перепись населения в Туркестанской Республике. Ч. I. Поселенные итоги. Вып. V. Поселенные итоги Самаркандской области. Ташкент, 1924. Стр. 17*).

Аҳолини рўйхатга олиш тадбирларидан мақсад фақат аҳоли сони ва миллий таркибни ўрганиш эмас, балки фуқаролар тўғрисидаги барча маълумотларни йиғиш; ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳаллий мулкдор ва хунармандни синдириш; россиялик сармоядор, агроном, ирригатор, муҳандислар ва бошқа мутахассисларнинг бу ердаги фаолиятини кенгайтириш ҳамда ўлканинг табиий бойликларини метрополияга ташиб кетиш эди. Бинобарин, 1920 ва 1926 йилларда ўтказилган рўйхатга олиш тадбирларидан ўлкада қанча зиёли борлигини аниқлаш, уларни турли вазифалар билан қистовга олиш ҳамда халқ орасидаги обрўсини тушириш эвазига ўлкани қарамликда қаттиқроқ ушлаш кўзда тутилган.

Чор Русияси амалдорларидан бўлган татар миллатига мансуб А.Диваева шундай деб ёзди: “Бу халқлар жуда бой маданиятга эга, уни ўрганиш биз учун жуда ҳам қийин. Бироқ биз бунга мажбурмиз, чунки бундан буён бу халқларни биз бошқарамиз”.

1897, 1920 ва 1926 йилларда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш минтақада режалаштирилган мустамлака сиёсатида хизмат қилган, албатта. Айни чоқда, мазкур тадбирларнинг якуний натижаси акс этган бирламчи статистик манбаларга таяниб, ўлкамиздаги аҳоли сони, миллий таркиби, миграция, эмиграция, ўлка иқтисодиёти қандай режалаштирилгани ва шу кабиларга оид бошқа кўплаб аниқ, бирмунча батафсил маълумотларга эга бўлиш мумкин. Бу натижалар асосида чиқарилган хулосалар аҳолиси жадал ўсиб бораётган Ўзбекистоннинг келажакдаги демографик тараққиёт йўналишларини белгилашда ҳамда кутилаётган муҳим ўзгаришларни аниқлашда илмий асос бўлиб хизмат қилади.

**Илҳомжон ҒУЛОМОВ,**

*Ўзбекистон Миллий университети  
таянч докторанти*



## SUMMARY

**When the divine balance is broken. Interview with literary critic Rahmon Kuchkor. pp. 4-15.**

Interview covered issues such as the role of intellectuals in society, educational issues, and the anticorruption efforts. The interlocutor also shared his views on the most pressing problem of today – the impact of the coronavirus pandemic on human life, morality and thinking. “Mankind is interfering too much with the divine balance in the universe, and this can lead to a chain reaction of disasters,” – warns literary critic R. Kuchkor.

**Abdurahim Erkaev, Khurshid Fozilov. Eurasian desires. pp. 20-25.**


On May 11, the Senate of the Oliy Majlis approved the entry of Uzbekistan into the Eurasian Economic Union (EAEU) as an observer state. It should be noted that this incident caused heated debate among the public. The authors of the article – members of the Senate of the Oliy Majlis – discuss the pros and cons of cooperation with the EAEU. According to senators, the issue of Uzbekistan’s membership in the EAEU should be resolved through a referendum, and not through parliament and government.

**Eldor Asanov. About the concept of identity that scattered and united humanity. pp. 32-41.**

The formation of the ability to see and understand the world through the prism of nationality depends on the theories that have dominated science for the past 200-300 years, and the policies on which they are based. But today humanity is entering a new - post-national stage. This requires rethinking of the concept of identity. The article considers the gradual development of this concept.

**Sharof Boshbekov. Invertebrate man. pp. 42-46.**

Unfortunately, among the youth of the country there is a growing tendency to panegyric. The author figuratively calls them 'Invertebrata'. According to the article, flattery and panegyric are a serious obstacle to the development of the country. "Panegyric is like radiation: it has no smell, taste, or color; it penetrates human cells and tissues and destroys them as a person. This evil will ruin the society as well, " – mentions the writer Sh. Boshbekov.





Бобур ИСМОИЛОВ. "Сурфа"

Xp 13529

Нашр кўрсаткичи: 869/870  
Баҳоси келишилган нарҳда

# TAFAKKUR

**TAFAKKUR 2/2020**



ISSN 2010-6491



9 772010 649005